

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ  
КАФЕДРАСИ**

**“КЛИНИК ТИББИЕТГА ВА ТИББИЕТ КАСБИГА КИРИШ”  
(Хирургик бемор-болаларни парваришлаш)  
ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ УСЛУБИЙ  
МАЖМУАСИ**

**Таълим йўналиши**

Билим соҳаси:	500000	-	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	-	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5510100	-	Даволаш иши
	5510200	-	Педиатрия иши
	5111000	-	Касб таълими (5510100- Даволаш иши)

*(Даволаш, педиатрия ва тиббий-педагогика факультети 1-курс талабалари учун)*

**ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА**

## АННОТАЦИЯ

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Клиник тиббиётга ва тиббиёт касбига кириш фани бўлажак мутахассисни тайёрлашнинг илк босқичи ҳисобланади. Талабалар томонидан бемор муаммоларини аниқ тасаввур қила олиш бемор парваришига ёрдам беради.

Клиник тиббиётга ва тиббиёт фанига кириш фани ўқув режасининг клиник фанлар блокига таалуқли бўлиб, 1 курснинг 1-2 семестрларида ўқитилади ва синов (зачет) билан яқунланади.

- I. Фанни ўқитиш учун биология, одам анатомияси, кимё фанлари назарий замин бўлиб хизмат қилади. Клиник тиббиётга ва тиббиёт касбига кириш фани кейинчалик ички касалликлар пропедевтикаси, болалар касалликлари пропедевтикаси, умумий хирургия ва болалар хирургияси фанлари учун назарий замин бўлиб хизмат кўрсатади.

Фанни ўқитишдан мақсад - катталар ва болалар саломатлигини яхшилаш учун зарур бўлган сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш компетенцияларини шакллантириш.

*Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил «21» августдаги тасдиқланган №474 сонли фан дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.  
(Рўйхатга олиш рақами № Б.Д. 3.01)*

**Тузувчилар:**

1. **Раупов Ф.С.** - “Педиатрия ва болалар хирургияси” кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди
2. **Ахмедов А.Т.** - “Педиатрия ва болалар хирургияси” кафедраси ўқитувчиси

**Такризчилар:**

Ўроқов Ш.Т.-Хирургик касалликлар ва анестезиология-реанимация кафедраси мудири, т.ф.д.

Мирходжаев И.А.– Госпитал ва Факультет хирургия, урология кафедраси доценти, т.ф.н.

Ушбу мажмуа ишчи дастур ўқув дастури ва ўқув режа асосида, 5510200-Педиатрия иши, 5111000 Касб таълими (5510100-Даволаш иши) йўналишлари бўйича тузилган ва Бухоро давлат тиббиёт институти марказий услубий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Баённома № \_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2017 й.

ФУК раҳбари: Ихтиёрова Г.А. - Акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, т.ф.н.,  
доцент

\_\_\_\_\_  
(имзо)

## МУНДАРИЖА

1.	ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ .....
2.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....
3.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....
4.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....
5.	ГЛОССАРИЙ .....
6.	ИЛОВЛАР
6.1	ФАН ДАСТУРИ .....
6.2	ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....
6.3	ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР .....
6.4	ТЕСТЛАР .....
6.5	БАҲОЛАШ .....
6.6	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....

**“КЛИНИК ТИББИЕТГА ВА ТИББИЕТ КАСБИГА КИРИШ”  
(Хирургик бемор-болаларни парваришлаш)**

**ФАНИДАН 1-КУРС  
ДАВОЛАШ, ПЕДИАТРИЯ ВА ТИББИЙ ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАЪРУЗАЛАР РЕЖАСИ:**

- 1 Хирургик касалликлар хақида тушунча.
- 2 Хирургик беморларни операция олди ва операциядан кейинги даврларида парваришлаш асослари.

**МАЪРУЗА №1**

**ХИРУРГИК КАСАЛЛИКЛАР ХАҚИДА ТУШУНЧА.**

1. Хирургик касалларни қабул қилиш маслаҳат беришининг асосий қонуниятлари ва турлари.
2. Шифокор ва бемор мулоқотининг ахамияти.
3. Ятрогения ва эфтаназия муаммолари ва уларни хал қилишининг ахамияти.

1. Ҳар қандай касалликка даво қилишда бемор парвариши муҳим ўрин тутди. Парвариш деганда бемор ахволини енгиллаштиришга ва даволашнинг муваффақиятли чиқишига қаратилган тадбирларни тушуниш лозим. Бу тадбирлар касалликнинг тури ва характеридан қатъий назар умумий ва муайян бўлиши мумкин. Кейингисига эса хирургик беморлар парвариши, урологик, онкологик, куйиш касаллиги, стоматологик, травматологик ва бошқалар кириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда булар махсус парвариш турларидир.

Умумий парваришнинг ҳажми беморнинг соғлиқ ҳолатига боғлиқ бўлиб, ўз ичига: ширинсуханлик ва меҳрибонлик билан беморнинг кайфиятини кўтариш, бемор ахволи устидан кузатиб бориш, беморнинг бўш вақтини ташкил қилиш, қулай ўринбош тайёрлаш ва уни тоза тутиш, беморларни ювиниб-тараниш, овқат ейиш, организмнинг физиологик эҳтиёжлари вақтида ёрдам бериш, санитария-гигиеник шароит яратиш ва уни сақлаб туриш ҳамда врач кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш каби муҳим ишларни қамраб олади. Беморларни парвариш қилиш айна вақтда касаллик туфайли дармони қуриган организмда жиддий асоратлар ривожланишига тускинлик қиладиган профилактик тадбир ҳам ҳисобланади. Айниқса хирургик беморларни парвариш қиладиганда, унинг касаллигини эмас, балки беморнинг ўзини кўз олдимизга келтиришимиз керак. «Даволаш» ва «парвариш» тушунчаларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас, чунки улар бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб туради ва битта мақсадни кўзда тутди. Медицина олий билимгоҳи талабалари беморларни парвариш қилишда тиббий ҳамширалар билан биргаликда ишлашлари лозим, айрим ҳолларда эса баъзи тадбирларни бажаришда кичик тиббий ходим -- санитаркалар (энагалар) ёрдамидан фойдаланилади. Тиббий ҳамширанинг иши ниҳоятда масъулиятли, чунки беморни асосан улар парвариш қилишади. Ўз ишига меҳр қўйган, беморга меҳрибонлик кўрсата олган тиббий ҳамширагина яхши ҳисобланади. Бироқ бундан ташқари тиббий ҳамшира ва ишлаб чиқариш практикасини ўтаётган ёки махсус беморлар парваришига оид программа асосида дарс ўтаётган олий медицина билимгоҳи талабалари етарли даражада тиббий билимларга эга бўлиши ва қуйидаги вазифаларни адо этиши керак: а) беморларни (айниқса хирургик) врачлар, ассистентлар, доцентлар ёки профессор кўраётганда албатта қатнашиши, беморларнинг соғлиқ ҳолати тўғрисида

маълумотлар бериш; б) операция қилинган беморларнинг боғламларини (повязка) кўздан кечириб туриш, ҳар хил ажралмалар билан, айниқса қон билан ҳўлланганда дархол врачни хабардор қилиш; в) эрталаб ва кечқурун беморларнинг ҳароратини ўлчаш, термометр кўрсаткичларини температура варақасига ёзиш, бир минут ичида томир уриши ва нафас олиш сонини ҳисоблаш, диурезни, касаллик тарихига батартиб ёзиб бориш; г) врач кўрсатмаси бўйича анализлар учун материаллар (қон, сийдик, ахлат ва бошқалар) йиғиш, уларни лабораторияга етказиш, текшириш натижаларини ўз вақтида йиғиш ва уларни касаллик тарихига ёпиштириб қўйиш; д) беморларни кўриш учун касалхонага келувчиларнинг касалхона ички тартиб-қоидаларини аниқ бажариши устидан кузатиш; е) қайси аъзо операция қилинганига қараб парҳез талабномаларини тузиш ва беморларнинг ўзларига белгиланган парҳез таомлари олишлари устидан кузатиб бориш; ё) операция қилиш керак бўлган беморлар учун асосан қон, дори-дармонлар, боғлов материали ва беморларни парвариш буюмларига талабномалар тузиш ва бўлим ҳамширасига топшириш.

Тиббий ҳамширанинг вазифаларидан бири бемор психикасини имкон борича эҳтиётлашга ва даволашнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган, тиббий ходимларнинг хатти-ҳаракати принциплари тўғрисидаги фан — тиббий деонтология қоидаларига пухта риоя қилиш ҳисобланади. Бемор билан хушмуомалада бўлиш ва унга меҳрибонлик қилиш, бемор ножўя хатти-ҳаракат қилганда ўзини тута билиш, бемор ва унинг яқин қариндошлари билан мулойимлик билан гаплашиш, врачга сиполик билан мурожаат қилиш ва унинг танқидий фикрларига босиқлик билан кулоқ солиш — тиббий ҳамширанинг асосий фазилатларидан бўлиши керак. Тиббий ҳамшира беморга ҳам, унинг қариндошларига ҳам ҳеч қандай ортиқча маълумотлар бермаслиги керак.

Бемор ҳузурида парвариш жараёнида вужудга келадиган асоратлар тўғрисида гапирмаслик ва даволаш жараёнида рўй бериш эҳтимоли бўлган камчиликларга диққатни жалб қилмаслик керак. Аксарият тиббий ҳамширанинг беморга даволовчи врач келгунга қадар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишига тўғри келади. Агар тиббий ҳамшира даволаш муолажаларининг техникасини яхши билмаса у бундай ёрдамни кўрсата олмайди. Шунинг учун техникавий кўникмаларни доимо такомиллаштириб бориш ҳамширанинг вазифаси ҳисобланади. Тиббий ҳамшира даволаш муассасасидаги тартиб-интизомни сақлаб туриш ва кичик тиббий ходимдан ҳам унга риоя этишини талаб қилиши керак. Тиббий ҳамширанинг врачга муносабати уларнинг умумий ишни қилаётганлиги ва умумий мақсадга интилаётганлиги билан белгиланади. Интизомли, ҳаракатчан, саранжом-сарийшта ва озода тиббий ҳамшира врачнинг яхши ёрдамчисидир. Бироқ врачнинг яхши ёрдамчиси бўлиши учун тиббий ҳамшира врачнинг ҳар бир кўрсатмасидаги маънони яхши тушуниб олиши ва уни онгли бажариши лозим. Бунинг учун у тиббий адабиётларни доим ўқиб бориб, олган билимларини такомиллаштириб туриши лозим. Тиббий ҳамшира врачнинг у ёки бу кўрсатмасининг зарурлигини тушуниб етганидан кейингина беморга тайин қилинган давонинг фойда бўлишига уни ишонтира олади. Тиббий ҳамшира ўзининг ҳамма шубҳаларини врачга маълум қилиши керак. Бундан ташқари, ўзининг хатти-ҳаракати билан врачнинг обрӯ-эътиборини мустаҳкамлаши, беморда врачга бўлган ишончини қувватлаб туриши керак.

## ХИРУРГИЯ ВА ХИРУРГИК БЕМОРЛАР ПАРВАРИШИДА ДЕОНТОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Деонтология — тиббий этиканинг бир қисми бўлиб, грекча «деон» — бурч ва «логос» — таълимот демакдир. Деонтология — бу кичик, ўрта маълумотли тиббий ходимлар ва врачларнинг тиббий муассасаларда ва бошқа шароитларда беморлар ва уларнинг қариндош-уруғлари билан муносабатда ўзларини қандай тутишлари кераклигини ўргатади. Медицина деонтологияси катта бир йўлни босиб ўтди.

Деонтологиянинг асосий принциплари эрамизгача бўлган 460—377 йилларда Гиппократ таърифлаган эди: «Ўз ҳаётини тиббиёт фанига бағишлаган киши аввало куйидаги фазилатларга: беғараз, камтар, доно бўлиши, соғлом ақлга эга бўлиши керак». Хирургиямиз босиб ўтган йўлга бир назар ташласак, оддий жарроҳларимиздан бошлаб буюк хирургларимиз ҳам медицинанинг ахлоқ ва маънавий нормаларининг ривожланишида ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлари ва қўшиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Хирургиямиз асосчиларидан бўлган Н.И.Пироговни хирургияга қанчалик меҳр-муҳаббат қўйганлигини, ёш авлод—врачларни ҳам катта маънавий руҳида тарбиялаганлигини ҳамда уларда беморларга нисбатан чуқур ҳурмат ва муҳаббат уйғота олганлигини мамнуният билан мисол қилиб олсак бўлади. Ватанимиз ҳарбий хирурглари Н.И.Пирогов анъаналарини давом эттириб, иккинчи жаҳон урушида 72,6% жароҳат олган кишиларни даволадилар ва ҳаётга қайтардилар. Хирурглар ишининг нақадар қийин эканлигини тушуниб етишимиз керак. Ҳар кунлик иш жараёнида хирург жуда ҳам моҳирлик билан иш тутиши зарур, чунки у хирургик бемор ва уларнинг қариндош-урурларига касаллик диагноздан тортиб токи операциягача ва ҳаттоки операциядан кейинги парвариш давригача бўлган муолажаларни усталик билан тушунтириб бермоғи лозим. Хирург учун шундай қийин дамлар бўладики, у барча тажриба ва имкониятларини ишга солиб, бемор ҳаёти учун хавfli ва айни вақтда қилиниши зарур бўлган операцияларни бемор ва унинг қариндошларига етарли даражада тушунтира билиши керак. Хирургнинг эса бундай ишларни мукамал ҳал қилишига киришиши зарурий ҳолатдир. Бундай вазиятларда хирург бемор киши, унинг қариндош-уруғлари, коллектив ва ҳамкасблари олдидаги катта масъулиятни ҳамда маънавий жавобгарликни сезиши керак. Хирург фаолиятига таниқли хирург Л. Лериш катта баҳо бериб ёзган эдики: «Кимки бир минут ичида вазиятни баҳолай олмаса у хирург бўла олмайди, ҳар қандай операциядан олдин гумонсираб турса ишончсиз кишига ўхшаб қолади, қалб одамни ҳамма вақт олдинга ундаб туриши керак».

Одамлар орасида «қўли енгил хирург экан», «киши доим ўнгидан келади» деган ибораларни эшитамиз. Албатта, истеъдод билан билимни инкор этиб бўлмайди, ҳар иккаласи хирургда қўшиб олиб борилса «хирургик бахт»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Афсуски, шундайлар ҳам борки, улар ўзларининг хирургик фаолиятида фақат енгил хирургик беморларни танлаб операция қиладилар ва оғир хирургик беморлардан узоқроқ бўлиб, шу тариқа обрў-эътибор қозонмоқчи бўладилар. Афсуски, бундай хирурглар халқ олдида ҳам, ҳамкасблари олдида ҳам шон-шуҳратга эга бўла олмайдилар. Н.И.Пирогов «хирург бахтини» тўрт нарсадан деб билади: биринчидан — касаллик ҳақида ишонч; иккинчидан — операция қилиш вақтини яхши белгилаш, куп ҳам эрта, ёки куп ҳам кечга қолдирмаслик, бемор кайфиятига яхши таъсир этиш, ундаги кўрқиш ва ишончсизликни йўқотиш; учинчидан — нафақат операцияни яхши бажариш, ҳатто унинг асоратларга олиб келмаслик чора-тадбирларини кўриш; тўртинчидан — кейинги даволаш жараёнини кунт ва матонат билан олиб боришдан иборат. Т. Бильрот хирург билан терапевт орасидаги фарқни қуйидагича исботлайди: «Врачи севадилар, хирургдан кўрқадилар, демак биринчиси ўзининг рецепти билан бемор аҳолини енгиллаштиради, иккинчиси эса, аксинча, оғрик олиб келади». Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги замон хирургияси оғрикка қарши кўп ютукка эришсада, лекин кўп нарсалар ҳозиргача ҳам муаммолигича қолмоқда. Хирургнинг катта-кичик хирургик муолажалар бажаришидан қатъий назар, у ҳамма вақт касалга кам оғрик келтириш йўллари йўлаши керак. С.И.Спасокукоцкий талабаларга лекция ўқиб турганида бемор ярасидаги боғлам ечилганда бир томчи қонни кўриб врачдан «Бу нима?» — деб сўраб, ўзи жавоб қилган экан: «Бу врачнинг нолаёқатлигидан грануляциянинг қон аралаш ёшидир».

Ҳозирги замон хирурглари асептика ва антисептика қоида ва қонунларига амал қилишлари шарт. Бу тўғрисида жуда кўп адабиётлар мавжуд, аммо хирургнинг хирург-субординаторларнинг ушбу асосланган методларга амал қилмасликлари, операциядан

олдин кўлларини шошма-шошарлик билан ювишлари, боғловхонада ярани «боғлаш жараёнида кўйилган хатолар асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хирург нафақат ишда, уй-рузғорда ҳам, ҳаётда ҳам кўлини ҳар хил ифлосланишлардан сақлаши керак. Очик, ҳимояланмаган кўл билан ховлида ишлаш, кўл териси шикастланишига олиб келадиган юмушлар бажаришда эҳтиёт бўлиши керак. Шундай ишлар бажарилган тақдирда ҳам дарҳол кўлни тозаловчи моддалар билан ювиш шарт. Ҳозирги замон хирургиясининг жадал суръатлар билан ривожланиб кетиши, айниқса трансплантология — одам аъзоларини кўчириб ўтказиш соҳасидаги америкалик жаррохларнинг бирданига «юрак-ўпка», «юрак-ўпка-жигар» операцияларини бажаришлари медицина деонтологиясида ҳам бир қанча муаммоларни юзага келтирди. Хирург, реципиент ва донор ёки донор қариндош-уруғлари билан реципиент ўртасидаги муносабатлар шулар жумласидандир. Бутун оламга машҳур хирург Н.М.Амосов ҳам юракни кўчириб ўтказишга рухсат олгач автомобил ҳалокатидан ўлган ёш қизнинг юрагини олиб касал беморга ўтказишни унинг қариндош-уруғларидан сўрашга журъат эта олмаган. Бу эса трансплантологияда деонтологиянинг қийин ва мураккаб ахлоқий ва маънавий масалаларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари, хирургияга янги асбоб-ускуналарнинг кириб келиши ҳам деонтология соҳасида мураккаб вазифаларни вужудга келтирди. Мисол тариқасида шуни айтиш керакки, сунъий қон айланиш аппаратини (АИК) хирургияда кўлланишида уни ишга тушириш учун врачлардан ташқари инженер-механиклардан иборат катта бир бригада ишлаши керак. Ҳар хил касб эгаларининг бир тан, бир жон бўлиб ишлашларини таъминлаш ҳозирги шароитда қийин муаммолардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда хирургия соҳасидаги деонтология муаммолари ўз актуаллигини йўқотгани йўқ, аксинча, ҳар бир медицина ходимидан, айниқса, талабалардан, ҳаттоки ҳамширалардан ҳам ўз соҳасини жонкуяри, билимдони бўлишни талаб этади. Беморга тўлиқ ҳамдардлик қилинади, унинг ахволини тушунгандагина бемор билан тиббиёт ходими ўртасида давонинг наф беришига ишонч, самимий муносабат ўрнатилиши мумкин. Мехрибонлик, маънавий ёрдам, самимийликнинг фойдаси дори моддалардан кўра кўпдир. Яъни ўтмишда тиббиёт ҳамширасини «шафқат ҳамшираси» деб бежиз айтишмаган. Азоб чекаётган одамга раҳм қилмайдиган, бепарво, худбин одамнинг тиббиёт муассасасида ишлашига йўл қўйиб бўлмайди.

Тиббиёт ҳамшираси беморни текширишда, уни турли хил операцияларга тайёрлашда, шифокор тайинлаган даво муолажаларини амалга оширишда, беморлар парваришида бевосита қатнашади. Бемор билан муомала қилган кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари бемор хаёлини: оғир ўй-фикрлардан холи қилиши, чалғитиши, уни тетиклантириб, кўнглида соғайиб кетишга ишонч уйғотиши керак. Бунда албатта беморнинг индивидуал хусусиятларини ва мазкур фурсатдаги ахволини ҳисобга олиш ҳам лозим; бир беморни чидаб туришга кўндириш керак бўлса («Сал оғрийдию, лекин кейин енгил тортасиз» — деб), бошқасини ҳар хил гап-сузлар билан андармон қилиш керак бўлади. Беморлар кўпинча ўрта ва кичик тиббиёт ходимларидан ўзининг диагнози ва қандай натижа билан тугагини сўрашади. Беморнинг дарди бедаво бўлса, айниқса унда хавфли ўсма (рак) касаллиги бўлса, буни унга айтиш мутлақо ярамайди. Касалликнинг қандай яқунланишига келганда ҳамиша комил ишонч билан эсон-омон ўтиб кетади деб айтиш керак. Беморнинг олдида у яхши тушунмайдиган ва кўнглида ваҳима ва кўрқинч уйғотадиган: «шок», «агония», «қон туфлаш», «гематома», «коллапс» сингари ибораларни ишлатмаслик керак. Наркотик уйқу ва ҳатто юзаки кома ҳолатидаги беморлар ҳам баъзан палатадаги гап-сузларни эшитиб, кўнглига туғиб қўйишини эсдан чиқармаслик керак. Чунки бемор кўнглига озор етадиган бўлса, бу унинг ахволини оғирлаштириб қўйиши, баъзи ҳолларда эса даволанишдан бош тортиб, ҳатто ўзини ўзи ўлдиришга уриниб кўришга сабаб бўлиши мумкин. Гоҳо «беморлар бетоқат, давондан кўнгли тўлмай, гумонсирайдиган бўлиб қолишади, уларда эс-хуш айниб қолиши, галлюцинациялар, васваса бўлиб туриши мумкин. Ана шундай ҳолларда кичик ва ўрта



тиббиёт ходимлари сабр-тоқатли ва хушмуомала бўлишлари зарур. Бемор билан ҳеч қачон гап талашиб ўтириш ярамайди, лекин даво чораларининг зарурлигини тушунтира олиш керак. Шу билан бирга аҳволи унча оғир бўлмаган беморлар, одатда, интизомни, даво режимини бузадилар: палаталарда чекадилар, спиртли ичимликлар ичадилар. Бундай ҳолларда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари интизом бузилишига йўл қўймасликлари, қаттиққўл бўлишлари, аммо қўполлик қилмасликлари керак. Бемордан дардининг бедаволигини ёки аҳволининг оғирлашиб қолганини яширган ҳолда буни унинг қариндошларига ётиги билан тушунтириш керак. Бироқ улар орасида ҳам бемор одамлар бўлиши мумкин, шуни ҳисобга олиб, улар билан гаплашганда ниҳоятда эҳтиёткор ва андишали бўлиш керак. Беморни кўргани келган одамлар билан гаплашишдаи олдин врач билан маслаҳатлашиш керак. Айниқса телефонда гаплашганда эҳтиёт бўлиш, хусусан бирор жиддий хабарни айтмаслик, балки шифохонага келиб врач билан шахсан гаплашиш кераклигини тушунтириш лозим. Аксарият ҳолларда беморнинг қариндошлари бўлимда бўлмаган дори-дармонларни топишда ўз ёрдамларини таклиф этадилар. Бундай таклифни мулойимлик билан» лекин қатъиян рад этмоқ керак. Дори-дармонлар билан таъминлаш даволаш муассасаси маъмуриятининг бевосита вазифаси ҳисобланади ва зарур бўлганда ҳар қандай дорини расмий йўл билан топиш мумкин. Тиббиёт ҳамшираси ўз малакасини доимо ошириб бориши лозим. Даволаш муассасасидаги умумий муҳит бунга ёрдам бериши керак.

**Тиббий этика** – тиббиёт ходимларининг ахлоқий меъёрлари тўплами.

**Деонтология** – тиббий мутахассисларнинг ўз вазифаларини бажаришдаги ахлоқий меъёрлар тўплами.

**Шифокор ва бемор.** Шифокорнинг асосий мақсади – беморнинг соғлиғини яхшилашдир. Шифокор ҳар бир беморга индивидуал ёндашиши керак. Шифокор муносабатида ҳар бир беморнинг умумий ҳолати, характери, маданияти, маълумоти ҳисобга олиниши керак. Баъзи бир гуруҳ инсонларга, айниқса ёш аёлларга эътиборли, хушмуомала бўлиш, керак бўлганда хушомад қилиш керак. Бошқаларга, айниқса армияда хизмат қилган эркакларга, қаттиқ, буйруқ оҳангида гапириш керак. Учинчи гуруҳга, интеллектуал даражаси паст инсонларга, касалини, бажариладиган операциясини оддий, бемор тушунадиган сўзлар билан тушунтириш керак. Энг асосийси хирург беморга, унинг тузалишини хошлаётганини, даволай олишига ишонишини ва даволаш самарали бўлишини кўрсата билиши керак. Ҳамма ҳолатларда беморларга далда керак, лекин шифокор албатта беморга унинг аҳволи жиддийлигини, асоратлар бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиши керак. Истисноли ҳолатлар ҳам бор, булар онкологик беморларда бўлади. Шифокор, хаттоки энг кичик ўзгаришларни ҳам беморга билдириши керак, бу беморга далда бўлади. Шуни эътиборга олиш керакки, ҳар қандай инвазив муолажалар учун беморнинг ёзма розилиги керак ва у касаллик тарихига қўшиб қўйилади. Касаллик тарихида беморнинг имзоси бўлмаса, беморнинг қариндошлари томондан иш судда юридик кўриб чиқилиши мумкин.

**Шифокор ва беморнинг қариндошлари.** Беморнинг энг яқин қариндошларига (1-катор қариндошларига) шифокор касаллик характери, операция тури, бўлиши мумкин бўлган асоратлар, операциянинг хавфи томонлари ҳақида маълумот бериши керак.

**Энг яқин қариндошлар қуйидагилар ҳисобланади:**

- Беморнинг аёли
- Беморнинг фарзандлари
- Беморнинг ота-онаси

Булардан бошқа қариндошлар ва танишларга, улардан томонидан сўров бўлганда, бемор ҳолати ҳақидаги умумий маълумотлар берилади. Қуйидаги қоидага қатъий амал қилиш керак: Юридик кучга эга бўлган операцияга розиликни фақат беморнинг ўзи бериши мумкин. Фақатгина бемор хушсиз ҳолатда бўлганда, рухий касаллик натижасида мустақил қарор қабул қила олмаганда, вояга етмаган болаларда операция қилишга розиликни яқин қариндошлар беради. Шифокор- хирург беморнинг яқин қариндошлари билан доимий

контактда бўлиши керак. Бу летал ҳолатларда турли хилдаги шикоятлар ва кўнгилсизликларнинг олдини олади.

**Онкологияда деонтология масаласи.** Шифокор-хирург рак билан касалланган бемор билан суҳбатининг дастлабки дақиқаларидаёқ беморни тузалиши мумкинлигига ишонтира олиши керак. Ҳозирги кунда беморга рак билан касалланганлигини айтиш- айтмаслик тўғрисида дискуссиялар кетмоқда. Юридик нуқтаи назардан бемор ўзининг касаллиги тўғрисида барча маълумотларни билишга ҳаққи бор. Фарбий Европа давлатлари ва Америкада беморга у рак билан касалланганлиги тўғрисида аниқ хабар беришади. Лекин кўпгина рак билан касалланган беморлар касаллик ривожланиб бориши мумкинлигини ўйлаб психологик тушкунликка тушиб қолишади. Шунинг учун кўпгина хирурглар аввал қўлланилган усулни қўллаб, бемордан касаллигининг характерини яширишади. Тиббий маълумотномаларда диагноз лотин тилида ёзилади, беморлар химиотерапияни ўташ учун умумий профилли палаталарга госпитализация қилинади.

**Шифокор сири.** Шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари ўзларининг касбий бурчларини бажараётган вақтларида уларга маълум бўлган беморнинг касаллиги, оилавий ва жинсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни тарқатмасликлари керак.

Илмий изланишларида беморнинг фамилиясини, унинг расмларини юзини яширмаган ҳолда демонстрация қилмасликлари керак.

Шу билан бир қаторда шифокор инфекция, венерик касалликларда, захарланишларда санитар органларга хабар бериши керак; Қотиллик юз берганда, травмаларда, ўқ отар ва бошқа қуроллар билан жароҳатланган беморлар бўлганида тергов ходимларига хабар бериши керак.

Шифокор бемор ишхонасига, агар у бу соҳада касаллиги туфайли ишламаслиги керак бўлса хабар бериши керак (озик-овқатлар билан боғлиқ соҳаларда туберкулёз (сил) ва венерик касалликли беморлар, хайдовчиларда эпилепсия аниқланса)

**Тиббий муассасада ходимлар ўртасидаги муносабатлар.** Тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасидаги муносабатлар умуминсоний ахлоқнинг қуйидаги тамойилларига мувофиқ бўлиши керак:

- ҳалоллик,
- самимийлик,
- тажрибали ва ўзидан катта ҳамкасбига ҳурмат ва бўйсиниш ва ҳ.к

Тиббиёт муассасаларида беморнинг иложи борича руҳий ҳолатини шикастламайдиган ва шифокорга ишонч муҳитини яратадиган вазият бўлиши керак. Раҳбарларнинг сурбетлиги ва ҳурматсизлиги, ходимларнинг унга кўр-кўрона бўйсунуши, хатоларни кўрмаслиги тиббий хизмат сифатини пасайтиради. Бир томондан, шифокор хатосини бемор қариндошлари билан муҳокама қилмаслиги керак, бошқа тарафдан ҳар хил конференцияларда шифокор тактикасини муҳокама қилиш хатоларни тўғирлашга ва тиббий ёрдам сифатини оширишга олиб келади.

**Шифокор ва жамият.** Жарроҳлик клиникасида замонавий илмий ютуқларни амалиётга татбиқ этиш жараёни доимо бўлиши керак. Устозлик тамойилига риоя қилиш керак: тажрибали жарроҳ ёш мутахассисга таълим беради. Қуйидаги асосий тамойил – қарор қабул қилишда мантикий жавобгарлик: ташхис ноаниқ бўлса, у ҳолда профессионал тажрибали мутахассис таклиф қилинади. Шу билан бирга, агар жарроҳ мустақил қарор қабул қилаолмаса, унинг беморлари қолмайди. Юқори, ўрта ва кичик тиббий ходимлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва бир-бирига ҳурматга асосланган бўлиши керак. Шу билан бирга, қарорни қабул қилишда таниш-билишчиликка йўл қўйилмаслиги лозим.

Бундай беморлар билан, улар тиббий ходим томонидан парвариш қилинаётганда алоқа ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, беморнинг кайфиятини ҳар томонлама кўтаришга ҳаракат қилиш керак.

Ҳамшира ҳеч қачон беморга ёки даволаниш жараёнида иштирок этмаётган бошқа шахсга касаллик тарихини кўрсатмаслиги керак. Тиббий ходимлар даволаётган шифокор руҳсатисиз унинг касали ҳақида маълумот берганда нохуш ҳолатлар бўлгани кўп кузатилган.

«**Шифокор сири**» деган тушунча бўлиб, уни ҳеч ким бекор қилмаган. Тиббий деонтологиянинг энг жиддий муаммоларидан бири тиббиёт ходимлари ва жамият ўртасидаги муносабатдир.

Тиббиёт муассасаларида масъул ходимларни, тиббий муассасага моддий ёрдам кўрсатишга қодир бўлган саноат ва йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари ўз ичига оладиган тиббий муассасаларда васийлик кенгашларини ташкил этиш зарур. Ўз навбатида, тиббий муассасалар корхоналар ходимларини даволаш ва диагностика қилиш бўйича мажбуриятларни олади.

Тиббий ходимларнинг корпоратив этикасини, шифохонада ҳар хил мутахассислардан ташкил топган жамоа ишлашини, тиббиёт муассасасининг ижобий баҳоланиши барча ходимларнинг яхши номидан келиб чиқишини унутмаслик керак.

### **Тиббий ходимларнинг ўзини тутиш қоидалари.**

Тиббий ходимларнинг ўзини тутиши қуйидаги умумий қоидалардан иборат бўлиши мумкин:

1. Тиббиёт ходимлари дид билан, тартибли кийинган бўлиши керак;
2. Сочни тиббий қалпоқ тагига йиғиб олиш керак
3. Тирноқлар калта олинган бўлиши керак;
4. Ортиқча косметика ва тақинчоқларга йўл қўймаслик керак;
5. Парфюмлардан фойдаланишни чеклаш керак, айниқса ўткир ҳидли бўлганларни (субъектив ёқимсиз ҳиссиётларга қўшимча равишда, беморда аллергик реакцияни ривожланиши, бронхиал астма хуружи ва бошқаларга сабаб булиши мумкин булганларни);
6. Тиббий ходим ўзининг юз ифодасини, суҳбат ва хатти-ҳаракатларнинг услубларини доимо назорат қилиши жуда муҳим; шифокор ўзини меҳрибон ва хотиржам тутиши беморнинг руҳига ижобий таъсир кўрсатади ва даволашнинг муваффақиятига ишонч ҳосил қилади;
7. Таъсирчан, осонгина жахли чиқадиган ёки аксинча, контактсиз, депрессия билан оғриган беморга ғамхўрлик қилаётганингизда, сабр-тоқатли бўлишингиз керак, беморнинг ахволини яхшилаш учун ҳамма нарса қилинаётганлигини қайта-қайта таъкидлашингиз керак. Бундай беморлар билан алоқа қилишда беморни соғайиши ҳақидаги ҳар- хил маълумотларни турли нуқтаи назарлардан қайта-қайта такрорлаш керак; Оғир, тузалиш имконияти йўқ, атроф-муҳитга бефарқ беморлар билан алоқа қийинчиликлар туғдиради (онкологик профилдаги нооперабел ёки инкурабел беморлар, юрак қон-томир оғир патологияси билан оғриган беморлар, инсулт натижасида ҳаракатлана олмаган, бу тушунча нафақат шифокорлар, балки даволаш жараёнида қатнашадиган барча соғлиқни сақлаш ходимлари учун ҳам амал қилади.

Тиббий ходим телефон қилган шахс ўзини қандай таништиришидан қатъий назар, телефон орқали бемор ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаслиги керак.

### **Эвтаназия муаммоси.**

Эвтаназияни 2 хил тури мавжуд: фаол ва пассив.

**Фаол эвтаназия.** Бунда беморнинг ўзи ёки яқинлари кўрсатмасига асосан беморга ортиқча азоб бермаслик учун ўлдириш назарда тутилади. Бу шифокор фаол ҳаракати билан ёки «**тўлик шприц усули**» орқали амалга оширилади. Шунга ўхшаш ҳолатлар кўпчилик давлатларда таъқиқланган ва қасддан ўлдириш деб ҳисобланади.

**Пассив эвтаназия.** Пассив эвтаназия – жуда қийин бўлган даво муолажалари қўлланилишини чегаралаш ва қўлламастик, қайсики уларнинг қўлланилиши бемор ҳаётининг узайишига олиб келиши мумкин, лекин дарддан тўлиқ соғаймайди. Бошқача қилиб айтганда «**кечиктирилган шприц усули**». Бундай ҳолатлар айниқса ўта оғир бўлган беморлар, тузалмас ўта оғир касалликлар, декортикацияда ва туғма оғир нуқсонларда ҳозирги кунда жуда долзарблигича қолмоқда. Бундай ҳолатларда шифокорларининг бу усулни қўллаши ва мақсадга йўналтирилганлиги ҳозиргача жамиятда ўз ўрнини топмаган ва кўплаб давлатларда бундай хатти-ҳаракатлар тавсия қилинмайди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭВТАНАЗИЯ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ !!!

## **МАЪРУЗА №2**

### **ХИРУРГИК БЕМОРЛАРНИ ОПЕРАЦИЯ ОЛДИ ДАВРИДА ВА ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРЛАРИДА ПАРВАРИШЛАШ АСОСЛАРИ.**

- 1. Хирургик беморларни операция олди даврида ва операциядан кейинги даврда шифокорнинг бемор билан мулоқотининг ахамияти.*
- 2. Антисептика ва асептика қонуниятларини ўрганиши.*
- 3. Шахсий гигиена ва шифохона ички инфекцияси хақидаги маълумотлар.*
- 4. Терминал беморлар ва уларни парваришлаш асослари.*

Парвариш деганда боланинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қониқтиришда (овқат ейиш, ичимлик ичиш, ҳаракат қилиш, ичак ва қовуқни бўшатиш ва б.) ва касаллик ҳоллари вақтида (қусиш, йўтал, қон оқиши, нафас олиш бузилиши ва б.) ёрдам бериш тушунилади. Парвариш шунингдек бемор учун осойишталик, қулай микроклим (ёруғ палата, соф ҳаво, қулай ва озода ўринбош, керакли маиший буюмлар, деворларда расмлар ва б).

Бўлимда беморни навбатчи ҳамшира қабул қилиб (ўйинлар учун хона), мактаб маршрутлари учун шароитлар яратишни ўз ичига олади. Бу оғир хирургик касалликлар билан касалланган ва узоқ вақт ётиб қолган

болалар учун айниқса муҳим. Болага касаллиги вақтида парвариш қилиш кўп жиҳатдан унинг натижасини белгилайди. Парвариш қилиш кўлами беморнинг ёши ва ҳолатига, касаллик характерига, унга тайинланган режимга боғлиқ. Парвариш бўйича ҳамма вазифалар палата тиббий ҳамширалари зиммасига юкланади. Улар шу ишларни бажаришга масъулиятли ҳисобланадилар. Тиббий ҳамширалардан ташқари, парвариш ишига қисман касал болаларнинг оналари (одатда кукрак ёшидаги болалар ва оғир ётган болаларнинг оналари), шунингдек тиббиёт олий билимгоҳларининг қуйи курсларида уқийдиган талабалар жалб этилади.

Хирургик касалликлари бўлган болаларни парваришлашда уларни операциядан олдин тайёрлаш, операция қилиш ва операциядан кейин боқиш муҳим аҳамиятга эга. Хирургик бўлимга тушадиган беморларнинг кўпчилиги операция қилинади. Операциядан олдинги давр улар касалхонага тушган вақтдан бошланади, бу давр ичида ҳамма нарса операция хавфини камайтириш, асоратларнинг олдини олишга қаратилади. Сирасини айтганда операциядан олдинги давр операциядан олдинги тайёргарлик деган гапдир. Бу вақт ичида турли орган ва системаларнинг функционал ҳолати ўрганилади (бемор комплекс текширилади) ва операцияга тайёргарлик курилади. Бу даврдаги тадбирларни ҳар қандай операциядан олдин албатта ўтказиладиган умумий ва айрим операцияларнинг ўзида ўтказиладиган махсус турларга бўлиш мумкин. Болаларни планли операцияларга умумий тайёрлаш.

Чов ва киндик чурраси, мойк пардалари истискоси, крипторхизм, улчами кичикрок хавфсиз ўсмалар каби хирургик касалликлари бўлган беморларни касалхонага келган кунининг эртасига операция қилинади. Бундай ҳолларда болада операциядан олдинги зарур лаборатория текширувлари поликлиникада госпитализациядан олдин утказилади. Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органларидаги, буйрак ва синдик чиқарув йўлларидаги катта операциялар, шунингдек айрим ортопедик операциялардан олдин, махсус диагностик текширувлардан ташқари, бола организмнинг асосий, ҳаётий муҳим функциялари ҳолати аниқланади ;

Буйрак, жигар функцияси, айланиб юрган қон ва унинг таркибий қисмлари ҳажми, плазма ва эритроцитлардаги асосий электролитлар даражаси, азот баланси, гормонал

ахволни аниқлашнинг аҳамияти катта, шунингдек қон ивиш ва ивишга қарши системаларининг ҳолатини билиш муҳим. Шунга мувофиқ ҳолда беморларни операциядан олдин тайёрлаш болалар хирургик бўлимларининг ихтисослигига кўра ўз хусусиятларига эга. Операциядан олдинги асосий текширувларга: боланинг бўйи ва гавда оғирлигини ўлчаш, артериал босимни аниқлаш, қон ва сийдикнинг клиник анализи, қон группалари ва резус-омилни аниқлаш, кукрак қафаси органлари рентгенографияси киради.

Қон биохимиявий кўрсаткичларини назорат қилган ҳолда қуйидаги даволаш тадбирлари тайинланади: мақсадга мувофиқ ва кучли овқатлар, қон ва бошқа суюқликлар ва озикли аралашмалар қуйиш, витаминлар, аминокислоталар, даволаш физкультураси тайинлаш ва б. Тайёргарлик баъзан бир неча ҳафтага чўзилади.

Унинг таъсирчанлиги тўғрисида умумий ахволнинг яхшиланиши, қон кўрсаткичлари, гавда оғирлигининг ошиб бориши бўйича хулоса чиқарилади. Шунинг учун ҳам кўрсатмаларнинг мунтазам бажарилиши устидан кузатиб бориш, бола оғирлигини вақти-вақтида ўлчаб туриш керак. Болани операцияга психологик тайёрлашнинг ҳам аҳамияти катта. Болалар операциядан хавотирланадилар ва кўркадилар ва кўпинча: «Мени операция қилишларини истамайман» ёки «Мени қачон операция қилишмоқчи?»,— деган саволларни берадилар. Бундай болалар оғрик сезгиларини ёмон кўтарадилар.

Шунинг учун уларни операцияга қунт билан тайёрлаш, ҳатто дори-дармонлардан дам фойдаланиш, ота-онасини чақиртириш лозим. Тиббий ҳамшира боланинг ёмон кайфияти тўғрисида врачга ўз вақтида хабар бериши ва беморга операциянинг муҳимлиги ва зарурлигини мулоҳимлик билан тушунтирмоғи керак.

Ўта сезувчан, аллергия ва астма хуружларига мойиллиги бўлган болаларга қўшимча равишда тинчлантирадиган (триоксазин, седуксен), антигистамин (дипразин, димедрол) препаратлар тайинланади. Операциядан олдин кўрқув босадиган катта ёшдаги болаларга врач ухлатадиган препаратлар (фенобарбитал, люминал, барбамил ва б.) тайинлайди. Операциядан олдин инфекция хавфини камайтирадиган тадбирлар кўрилади: гигиеник ваннага тушиш, ич кийим ва ўринбош окликларини алиштириш, катта ёшдаги болаларда эса қилинажак операция майдонидаги сочларни қириш шулар жумласига киради. Операция куни кечқурун ва эрталаб тозалаш клизмаси қилинади.

Эрталаб болага овқат ва ичимлик берилмайди, чунки болаларда деярли ҳамма операциялар умумий оғриқсизлантириш (наркоз) остида ўтади ва бир неча қултум сув қусишга сабаб бўлиши мумкин, бу эса бемор ҳаёти учун хатарлидир. Операциядан 30—40 минут олдин ҳамма ҳолларда дори-дармонлар берилади — премедикация қилинади, бу нерв системаси фаоллигини, наркотик уйқу учун керак модда алмашинувини пасайтиради. Одатда тери остига промедол, атропин ва димедролнинг ёшга яраша бир марталик дозаси юборилади. Болаларни планли операцияларга тайёрлаш кўп жиҳатдан хирургик касаллик характери ва боланинг ёшига боғлиқ; Болаларни торакал бўлимда операция қилишга тайёрлаш. Торакал хирургия бўлимига кукрак бўшлиғида жойлашган органларнинг турли-туман касалликлари бўлган болаларни жойлаштирилади. Уларга ўпка ва плевра касалликлари, юрак ва йирик томирларнинг туғма ва орттирилган ривожланиш нуқсонлари, кўкс оралиғининг хавфсиз ва хавфли ўсмалари, қизилунгачнинг ривожланиш нуқсонлари ва касалликлари киради. Ҳозирги вақтда торакал хирургия болалар бўлимининг амалда иккита кўриниши бор. Битта бўлимда ўпка, плевра, кўкс оралиғининг турли патологияси бўлган болалар ётадиган бўлим ва юрак-томирлар системасининг ривожланиш нуқсонлари ва касалликлари бўлган болалар ётадиган бўлим бўлади. Клиник текшириш методлари билан бир қаторда торакал хирургия бўлимида диагностиканинг турли-туман инструментал методлари кенг тарқалган. Улар орасида энг муҳимлари: бронхография, бронхоскопия, радионуклид диагностика, ангиокардиопульмонография ва ташқи нафас ва газ алмашинуви функциясини текшириш ҳисобланади. Тиббий ҳамшира бу текшириш методлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши керак, чунки у болани бевосита

текширишга тайёрлайди, уни ўтказишда қатнашади ва муолажадан кейин беморнинг аҳволи устидан кузатиб боради.

## БОЛАНИ ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИН ПАРВАРИШ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Операциядан кейинги беморларни, айниқса болаларни парвариш қилишда икир-чикирларнинг узи йуқ. Бунда ҳамма нарса врач кўрсатмаларини пухта бажариш, тана ҳарорати, артериал босим, пульс тезлиги, нафас олишни мунтазам ўлчаб-ҳисоблаб бориш; ичилган ва ажратилган суюқлик миқдорини, неча марта ич келиши ва ахлат характерный қайд қилиш муҳим. Операциядан кейинги жароҳат ҳолати устидан синчиклаб кузатиш, боғлам ёки пластирни текшириб кўриш, бемор аҳволидаги ҳар қандай ўзгаришларни ёзиб бориш, оғир бемор учун махсус карта тўлдириш ва врачга мунтазам ахборот бериб туриш лозим. Қон кетиши, юрак, нафас тухташи каби асоратлар пайдо бўлганда врач келгунча зарур ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Айниқса кичик ёшдаги болалар ўринда мажбурий вазиятда сабр-тоқат қилиб ётиш зарурлигини англаб етмайдилар. Шунинг учун бола операциядан кейин ўз саломатлигига путур етказмаслиги учун махсус чоралар кўришга тўғри келадн. Шундай чоралардан бири беморни операциядан кейин ўринда қимирламайдиган қилиб ётқизишдир. Бунинг учун боланинг оёқ-қўлларини каравотга бинт ва пахтадан тайёрланган юмшок; манжеткалар ёрдамида боғлаб қўйилади. Зарурат бўлганда болани танасидан энлик юмшок; белбоғ билан боғлаб қўйилади. Бунда қаттиқ боғлаш сира мумкин эмас, чунки бу оғриқ кучайишига сабаб бўлади, веноз қон димланиб қолади. Тери билан манжетка орасидан бармоқ бемалол ўта оладиган бўлиши керак.

Маҳкамлаб қўйиш давомлилиги боланинг ёшига ва операциядан кейинги аҳволига боғлиқ. Операциядан дастлабки соатларда беморларда наркозга жавоб реакцияси натижасида қусиш рўй беради. Шунга кўра операциядан кейинги беморларни шиоятда кунт билан кузатиб бориш лозим. Болада қусиш аломатлари пайдо бўлиши билан боланинг бошини ён томонга буриш, идиш тутиш, қусуқ массалари тушгандан сўнг оғиз бўшлиғини олдиндан тайёрлаб қўйилган стерил дока боғлам билан артиш керак. Қусиш такрорланиб туриши мумкинлигини ҳисобга олиб беморларни наркоздан бутунлай уйғонгунча ва қусиш тухтагунча кузатиб бориш зарур.

Операциядан кейин қаттиқ ташна бўладилар. Бола фақат врач рухсати билан у белгилаган миқдорда суюқлик ичиши мумкин. Болаларда операциядан кейинги яқин ўтган даврда оғриқ қолдиришга ҳаракат қилишнинг аҳамияти катта. Агар бола операцион жароҳат ёки бошқа жойдаги оғриқдан шикоят қилса, бу ҳақда зудлик билан врачга мурожаат қилиш керак.

Операциядан кейинги даврда касал боланинг умумий гигиеник парваришларнинг аҳамияти катта. Беморга операцион жароҳат соҳасини кир қилмай ёки ҳўл қилмай қўл ювиш, ювиниш, овқат ейишни ўргатиш лозим. Ўринда ётиб қолган катта ёшдаги беморларни ва илк гўдак ёшидаги болаларни тиббий ҳамшира кичик тиббий ходим билан бирга гигиеник жиҳатдан ювиб-тарайди.

Мунтазам равишда бемор танасини ҳўл сочиқ билан артиб ишқалаш, остини ювиш, курак ёшидаги болаларнинг йўрғагини янгилаш керак. Бу тадбирлар терида бичилиш ва ётоқ яраларнинг олдини олади. Оғир ётган беморлар ич кийимини тез-тез — ҳар куни ва шарт-шароитларга кўра (қусиш, ахлат, сийдик тегиши ва б.) кунига бир неча марта алиштирилади. Оғир ётган беморнинг чойшабини алиштириш ходимлардан муайян малака талаб қилади. Агар катта ёшдаги болага ёнбошига ўгирилишга рухсат этилган бўлса, аввал бошини оҳиста кўтариш ва боши тагидан ёстикни олиб қўйиши, сўнгра ёнбошга юзи билан каравот четига ўгирилишга кўмаклашиш керак. Ўринбошнинг бўш қолган ярмига кир чойшабни гардишсимон юмалатиб йирилади. Бўш долган жойига ярмигача гардишсимон кўринишдаги чойшабни қўйиш лозим.

Сўнгра беморга чалқанча ётиш ва иккинчи ёнбошга бурилишга ёрдам берилади, шундан кейин бемор юз томони билан каравотнинг қарама-қарши четида тоза чойшабда ётади. Шундан сўнг кир чойшабни йиғиштириб тозасини текис қилиб ёзилади. ёш болаларнинг урнини солишда ётган ҳолатида қўлда кўтариб турилади. Агар беморга актив ҳаракатлар қилишга рухсат этилмаган бўлса, чойшабни бошқа усулда алиштирилади. Кир чойшабни каравотнинг бош томонидан бошлаб беморнинг бошини ва гавдасининг юқори қисмини санитарка билан биргаликда кўтарган ҳолда йиғилади. Кир чойшаб ўрнига кундаланг қилиб ўралган тоза чойшабни қўйилади ва уни бўш қолган жойда ёзилади. Сўнгра тоза чойшабга ёстиқ қўйилиб унга беморнинг боши қўйилади. Иккита одам бемор чаноғини кўтаради, кир чойшабни каравотнинг оёқ томониغا суриб унинг ўрнига тозасини ёзишда давом этилади. Шундан сўнг кир чойшаб олиб ташланади. Чойшаб алиштиришнинг ҳар иккала усули ҳам ходимларнинг чакқон даракат қилишларига қарамай, беморни кўп безовта қилади ва шунинг учун баъзан уни каталкага олиб ётқизиш ва ўринбошини қайтадан ёзиш мақсадга мувофиқ, чунки бу иш билан икки кишининг шуғулланишига тўғри келади. Операциядан кейин болани парвариш қилишга қўйиладиган умумий талаблардан ташқари операциянинг қар хил турларига хос хусусиятлар дам мавжуд.

Торакал бўлимда беморларни парвариш қилиш. Операциядан кейинги даврда операциядан кейин эҳтимол тутилган асоратлар профилактикасига катта аҳамият берилади. Операциядан кейинги даврнинг энг хатарли асоратларидан бири ўпка ателектази, ўпка коллапси ва ўткир пневмония дисобланади. Операциядан кейинги даврнинг дастлабки кунларида операцион жароҳат соҳасидаги оғриқни қолдиришнинг аҳамияти катта. Оғриқ; ҳаракатларни чеклаб қўяди, нафас амплитудасини камайтиради, йўталишга имкон бермайди, бу операция қилинган ўпка бронхларида балғам йиғилишига олиб келади. Тиббий ҳамшира оғриқ синдроми устидан доимо кузатиб бориши ва оғриқ қолдирадиган воситалар таъсири тугаши билан врачга хабар қилиши лозим. Асоратларни профилактика қилиш мақсадида беморни каравотда ҳаракатлар қилишга, балғам туфлаб туришга ундашга тўғри келади, у билан даволаш физкультураси машғулоти олиб борилади.

Ўпка қисман резекция қилингандан кейин плевра бўшлиғи дренаж ва актив аспирация қилинади. Системада доимий манфий босим вужудга келтирилиб, уни манометр билан назорат қилинади. Боланинг ёшига кўра сув устуниси ҳисобида 5—10 дан 40 см гача босимни қувватлаб турилади. Дренаж системанинг ишлаши-ни кунт билан кузатиш, ажралиб чиққан суюқлик миқдори ва характерини қайд қилиш, плевра бўшлиғидан ҳаво чиқишини назорат қилиб бориш зарур. Дренаж системада носозлик ёки бемор аҳволида ўзгаришлар сезилганда бу ҳақда зудлик билан врачга хабар бериш керак. Операциядан 2—3 кун ўтгач, ҳаво ва суюқлик йиғилиши тухтагандан сўнг дренаж система олиб қўйилади.

Хиқилдоғида кескин шиш, нафас етишмовчилиги ривожланаётган торакал беморларда шошилиш трахеостомия қилинади. Бундай беморларни айниқса катта эътибор билан асептикага риоя қилиб парвариш талаб этилади. Трахеостома атрофидаги терига кунига 2 марта йод настойкаси ёки дезинфекция қиладиган бошқа эритма суртилади, шундан сўнг устига стерил боғлам ёпиб қўйилади. Трехеостомик найчани ҳар куни алиштириб турилади. Трахеостомали беморнинг йўталиб балғам ажратиши, шунга кўра йиринг, шилимшиқ, балғам тўпланишининг олдини олиш мақсадида трехеобронхиал шох ҳар куни тозалаш турилади. Бунда шилимшиқ электр сўргичга уланган стерил катетер билан тортилади. Трахеяни яхшироқ тозалаш учун бевосита тортиш олдидан трахеостома орқали ичимлик сода эритмаси (5—20 мл) қўйилади.

Торакал бўлимда қизилунгачи кимёвий моддалардан куйган болалар беморларнинг оғир гуруҳини ташкил қиладн. Бу шикоят натижасида қизилўнгач чандиқли торайиб, ҳатто батамом тутилиб қолади. Бундай бемор овқат ея олмагани сабабли унда гастростомия операцияси қилинади (қориннинг олдинги деворида ва меъда деворида тешик очиб

меъда сунъий йўли очилади). Болани гастростома орқали овқатлантирилади, бунда унга осон хазм бўладиган юқори калорияли суюқ овқат тайинланади. Тиббий ҳамшира беморни овқатлантиради ва гастростомага қараб туради. Парваришнинг қийинлиги шундаки, гастростома атрофидаги тери тезда мацерацияга учрайди (бичилади). Ҳар гал овқатлантиришдан сўнг гастростома соҳасини озода қилиш зарур. Терини калий перманганат эритмасига (0,1%) намланган пахта ёки дока тампон билан артилади ва дока салфетка билан қуритилади. Сўнгра унга Лассар пастаси суртилади ва тоза боғлам қўйилади. Қизилунгач қисман торайганда гастростома орқали бужланади.

Абдоминал хирургия бўлимида беморларни парвариш қилиш.

Қорин бўшлиғи органларидаги операциядан кейин парваришlash операциянинг оғир-енгиллигига вақҳажмига боғлиқ. Чов чурраси, крипторхизм кабилардан операция қилинган беморлар одатда эртаси куниёқ ўрнидан туриши, хожатга бориши, операциядан олдин қандай овқатлар тамадди қилган бўлса, яна ўшаларни еявериши мумкин. Ичакка тааллуқли аппендэктомия ва бошқа операциялардан кейин ўринда ётиш режими бирмунча қаттиқ бўлади ва 3—4 кунгача беморга юмшоқ, махсус парҳез овқатлар бериб турилади. Пилоростеноз туфайли операция қилинган чақалоқ болаларга операцион аралашувидан 6 соат ўтгач соғиб олинган кўкрак сути аввалига ҳар 2 соатда берилиб, тунда танаффус қилинади, иккинчи суткадан порцияни аста-секин кўпайтириб борилади, тўртинчи суткадан эса одатдаги эмизиш режимига ўтилади.

Қорин бўшлиғида ўтказиладиган оғир операциялардан кейинги беморлар (ичак тутилиб қолишида ичакни қисман резекция қилиш, Гиршпрунг касаллиги ва б.) алоҳида диққат-эътибор ва парваришни талаб этади. Бундай ҳолларда беморнинг қаддини баланд қилиб ўтказиб қўйилади. Дастлабки 2—3 сутка ичида овқат ва суюқлик берилмай, парентерал овқатланиш тайинланади. Бурун орқали киритилган меъда зондини қолдирилади, унинг ўтказувчанлигини сақлаб қолиш учун уни ҳар 2 соатда физиологик эритма билан ювиб турилади. Агар зонд орқали шилимшиқ ёки суюқлик ажралса, унинг ажралган вақти, миқдори, характери ёзиб қўйилади ва бу ҳақда врачга хабар берилади.

Аксарият қорин бўшлиғи органларидаги операциялардан кейин газ хосил бўлиши ва ичакнинг газлардан шишиб чиқиши (метеоризм) орта боради. Метеоризмга қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида кислородни нафасга олиш (оксигенотерапия) тайинланади, газ ҳайдовчи найча ҳўлланилади ёки гипертоник клизма қилинади. Чови операция қилинган болалар алоҳида парваришга муҳтож бўладилар. Одатда бундай беморнинг оёқларини ўринда кўтариб ва кериб қўйилади, бунинг учун махсус гипс шинадан фойдаланилади. Бола бундай вазиятда чоклари олингунча ўрта ҳисобда 8—10 кун ётади, сўнгра уни одатдаги вазиятга ўтказилади. Жароҳатга, орқа чиқарув йўлига, сийдик чиқариш каналига қўйиладиган дренажларнинг (резина, дока тилиши, найчалар ва катетерлар) ҳолати ва тўғри ишлаши устидан доимий кузатув олиб бориш лозим. Тиббий ходим бола дренажни беҳосдан чиқариб юбормаслиги устидан кузатиб бориши, ажралиб чиқаётган суюқлик характери ва миқдорини қайд қилиши лозим. Дренажни врач иштирокисиз алмаштириш ёки олиб ташлаш мумкин эмас. Човни ҳар куни кунт билан покиза қилиб туриш керак. Бола сийганидан ёки ичи келганидан кейин остини кучсиз калий перманганат эритмаси билан ювиш, терисини дока салфетка билан қуритиш лозим.

Агар жароҳат атрофида яллиғланиш белгилари — тери қизариши, шиш пайдо бўлса, тезлик билан врачга хабар берилади, врач эса яллиғланишга ҳарши даво тайинлайди. Бу қодаларга амал қилинмаса, чоклар ситилиб чиқиши, йирингли жараёнлар сингари оғир асоратлар вужудга келади.

Ахлати ва сийдигини тутолмайдиган беморларга ёши ва патологик ўзгаришларнинг турига кўра индивидуал парвариш қилиш лозим. Ахлатини тутолмайдиган беморларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1) орқа чиқарув йўли тешиги табиий, ичи келадиган, бироқ вақти-вақтида булғаниб қоладиган беморлар;



2) орқа чиқарув йўли тешиги табиий, ичи ўзича келмайдиган, ахлат оз-оздан чиқиб турадиган беморлар;

3) ташқи чиқарув йўли тешиги ғайритабиий бўлган беморлар.

Биринчи гуруҳга одатда ректовестибуляр ёки ректовагинал оқмалари бўлган қиз болалар киради. Одатда улар тувакка ўтириш истагини билдирадilar. Бироқ уларда оралиқ ва жинсий ёриқ доимо ахлат билан ифлосланган бўлади. Уларда сийдик чиқарув йўлларининг юқорига кўтариладиган инфекцияси ривожланиш хавфи вужудга келади, шунга кўра оралиқ ва жинсий органларини кунт билан тоза тутишга ҳаракат қилинади. Қиз болани ичи келгандан кейингина эмас, балки кунига бир неча марта кучсиз калий перманганат эритмаси билан остини ювилади. Яхши парвариш қилинмаганда оралиқ териси бичилади, бадбўй хид чиқади. Болани қаттиқ қичишиш безовта қилади.

Иккинчи гуруҳдаги беморларда ич келиш истаги пайдо бўлмайди, ахлат орқа чиқарув йўли орқали доимо ажралиб туради. Бундай беморларга врач кўрсатмасига кўра кунига 2—3 марта тозалаш клизмаси қилинади. Клизмани эрталаб, нонуштадан кейин ва ухлашдан олдин қилган яхши. Бола кундузи човига боғлаб қўйилган йўргакларда бўлади, ажралиб чиқаётган ахлат ана шу йўргакларга йиғилади. Йўргак вақти-вақтида алиштирилиб, болани остини ювиб турилади. Каттароқ ёшдаги болалар буни ўзлари ўрганиб оладилар ва бошқалар ёрдамига муҳтож бўлмайдилар. Орқа чиқарув йўли тешиги ғайритабиий бўлган беморларни парвариш қилишда айрим қийинчиликларга дуч келинади. Уни қориннинг ўнг ёки чап ярмида ҳосил қилинади. Ичакни қорин девори тешигига тикиб қўйилади, ахлат массаси шу тариқа ҳосил қилинган «орқа чиқарув йўли» дан ажралиб чиқади. Ахлат оқмаси атрофидаги тери бичилиб кетмаслиги учун терини тўғри парвариш қилиш керак. Қорин терисини калий перманганат эритмаси билан ювиб ва пахта тампон билан қуритилгандан кейин унга Лассар пастаси ёки рух малҳамини мўл қилиб суртиш лозим. Ичакдан чиқаётган ахлат массасини махсус тувакка ёки қорин олдинги деворига боғлаб қўйиладиган пластик халтачаларга йиғиш қулайдир. Идиш кунига бир неча марта тозаланади, ювилади ва жойига ўрнатиб қўйилади. Сийдик тутолмаслик кўпинча ахлат тутолмаслик билан бирга учрайди, бироқ алоҳида кузатилиши ҳам мумкин. Сийдик терини баттар таъсирлантиради, ёқимсиз хид пайдо қилишдан ташқари, яхлит эрозиялар пайдо бўлишига олиб келади. Сийдик тутолмасликда уни сийдик чиқарув каналининг ташқи тешигига боғлаб қўйилган дока салфеткаларга йиғилади. Бундан ташқари, қиз ва уғил болалар учун махсус сийдикдонлар бўлади. Сийдикдон кунига 4—5 марта бўшатилади, бадбўй хидли қаттиқ чўкмани эритиш учун калий перманганат эритмаси билан ювилади. Ахлати ёки сийдигини тутолмайдиган беморларни парвариш қиладиган тиббий ҳамшира, касб-кор кўникмаларидан ташқари, андишали ва одобли, болага меҳрибон бўлиши керак. Айниқса катта ёшдаги болалар ўз дардларидан қаттиқ изтироб чекадилар ва ҳар қандай танбехдан хафа бўладилар. Тиббий ходимнинг бурчи бундай беморларнинг кўнглини кўтариш, уларда соғайиб кетишга ишонч ҳосил қилиш ҳисобланади.

## БЕМОРНИНГ ШАХСИЙ ГИГИЕНАСИ ТУҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ ДАВОЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Шахсий гигиена — одам баданини (териси, сочи, оғиз бўшлиғи, тишларини), ич кийим ва ўрин-кўрпа анжомлари, кийимбоши, турар жойини озода сақлашни кўзда тутати. Шахсий гигиенага риоя қилиш соғайишга, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашга имкон беради.

**Беморнинг шахсий буюмлари гигиенаси.** Умуман олганда, беморнинг шахсий буюмлари тўплами ўртача миқдорда камайтирилиши керак. Шундай қилиб, иложи бўлса, янги фойдаланиладиган элементлардан ва янги ишлатиладиган нарсалар: эски китоблар ўрнига

янги газета ва журналлар, қоғоз салфеткалари мато толаларининг ўрнига. Беморнинг шахсий буюмлари ёпиқ эшикли тумбаларда сақланади.

Беморнинг доимо ишлатиладиган шахсий буюмлари (кўзойнак, чандиқлар, сочлар, тиш чўткаси, тиш пастаси, совун идишида совун, карларга эшитиладиган эшитиш мосламаси, кайчи ва бошқа ) дезинфекцияга килинади. Зарурат туғилганда, беморга шахсий тиббий буюмлар берилади: чиқиндилар учун идиш, тупуриш учун идиш ва ҳоказо. Бу идишлар ишлатилганидан кейин дарҳол хонадан олиб ташланади ва яхшилаб ювилади. Бемор муолажаси тугатилгандан сўнг, индивидуал парваришlash воситалари қабул қилинган усуллардан бирига кўра дезинфекцияланади.

Хирургия бўлимида беморлар жундан тайёрланган кийим-кечак ва оёқ-кийим кийиши мутлақо мумкин эмас, чунки бундай кийимларни дезинфекция қилиш ва уларни ювиб олиш кийин. Беморнинг шахсий нарсаларини кундалик кузатуви палата ҳамширалари ва катта ҳамшираси томонидан назоратда бўлади.

#### **Бемор ўрнини тайёрлаш қоидалари.**

Бемор ўрнини тайёрлаш учун оклик ва ўринбош анжомларининг комплекти бўлиши зарур, унга тўшак, жилдлари бўлган иккита пат ёки пар ёстик, чойшаб, кўрпа билан кўрпа жилди ва сочиқ киради. Каравотга юзаси силлиқ ва қаттиқ жун ёки пахта тушак қўйилади. Ёстикларга тоза ва дазмолланган жилдлар кийдирилади. Чойшаб ва жилдларни бурма ҳосил қилмайдиган қилиб ёзиш керак.

#### **Ўринбош ва ич кийимларни алиштириш қоидалари.**

Окликларни навбатдаги санитария ювиб-тарашидан кейин одатда 7—10 кунда бир марта алиштирилади. Оғир беморларда буни катта эҳтиёткорлик билан бажарилади. Беморни аста-секин каравот четига суриб қўйилади. Агар аҳволи имкон берса, ёнбоши билан ётқизилади, кир чойшабнинг бўш турган ярмини эни бўйлаб орқага томон ўралади, бўшаб қолган жойга эса ярми ўралган тоза чойшаб ёзилади (1-расм, а, б, в). Тоза ва кир чойшаб ўрамлари ёнма-ён ётади.

Сўнгра беморни чойшабнинг тоза ярмига ётқизилади, кирини йиғиштирилади, тозасини ёзилади ва шу билан чойшаб солиш тугалланади. Агар беморга ўринда ҳаракатлар қилишга рухсат берилмаган бўлса, чойшабни бошқа усул билан алиштирилади. Аввалига беморнинг бошини бир оз кўтарилади, чойшабнинг бош томонини белга бурма ҳолида йиғилади, сўнгра оёларини кўтарилади ва шу тариқа белга чойшабнинг иккинчи учини йиғилади, шундан сўнг уни бемор тагидан эҳтиётлик билан чиқарилади. Айни пайтида иккинчи томондан узунасига иккита ўрам қилиб ўралган тоза чойшабни бел остига киритилади, сўнгра уни иккала томондан — бош ва оёқлар тагига ёзилади. Ич кийимларни алиштиришда муайян кетма-кетликка риоя қилиш керак қўйлакни елкадан юқорига кўтарилади, аввал бошдан, сўнгра қўллардан чиқарилади, уни тескари тартибда кийинтирилади — қўлакнинг олдин ени, сўнгра бош томони кийилади (2-расм, а, б).

Оёқ-қўл касалликларида ёки шикастларида ич кийимни аввал соғлом оёқ-қўлдан, кейин касал оёқ-қўлдан ечилади. Кийимни тескари тартибда, яъни аввал шикастланган оёқ-қўлга кийилади. Бемор бадан терисини парваришlash қоидалари. Беморга қарашда бадан терисининг озода бўлишини таъминлаш муҳим. Агар беморнинг аҳволи қониқарли бўлса, у душ ёки гигиеник ваннага, кўксининг юқори қисмидан ташқари, бутун гавдаси билан тушади. Ётиб қолган беморларга маҳаллий ванна тайинланади, холос.

Масалан, бемор қўл ёки оёқларини сувга солади. Сув ҳарорати + 37 — 38° С бўлади, муолажа давомлиги кўпи билан 15 минут. Оғир ётган беморларнинг юзини илиқ сувга хўлланган пахта билан артилади (сув ҳарорати + 36 — 37°С). Баданни кир совунли илиқ сувга хўлланган булутча ёки сочиқ билан қисм-бақисм: бўйин, кўкрак, қўллар, қорин, сон, оёқларни навбат билан, муайян кетма-кетликда қизаргунча ишқаб артилади. Ўриндан турмай ётадиган режимдаги беморларга эрталабки ювиниш учун тўшаги олдида илиқ сув ва тоғорача тугилади. Улар талабалар ёрдамида аввал қўлини, сўнгра юзи, буйни ва қулоқларини, қўлтиқ соҳасини, чов бурмаларини, сут безлари остидаги

бурмаларни, айникса кўп терлайдиган ва семиз беморларда цунт билан ювадилар, акс холда тери бурмаларида бичилишлар ҳосил булади.

Жинсий органлар ва орца чиқарув йули соҳаси айниқса хунт билан парваришлашни талаб этади. Юрадиган беморлар шу мақсадда сув оцими вертикал бўлган махсус унитазлардан фойдаланишади ёки бошқа усулда остини ювадилар, ётган беморларнинг остини эса суткасига камида 1 марта ювилади. Бунда бемор чаноги тагига клеёнка ёзилади. Тагга қуйиладиган судно тутилади ва тиззаларни букиб, оёқларни бир оз кериш таклиф қилинади. Оралиққа қўйгичдан илиқ сув ёки кучсиз калий перманганат эритмаси йўналтирилади. Сўнгра корнцанг билан қисиб олинган стерил пахта илиқ сув билан жинсий органлардан орқа чиқарув йўлига томон бир неча ҳаракатлар қилинади (4-расм). Бошқа пахта пиликчаси билан оралиқни қуритилади. Етиб қолган беморларда ётоқ яралар пайдо бўлиши уларни яхши парвариш қилмаслик оқибатидир.

Ётоқ яра— юза ёки чуқур яра бўлиб, қон айланишипинг бузилиши ва туқималарнинг жонсизланиши натижасида ҳосил бўлади. Уларнинг пайдо бўлишига нотекис, ноқулай солинган, камдан-кам йиғиб қайта ёзиладиган, бурмалари ва овқат ушоқлари бўлган ўринбош сабаб бўлади, қўйлак ва чойшаблардаги ямоқлар, оғир ахволдаги беморларда бадан терисининг нажас ва сийдик билан тез-тез ифлосланиб туриши сабабли бичилиши шундай яралар пайдо бўлишига олиб келади. Ётоқ яралар аксарият думғаза, кураклар, дум суяги, оёқ панжаси, энса, қуймич дўмбоқлари сингари суяк думбоқлари бўлган ва юмшоқ туқималар ўринбошда босиладиган соҳаларда вжудга келади. ётоқ яралар пайдо бўлиш жиҳатидан хавфли соҳалар камфара спирти, одеколон ёки 25% ли нашатир спирти билан ҳўланган стерил дока салфетка билан суткасига камида 1 марта ишқаб артилади, енгил массаж қилинади.

Монелик қиладиган доллар бўлмаса, беморнинг уриндаги вазиятини вацци-вацци билан узгартириб турилади. Энг кўп босиладиган жойлар тагига мато ўралган резина чамбар қўйилади. Терининг қизарган соҳаларига (ётоқ яра ҳосил бўлишининг даракчилари) 5—10% ли калий перманганат эритмаси ёки 1% ли бриллиант яшилининг спиртдаги эритмасини суткасига 1—2 марта суртилади. Бунда ҳосил бўладиган зич қатлам некрозланган участкаларни инфекция тушишдан ва намланишдан ҳимоя қилади. Врач кўрсатмаси билан Вишневский малҳами суртилган боғлам қўйилади, у битиш жараёнларини тезлаштиради. Беморнинг соч тирноқларини парвариш қилиш. Бошни 7—10 кунда илиқ сув билан совунлаб ювилади, сўнгра сочлари қуруқ қилиб артилади ва таралади (5-расм).

Сочни металлдан ясалган тароқлар билан тарамаслик керак, чунки улар бош терисини таъсирлантиради. Узун сочларни қисм ва қисм таралади. Тароқларни ҳаминша тоза тутиш натрий гидрокарбонатнинг иссиқ 2 % ли эритмасида ювиш ва вақти-вақтида этил спирти, сирка билан артиб туриш керак. Қўл ва оёқлардаги тирноқлар мунтазам олдириб (қиркиб) турилади.

#### БЕМОР ОҒИЗ БЎШЛИҒИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ.

Оғиз шиллиқ пардасида ва тишларда ҳосил бўладиган қараш, шунингдек овқат қолдиқлари тиш чўткаси ёки стерил дока салфетка билан кечқурун ва эрталаб механик тозалаб турилади. Тиш чўткасини тиш оралиқларини овқат қолдиқларидан ва тишларнинг ўзини қарашдан тозалаш учун тишлар уқи бўйлаб юқори жағда — юқоридан пастга ва пастки жағда — пастдан юқорига томон юргизилади. Сўнгра тиш чўткасини илиқ тоза сув билан совунлаб ювилади, совун суртиб, кейинги гал фойдаланишга қадар қолдирилади. Қаттиқ овқатни чайнашда оғиз бўшлиғининг ўз-ўзидан тозаланиши юз беради. Оғир ахволдаги беморларда бу жараён бузилади. Оғиз бўшлиғини парвариш қилиш тиш чўткасидан фойдаланишда шиллиқ парда шикастланишининг олдини олиш, уни ишқалаш, ювиш ёки чайишдан иборат.

Тишлар ва тил 2% ли натрий гидрокарбонат эритмаси, 3% ли водород пероксид эритмаси, кучсиз калий перманганат эритмаси, физиологик эритмага ҳўлланган дока ёки пахта пиликчали пинцет ёрдамида артилади. Ҳар бир тишни алохида-алохида, айникса

бўйин қисмини қунт билан артилади. Юқори жар тишларни артиш учун лунж шиллик пардасида орқа жағ тишлар сатҳида жойлашган цулоҳ олди безининг чиқарув йулига инфекция тушишининг олдини олиш учун лунжни шпатель билан обдан тортиб туриш лозим.

Оғир ахволдаги беморларда оғиз бўшлиғини ҳар гал овқатлангандан сўнг резина баллон ёрдамида ювилади. Бунинг учун оғизни артишда ишлатилган дори эритмаларидан фойдаланилади. Суюқликнинг нафас йўлларига тушиши учун беморни бошини бир оз энгаштириб ўтказилади. Бўйни ва кўксини клеёнка фартук билан бекитилади, иягига эса бўйраксимон тоғорачани тутиб турилади. Оғиз бурчагини шпатель билан тортиб турилади ва ўртача босимдаги суюқлик оқими билан аввал лаб бурмаларини, сўнгра эса оғиз бўшлиғининг ўзини ювилади қайд этади, яъни исми шарифини, оилавий ахволини, касбини, турар жойи ва иш жойини ёзиб қўяди.

Кейин бемор палатага жойлаштирилади, тиббий ҳамшира бемор тушганлиги туғрисида палата врачига, тунда навбатчилик қилаётган навбатчи врачга хабар беради.

Касаллик тарихи янги тушган касаллар папкасига солиб қўйилади. Кичик тиббий ҳамшира беморни унга ажратилган жойга жойлаштиради.

Беморнинг аксарият вақти тушакда ўтишини ҳисобга олиб уни қулай ва тоза тўшак билан таъминлаш керак. Темир каравот осон ювилади, уни дезинфекциялаш осон. Каравотни беморга ҳар томонлама яқинлашиш кераклигини ҳисобга олиб ва ёнидаги каравотдан камида 1,5 м масофада қўйиш керак. Каравотни у ёки бу томонга суриш учун у ғилдиракчали бўлиши керак. Беморга ҳар хил функционал ҳолатлар бериш учун функционал каравотлардан фойдаланилади. Каравот ёнида столча бўлиши шарт. Беморларнинг ўринбош анжомлари ва кийим-кечаклари ҳафтада бир марта, гигиеник ваннадан кейин алиштирилади. Айрим ҳолларда зарурат бўлганда, бир неча марта алиштирилади. Бўлимда оқликлар бир кеча-кундузга етарли даражада жамланган бўлиши керак.

Ўринбош анжомларини, айниқса оғи беморларга тиббий ҳамшира алиштиради. Ўринбошларни алиштиришнинг ҳар хил усуллари бор. Беморга юриш рухсат этилган бўлса, кичик тиббий ҳамшира ёрдамида унинг ўзи алиштириши мумкин. Тўшакда ётадиган беморларга уни алиштириш қийинроқ. Бунинг учун чойшабни бош томондан ўраб, юмалатиб оёқ томонидан олинади. Тоза чойшабни бинт каби икки томондан ўраб беморнинг думғазаси тагидан ўтказилади, кейин бош ва оёқ томонига қараб ёйилади. Ўринбош анжомларини икки киши алиштиради.

Беморнинг қўйлагини алиштириш учун белидан бошлаб қўйлак кўтарилиб турилади, бўйнига келтириб, қўллари баландга кўтарилади ва қўйлак эҳтиётлик билан бошидан чиқариб олинади. Кейин қўлларидан чиқарилади. Кийинтириш тескари тартибда амалга оширилади: олдин енглари кийгизилади, кейин бошидан ўтказилади ва бемор тагига ёйилади. Агар беморнинг қўли жароҳатланган бўлса, аввал беморнинг соғ қўлидан, кейин жароҳатланган қўлидан ечилади.

Оғир касалларда терини парвариш қилишга алоҳида аҳамият берилади. Ўзи юра оладиган беморлар ҳар куни эрталаб ювинадилар, тишларини тозалайдилар ва ҳафтада бир марта гигиеник ванна қабул қиладилар. Тўшакда ётган беморлар бадан терисини ҳар куни дезинфекцияловчи эритмалар билан артилади. Эритма бўлмаса, терини илик сувда ҳўлланган латта билан артиш мумкин.

Тиббий ҳамшира беморнинг бурун, қулоқлари ва кўзларини ҳам парваришлаб бориши керак. Бемор тумов бўлса унинг рўмолчасини тез-тез алиштириб туриш керак. Бурун қанотларига вазелин суртилади. Қулоқ бурмаларини, унинг орқасини илик сувда совунлаб ювилади ва қуруқ қилиб артилади. Кўзни ҳар куни юз юваётганда ювилади. Бунда борат кислотанинг эритмасидан фойдаланиш мумкин. Ҳамшира яна сочлар тозаллигини назорат қилиб бориши керак. Оғир касаллар бошини 7—8 кунда камида бир марта ювиш керак. Ҳамшира беморнинг чотини юва билиши керак. Ювишда калий перманганат ёки бошқа дезинфекцияловчи эритмалар ишлатилади. Бунинг учун

корнцанг ва пахта керак бўлади. Бемор тагига (тоғорача) судно қўйилади. Чап қўлга эритма тўлдирилган кўзачани, ўнг қўлга зарасизлантирилган пахта қистирилган қисқич (корнцанг) олиб жинсий органларни орқа чиқарув тешиги томон ювилади, кейин ихуруҳ пахта билан артилади.

Беморларни ваннада чўмилтириш учун уни бемор ўтиргунча сув билан тўлдириш керак. Сув ҳароратининг бир хил бўлиши учун уни аралаштириб турилади. Заифлашган беморлар учун ярим ванна тайёрланади, яъни бемор ўтирганда сув оёқларини ва қорнининг пастки қисмини кумиб туриши керак. Агар беморга ванна тақиб қолган бўлса, уни душга туширилади. Бунинг учун ваннага тахта қўйилиб бемор унга ўтказилади. Улар ваннадаги каби бош қисмидан бошлаб ювинтирилади. Ювиниб бўлгандан кейин беморларга кўйлак, лозим, пайпоқ, шиппак ва халат берилади. Холсизланган беморларни овқатлантириш учун аввал уларга қулай ҳолат яратиш керак. Беморларни ҳамшира овқатлантиради. Бундай беморларнинг бошини кўтариб турилиб қошиқча билан бўтқа ёки суюқ овқат берилади. Сув махсус идишларда ичирилади. Айрим ҳолларда беморларни бурундан меъдага ўтказилган резина найлар (зондлар) орқали овқатлантирилади. Парҳез билан даволашнинг аҳамияти катта. У биринчи навбатда бемор организмни химиявий ва механик жиҳатдан эҳтиётлашни кўзда тутиб, айрим органлар функциясини тиклаш ёки организм учун етишмайдиган озик маҳсулотларини бериш демакдир.

Асептика — операция ёки муолажа чоғида микробларнинг ярага тушишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси. Ярага тегадиган ҳар қандай нарса стерил бўлиши керак. ҳатто, бажариш жараёнида тери бутунлиги бузилмайдиган (меъда ширасини олиш, меъдани зонд билан ювиш, клизмалар ва к.) муолажалар зҳам асептик шароитларда бажарилиши керак.

Асептика шахсий гигиенага риоя қилишдан бошланади. Ишга келиб кийимларни алиштириш керак. Халат, қалпоқча ёки рўмолча ювилган, дазмолланган бўлиши, беморнинг кийимбошлари ва унинг тўшаги мунтазам равишда алиштириб турилиши керак. Жаррохлик бўлимида палата ва боғлаш хоналарини хўлланган латта билан тез-тез артиб, йиғиштириб туриш керак. Ходимларнинг йўлини парваришлаган алоҳида эътибор бериш керак. Ифлос ишларни қўлқопларда бажариш шарт. Сочни қалпоқча ёки рўмолча билан ёпиш керак.

Оғиз-бурунни бекитиб турадиган 4—5 қават донадан тикилган ниқоб тутиш, операция, боғлаш хонаси, муолажа хоналарида гапиришни, юришни чеклаш микробларнинг ажралиб чиқиши ва уларнинг ярага тушиш имкониятини кескин камайтиради. Вақт-вақти билан (ҳар 10—15 кунда) хаводан, ходимлар қўлидан, томоғидан экма олиш керак бўлади. Маълумки, хирургик профилдаги бўлимлардан: умумий хирургик, ЛОР, урологик, травматологик, онкологик, офтальмологик ва бошқалар, қабулхона бўлими, операция хоналари ва анестезиология, реанимация бўлимлари билан бир бинода жойлашиши лозим, чунки улар бир-бири билан узвий равишда боғлиқдир. Ҳозирги вақтда палата бўлимларининг 44 дан ортик турлари мавжуддир.

Чет мамлакатларда, айниқса кейинги йилларда Англия, Франция ва АҚШ да айлана шаклидаги бўлимлар кўплаб қурилмоқда. Айлана шаклдаги бўлимларнинг афзаллиги уқиш жойларининг қисқариши ҳисобига ходимларнинг беморлар билан мулоқот даврини узайтиришдир. Яна шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, айлана шаклдаги қурилган бинода туғри бурчак шаклидаги бино бўлимига нисбатан бир-бирига ўтишда кам вақт сарфланиш афзаллиги бор.

Мамлакатимизда шундай бинолардан бири онкологик марказдир. Бўлимлар одатда 60 ўринга мўлжалланган бўлади. Айрим ҳолларда 25—40 ўринли махсус жаррохлик бўлимлари очишга рухсат этилади. Замонавий палата бўлимлари ўтиб кетилмайдиган иккита секциядан иборат бўлиши керак ва улар зал, шлюз ёки коридор билан туташтирилган бўлади. Ҳар бир секцияда 30 тадан ўрин, бир ёшгача бўлган болалар учун эса 24 ўрин бўлиши керак. Палаталар бўлимида қуйидаги хоналар кўзда тутилади

навбатчи ҳамшира пости (4 м<sup>2</sup>), муолажалар хонаси (18 м<sup>2</sup>), 6 орлов хонаси (22 м<sup>2</sup>), ошхона (ўринлар сони ўринлар умумий сонининг 50—60 фоизини ташкил қилиши керак), оқликларни саралаш ва ишлатилган оқликларни, тозалаш воситаларини сақлаш хонаси (15 м<sup>2</sup>), ванна хонаси (12 м<sup>2</sup>), клизма хонаси (8 м<sup>2</sup>), хожатхона (эркаклар, аёллар ва ходимлар учун алоҳида). Бўлимда бўлим мудирининг хонаси (12 м<sup>2</sup>), ординаторлар хонаси (10 м<sup>2</sup>), катта ҳамшира хонаси (10 м<sup>2</sup>), лужалик ҳамшираси (сестра хозийка) хонаси (10 м<sup>2</sup>) ва к. бўлиши керак. Ҳар бир клиникада профессор, доцентлар учун иш кабинета ва 10—12 кишига мўлжалланган ўқув хоналари бўлиши керак. Палаталар эса беморларнинг даволаш муассасасида ётиб даволанадиган жойидир. Жаррохлик бўлимларининг палаталарида битта ўринга 7 м<sup>2</sup>, болалар бўлимида 6 м<sup>2</sup> тўғри келиши керак. Куйганлар учун бўлимда, битта ўринга 10 м<sup>2</sup> жой тўғри келиши керак. Аксарият палаталар 4 ўринга мулжалланган бўлиши керак ва шунингдек 2 та икки ўринли ва 2 та бир ўринли палаталар ҳам бўлиши керак. Палатада ўринларнинг оптимал сони 3 та гача бўлмоғи даркор. Бир ёшгача бўлган болаларни 2 ўринли палатага, бир ёшдан катта болаларни 4 дан кўп бўлмаган ўринли палаталарга жойлаштириш керак. Бир ёшгача бўлган болалар учун катта палаталарни алоҳида боксларга бўлиш керак. Ҳар бир боксда 1—2 тадан ўрин бўлиши керак. Чақалоқлар учун ажратилган боксларга қўйилган каравотлар 2 тадан ошмаслиги керак. Бир касалга мўлжалланган ва санитария тармоғига эга бўлган палата (ярим бокслар) дан изолятор сифатида фойдаланиш мумкин. Ташқаридан алоҳида кириладиган боксларгина тўлиқ изоляция қилинади. Болалар хирургияси бўлимларида эмизикли болалар учун, бир ёшдан олти ёшгача бўлган болалар учун вақатта ёшдаги болалар учун палаталар ажратилиши керак. Катта марказларда чала қурилган чақалоқлар учун ҳам палаталар ажратиш керак.

Болалар муассасаларида:

- а) касалхона ичи инфекцияси тарқалишининг олдини олиш учун камида 25 фоиз палаталар изоляцияланган, яъни ажратилган бўлиши керак.
- б) 15—20 минут давомида беморларни эвакуация қилиш, яъни бошқа жойга кўчириш имконияти (кўплаб лифтлар, кенг зинаполяр) яратилган бўлиши;
- в) машғулотлар ва ўйин учун махсус хоналар ажратилган бўлиши керак.
- г) 20 фоизга яқин оналар учун кўшимча ўринлар ажратилиши керак.

Ҳар бир палатанинг ички бўёғи, мебеллар ва ёритилиши беморлар кайфиятини кўтаришга ва даво самарасини оширишга хизмат қилиши керак. Ҳозирги даврда касалхоналарда оқ ранг билан биргаликда бошқа ранглارни қўллаш кенг тарқалмоқда. Палаталарда ювиниш жойи ва ойналар, умумий ва ҳар бир каравот учун алоҳида ёритиш, ҳамширани чақириш системаси ва радиони қулоққа тутиб эшитиш системаси кўзда тутилган бўлиши керак. Бир ёки икки ўринли палаталар кўшимча марказлаштирилган кислород бериш ва вакуум-системалар билан жиҳозланиши зарур. Металл каравотлар билан жиҳозланган палаталар диққатга сазовордир, бу эса венага дори қуйиш учун штативлар урнатиш ва скелетдан тортиш учун мосламалар ўрнатиш имконини беради. Аксарият каравотлар функционал бўлиши керак. Палаталарда яна каравот ёнида турадиган тумбочка, кийим илгич, умумий столстуллар, цороз учун тур идиш ва деворга ўрнатилган шкаф бўлиши керак.

Ётиб даволанадиган касаллар учун каравотнинг устига кўтариб тушириладиган столлар керак бўлади. Палатада, хонада ўстириладиган гуллар ва деворларга 1—2 та тасвирий санъат намуналаридан осиб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Палаталар ва умуман бўлимда ҳаво ҳароратини иситиш асбоблари ёрдамида муътадиллаштириб туриш керак. Умум жаррохлик бўлимларининг палаталарида ҳарорат 20° С, болалар бўлимларида эса 22° С атрофида ушлаб турилади. Ҳавонинг нисбий намлиги 55—60 фоиз, ҳаво ҳаракатчанлиги секундига 15 м атрофида бўлиши керак. Бўлимдаги ҳамма палаталар табиий ёруғлик билан яхши ёритилиши керак, деразалар жанубга, жануби-шарқ ёки жануби-ғарбга очилган бўлиши керак. Палата эшикларида

даволовчи врач ва ҳамширанинг исми, отасининг исми ва фамилияси ёзиб қўйилган бўлиши керак.

Медицина ҳамширасининг пости унинг иш жойи бўлиб, у палатадагиларга яхши кўришиб турадиган жойда бўлиши, анестезиология, реанимация бўлимларида эса бевосита палатада жойлашиши керак. Пост дори-дармонлар, асбоблар, парвариш воситалари ва ҳужжатлар қўйиладиган шкафлар билан жиҳозланиши керак. Ҳамшира постда ўтирганида унга ҳамма палаталар яхши кўришиб туриши керак. Пост столида телефон, сигнализация стол лампочкаси бўлиши керак. Ойна тагида режим ва парҳез кўрсатилган касаллар рўйхати, температура варағи, календарь, айрим кўрсатмалар (масалан, ўмов ости венасига қўйилган катетерга ҳараб бориш, анализга материалларни олиш туғрисида), беморларни ҳар хил текширишларга, йўл-йўриқлар ва операцияларга тайёрлаш қоидалари бўлиши лозим.

Бундан ташқари, постда дорилар, ҳарорат ўлчагич, шпател, банкалар, қоғозлар, иситгичлар, ошқозонни ювиш ва шира олиш учун ишлатиладиган резина найлар (зонд) бўлиши керак. Пост ёнида тарози, бўй ўлчагич, холодильниклар туради. А ва Б рўйхатидаги дорилар муолажа хонасида сейфда сақланиши керак. Шкафда анафилактик шок ҳолатида ёрдам бериш учун мўлжалланган дорилар туриши зарур.

Касал кишининг ҳамширани чақириши ёруғлик ёки товуш сигнали орқали амалга оширилиши керак. Беморлар дам оладиган жой зал ҳисобланади. Унга 1—2 та диван, журнал столчаси, стуллар, гуллар ва рўзнома-журналлар бўлиши керак. Агар телевизор ўрнатиб ва деворларга тасвирий санъат асарлари намуналаридан осиб қўйилса яна ҳам кўркем бўлади.

Врачларнинг иш жойи ординаторлар хонасидир. Бунда ҳар хил ҳужжатлар тўлдирилади. Столлар, стуллар, китоб ва кийим-кечак учун шкаф, ювинадиган жой, ойнадан ташқари бу ерда китоб жавонлари бўлиши керак. Эълонлар тахтачасида навбатчилар рўйхати, ҳафтада қилиниши лозим бўлган операциялар, беморларни текшириш ва даволашнинг ҳар хил схемалари бўлиши керак. Ординаторлар хонасига бўлим амалий фаолиятини қилинган операциялар сони, асосий касалликлар бўйича, бўлим ҳоллари сони, бир неча йил давомида ва охириги йил, кварталлар билан) кўрсатувчи стендлар, диаграммалар на бошқа кўрсаткичларни қўйиш мақсадга мувофиқдир. Китоб жавонига жарроҳликдан, анестезиология ва реанимациядан асосий қўлланмалар қўйилиши керак.

Бўлимда фотоаппарат ва бошқа илм билан шуғулланиш учун керакли нарсалар бўлиши керак. Столда ойна тагида ҳамма ходимларнинг тўлиқ манзилгоҳи ва телефонлари бўлиши шарт. Столдаги гуллар ва девордаги тасвирий санъат намуналари хонага фақатгина жонли руҳ бағишлайди. Езув машинкаси, телефон ва селектор врачлар ишини осонлаштириш учун хизмат қилиши шарт. Операцион блок операцион зал, операциядан олдинги хона, наркоз хонаси, стерилизация хона, материаллар хонаси, асбоб-ускуналар хонаси ва бошқа ёрдамчи хоналардан иборат. Операцион блок жарроҳлик бўлимининг юрагидир, шунинг учун ҳам унга алоҳида, катта талаблар қўйилади. У палаталардан алоҳида ажратилган чеккада жойлашиши керак.

Ҳозирги замон жарроҳлик бўлимларида, одатда, иккита бир-биридан ажратилган операцион зал бўлиши керак, бу — тоза ва йирингли касалликларни операция қиладиган заллардир. Операцион зал—бевосита операция қилинадиган жойдир. Операцион зал 100 ўринли жарроҳлик бўлими учун 40 м<sup>2</sup> ли кенг, ёруғ хона бўлиши керак. Хона деворлари кафель билан қопланган, шиплари мойли бўёқ билан бўялиши, поли ҳам кафель плиталари билан қопланган бўлиши керак.

Операция қилинадиган хонада доимо ҳарорат 20-22° С бўлиши лозим. Операция хонасида операция столи, ёритгичлар, бактерицид лампалар эса деворга ёки шипга осилган бўлиши керак. Операция олди хонаси ҳамшира ва жарроҳнинг операцияга тайёрланиши учун мулжалланган. Стерилизация хонада жарроҳлик асбоблари ва эритмаларни стериллаш учун мўлжалланган стерилизаторлар ўрнатилади. Асбоб-

ускуналар (инструментал) хонаси жаррохлик асбоб-ускуналарини сақлаш учун мўлжалланади, бу ерда улар махсус ойнаванд шкафларда сақланади. Материал хонасида операцион оқликлар, боғлов материаллари (салфеткалар, шарчалар, тампонлар), тикиш материаллари стерилизация учун тайёрланади. Боғлаш хонаси — боғлашлар, айрим муолажа ва кичик операциялар ўтказишга мўлжалланган махсус жиҳозланган бўлмоғи даркор. Боғлаш хонасининг битта боғлов столига 15 м<sup>2</sup> майдон тўғри келиши керак. Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган талабларга биноан нормал шароитлар стационар бўлимларида ташкил этилса, беморнинг яхши даволаниб кетишига имкон беради.



## “КЛИНИК ТИББИЕТГА ВА ТИББИЕТ КАСБИГА КИРИШ”

(Хирургик бемор-болаларни парваришлаш)

### ФАНИДАН 1-КУРС

#### ДАВОЛАШ, ПЕДИАТРИЯ ВА ТИББИЙ ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АМАЛМЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ:

- 1 Хирургик беморларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни қабул қилишда шифокорнинг тутган ўрни.  
Қабул бўлимида беморларни тозалаш.
- 2 Биоэтика ва деонтология асосларини хирургик беморларни қабул қилишда қўллашнинг ахамияти.  
Оғир беморларни ўрин кўрпа ва окликларини алмаштириш.
- 3 Антисептика ва асептика асосларини ўрганиш, хирургик беморларни қабул қилишда санитар ишлов беришнинг ахамияти.  
Беморларни боғлов хонасига, операция хонасига ва палаталарга етказиш.
- 4 Хозирги замон тиббиётида ятрогения ва эвтонозия муаммолари .  
Беморлар тумбочкалари санитария холати ва тозалаш.
- 5 Маслахат беришнинг асосий принциплари, операция қабул қилишда, операция олди ва кейинги даврларда маслахат бериш. Ўзаро тушунуш ва ишонч, шифокорнинг ўзини тутиши.  
Оғир беморларни ювинтириш.
- 6 Шифохона ички инфекцияси, «шахсий гигиена» ҳақида шифокорнинг – бемор билан мулоқот қилиши.  
Оғир беморлар – тери, шиллик қаватлари, сочлари ва тирноқлари парвариши.
- 7 Хирургик операция тушунчаси, турлари бўйича шифокорнинг – бемор билан мулоқоти.  
Беморларга судна, сийдикдон тутиш ва уларни тозалаш
- 8 Хирургик беморларни кузатиш ва даволашдаги муолажалари.  
Ичак ва сийдик оқмалари бўлган беморлар парвариши.
- 9 Наркоз тушунчаси, турлари, асоратлари бўйича шифокорнинг бемор билан мулоқот қилишининг ахамияти.  
Оғир беморларни оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиқлари парвариши
- 10 Беморни операция олди даврида шифокор томонидан олиб борилиши лозим бўлган муолажаларнинг ахамияти.  
Оғир беморларни кўз ва қулоқлари парвариши
- 11 Беморнинг рухий холати - тушқунлик, шок, қурқув, ғам - андух, хаяжон холатларида шифокорнинг тутган ўрни.  
Қусаётган беморга ёрдам кўрсатиш
- 12 Операциядан кейинги даврида шифокор томонидан олиб бориши лозим бўлган парвариш муолажаларининг ахамияти. Беморлар тана ҳароратини, пулсини ва артериал босимни ўлчаш.
- 13 Овқатлантиришни ташкиллаштириш операциядан кейинги даври бўйича шифокорнинг бемор билан мулоқоти. Хантал, компресс ва иситгичлар қўйиш.
- 14 Терминал холатдаги оғир беморларни олиб боришда–беморни ахволи ҳақида хабар.  
Махаллий муз халта қўйиш.
- 15 Оғир хирургик беморларда кийим–кечак ва оқликларни алмаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ёток, яраларни олдини олишда шифокорнинг тутган ўрни.

- Беморларга овқат тарқатиш ва овқатлантириш.
- 16 Хирургик беморларда—амалиётдан кейинги даврда ОИТС (СПИД) масалалари бўйича маслаҳат беришнинг этик асослари.
- Беморларга овқат тарқатиш ва овқатлантириш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 1.**

### **ХИРУРГИК БЕМОРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ШИФОКОРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.**

Парвариш қилиш кўлами беморнинг ёши ва ҳолатига, касаллик характерига, унга тайинланган режимга боғлиқ парвариш бўйича ҳамма вазифалар палата тиббий ҳамширалари зиммасига юкланади. Улар шу ишларни бажаришга масъулиятли ҳисобланадилар.

Шифокорнинг асосий мақсади – беморнинг соғлиғини яхшилашдир. Шифокор ҳар бир беморга индивидуал ёндашиши керак. Шифокор муносабатида ҳар бир беморнинг умумий ҳолати, характери, маданияти, маълумоти ҳисобга олинади керак.

Баъзи бир гуруҳ инсонларга, айниқса ёш аёлларга эътиборли, хушмуомала бўлиш, керак бўлганда хушомад қилиш керак.

Бошқаларга, айниқса армияда хизмат қилган эркакларга, каттиқ, буйруқ оҳангида гапириш керак.

Учинчи гуруҳга, интеллектуал даражаси паст инсонларга, касалини, бажариладиган операциясини оддий, бемор тушунадиган сўзлар билан тушунтириш керак. Энг асосийси хирург беморга, унинг тузалишини хошлаётганини, даволай олишига ишонишини ва даволаш самарали бўлишини кўрсата билиши керак. Ҳамма ҳолатларда беморларга далда керак, лекин шифокор албатта беморга унинг аҳоли жиддийлигини, асоратлар бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиши керак.

Истисноли ҳолатлар ҳам бор, булар онкологик беморларда бўлади. Шифокор, хаттоки энг кичик ўзгаришларни ҳам беморга билдириши керак, бу беморга далда бўлади. Шунини эътиборга олиш керакки, ҳар қандай инвазив муолажалар учун беморнинг ёзма розилиги керак ва у касаллик тарихига қўшиб қўйилади. Касаллик тарихида беморнинг имзоси бўлмаса, беморнинг қариндошлари томондан иш судда юридик кўриб чиқилиши мумкин.

#### **Қабул бўлимининг ишини ташкил қилиш ва бу бўлимнинг вазифалари.**

Қабул бўлими (қабулхона) поликлиника ва тез ёрдам станцияларидан юборилган ёки мустақил равишда ёрдам сўраб мурожаат этган беморларни қабул қилиш учун мўлжалланган.

#### Қабул бўлими қуйидаги вазифаларни бажаради:

- кечаю – кундуз, барча келиб тушган, ёки қабул бўлимига мурожаат қилган беморларни текширади;
- ташхис қўяди ва даволанишга муҳтож бўлганларга юқори малакали тиббий ва консультив ёрдам беради;
- бирламчи кўрув ўтказди ва агар зарур бўлса, ташхисни аниқлаштириш учун бир неча мутахассислардан маслаҳат олади;
- ноаниқ ташхис билан келган беморларни динамик кузатади;
- шифохонанинг ихтисослаштирилган ёки махсус бўлимларида беморларни саралаб ётқизишни амалга оширади;
- нопрофил беморларни бирламчи тиббий ёрдам кўрсатгандан сўнг, уларни касаллик ёки травма профили бўйича бўлимга ўтказди ёки яшаш жойидаги амбулаторда даволанишга юборади.
- шаҳардаги барча тезкор тиббий ва оператив тиббий хизматлар билан доимий алоқада бўлади

Қабул бўлимида кутиш хонаси, регистратура, маълумот хонаси ва кўриқдан ўтказиш хоналари мавжуд. Қабулхона бўлимлари лабораториялар, диагностика бўлимлари, изоляторлар, операция хоналари, боғлов хоналари ва бошқалар билан яқин алоқада бўлади.

**Тозалашга қўйиладиган талаблар:** Қабул бўлимининг хоналарини тозалаш нам усул билан кунига камида 2 марта ва белгиланган тартибда, тозаловчи ва дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланган холда амалга оширилади. Тозаловчи ускуналар белгиланган бўлиши ва мақсадга мувофиқ ишлатилиши керак. Фойдаланилгандан кейин у дезинфекцияловчи эритмада ивителиди, сувда ювилади, қуритилади ва махсус мўлжалланган хонада сақланади. Ҳар бир беморни текширгандан сўнг кушеткалар, клеенкалар, елимли ёстиқлар ҳозирги кўрсатмага мувофиқ эритмада ивитилган латта билан ишлов берилади. Ҳар бир бемордан кейин текширув хонасида дивандаги чойшаблар алмаштирилади. Амалиёт ўтказиш хонасида, боғлов хонасида, шунингдек кичкина операция хонасида нам тозалаш кунига 2 марта, 6% водород пероксид эритмаси ва 0,5% ювувчи восита ёки дезэритма билан амалга оширилади. Ишлатилганидан кейин каталкаларга (замбилғалтакларга) жорий кўрсатмаларга мувофиқ дезинфекцияловчи восита билан ишлов берилади.

**Кутиш хонаси** бемор ва унинг яқин қариндошлари учун мўлжалланган.

Бу хонада маълум миқдорда стул, кресло, каталкалар (беморларни ташиш учун) бўлиши керак.

Деворда даволаш бўлимининг иши, даволовчи шифокор билан суҳбат соатлари, беморларга олиб келиш мумкин бўлган озик-овқатлар рўйхати, шифохона маълумотномасининг телефон рақами кўрсатилади.

Бу ерда беморлар билан кўришиш мумкин бўлган кун ва соатлар кўрсатилиши керак.

#### **Навбатчи ҳамшира хонаси.**

Унда беморларни рўйхатга олиш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштириш амалга оширилади.

Стул, стуллар ва зарур ҳужжатларнинг тўпламлари бўлиши керак.

**Кўрик хонаси** шифокор томонидан беморларни текшириш учун мўлжалланган ва қўшимча равишда, ҳамширалар томонидан термометрияни, антропометрияни, ҳалқум текширувини ва баъзан бошқа текширувларни (ЭКГ) ўтказиш мумкин.

Кўрик хонасини жиҳозлаш:

- клеенка билан қопланган кушетка (бемор кўриладиган жой);
- ростомер (бўй ўлчагич);
- тиббий тарози;
- термометрлар;
- тонометр;
- шпателлар;
- қўлларни ювиш учун раковина;
- ёзув столи;
- стул;
- касаллик тарихи варақалари.

**Даволаш амалиёти ўтказув хонаси** беморларга шошилиш ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган (шок, вицерал колика ва бошқалар).

Даволаш амалиёти ўтказиш хонасини жиҳозлаш:

- кушетка;
- стуллар;
- қўйидагиларни сақловчи тиббий шкаф: шокка қарши дастлабки ёрдам тўплами, бир марталик шприцлар, бир марталик тизимлар, шокка қарши эритмалар, спазмолитиклар ва бошқа дорилар;
- стерил боғлов материаллари сақловчи бикс, дезинфекцияловчи эритмада сақланувчи стерил пинцет (бикс билан ишлаш учун);
- стерил ошқозон зондларини, резина сийдик катетерлари ва клизма учун учликлар сақловчи бикслар.

**Операция-боғлов хонаси** кичик операциялар учун мўлжалланган:

- тасодифий жароҳатга бирламчи жарроҳлик ишловини бажариш;
- чиққан суякни жойига солиш;
- оддий синишларни репозициялаш ва уларни имобилизация қилиш,
- кичик йирингли ўчоқларни очиш ва ҳ.к.

Санитар кўриқдан ўтказиладиган жой, унинг вазифалари қуйидагилардир:

- касал ва жароҳатланганларни санитар-гигиеник ишлови;
- кийим-кечак ва бошқа нарсаларни қабул қилиш, кийим-кечак ва нарсаларни инвентаризациялаш ва сақлашга олиб қолиш;
- шифохона кийимларини бериш.

Оғир касал ва жароҳатланганларни санитар-гигиеник ишлови учун портатив душ билан жиҳозланган ваннахона мавжуд.

Санитар-гигиеник ишловдан ўтказиш жойининг таркибида ёппасига жароҳатланганларни қабул қилиш учун мўлжалланган, санитар нормативларга жавоб берадиган, хожатхоналар, душ кабиналари, ювиниш хоналари бўлиши керак.

Қабул бўлимида вафот этганлар учун алоҳида кириш жойи бўлган хонани ажратиш керак, бу ерда бир нечта жасад қисқа вақтга (эрталабгача) сақланиши учун имконият бўлиши лозим.

**Қабул бўлимининг ҳамшираси мажбуриятлари:**

Ҳар бир касалхонага ётқизилган бемор учун тиббий картани рўйхатдан ўтказиш (титул саҳифани, беморни қабул қилинган аниқ вақтини, беморни юборган тиббий муассасанинг диагнозини кўрсатувчи ҳужжатларни тўлдириши);

2. Тери ва тери қопламаларини кўздан кечириш, терининг сочли қисмларида педикулёз бор ёки йўқлигини аниқлаш, тана ҳароратини ўлчаш;

3. шифокор кўрсатмаларини бажариш.

Қабул бўлими шифокорининг мажбуриятлари:

1. беморни кўздан кечириш, текшириш, жарроҳлик амалиётини амалга оширишнинг долзарблигини аниқлаш, керакли кўшимча текширувлар ўтказиш;

2. Касаллик тарихини тўлдириш, дастлабки диагноз қўйиш;

3. Санитар-гигиеник ишлов бериш зарур ёки зарур эмаслигини аниқлаш;

4. Транспортировка турини кўрсатган ҳолда профилли бўлимга ўтказиш;

5. Госпитализация учун кўрсатма бўлмаса, зарур минимал амбулатория-тиббий ёрдамни ташкил этиш.

**Хирургик беморларни қабул қилиш қодалари.** Касалхонага қабул қилинаётган беморлар, антропометрия текширувларидан ўтади. У тана параметрларини ўлчашдан иборат. Тиббиёт ходимлари беморлар оғирлигини ўлчайди (одатда, оч қоринга, эрталаб, қовуқ ва тўғри ичакни бўшатгандан кейин). Бу иш алоҳида аҳамиятга эга. Патологик жараённинг динамикасини кузатиш учун фойдаланилади. Мисол учун, тана массасининг ошиши шишларнинг кўпайганлигини билдиради, унинг камайиши эса, етарлича овқатланмаётганлигини, яллиғланиш процесси оғир кечаётгани ва ҳақозаларни билдиради. Кейинги антропометрик кўрсаткич, бўй баландлигини ўлчаш, тана массасини билган ҳолда, тана массаси индексини, идеал тана массаси ва бошқаларни ҳисоблаб топиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар кучли таъсир кўрсатувчи дориларни тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. Қабул бўлимида аниқланадиган кейинги кўрсаткич кўкрак қафасининг айланаси ҳисобланади. Бу кўрсаткич тери ости ёғ тўқимаси ва скелет тизимининг умумий ҳолатини акс эттиради.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 2

### БИОЭТИКА ВА ДЕОНТОЛОГИЯ АСОСЛАРИНИ ХИРУРГИК БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАШНИНГ АХАМИЯТИ

1. *Биоэтика ва деонтология асосларини хирургик беморларни қабул қилишда қўллашнинг ахамияти.*

2. *Биоэтика ва деонтология ҳақида тушунча.*

3. *Бемор билан мулоқотда ушбу тушунчаларнинг амалда қўлланилиши, ижобий ва салбий томонлари.*

**Тиббий этика** – тиббиёт ходимларининг ахлоқий меъёрлари тўплами.

**Деонтология** – тиббий мутахассисларнинг ўз вазифаларини бажаришдаги ахлоқий меъёрлар тўплами.

**Шифокор ва бемор.** Шифокорнинг асосий мақсади – беморнинг соғлиғини яхшилашдир. Шифокор ҳар бир беморга индивидуал ёндашиши керак. Шифокор муносабатида ҳар бир беморнинг умумий ҳолати, характери, маданияти, маълумоти ҳисобга олиниши керак.

Баъзи бир гуруҳ инсонларга, айниқса ёш аёлларга эътиборли, хушмуомала бўлиш, керак бўлганда хушомад қилиш керак. Бошқаларга, айниқса армияда хизмат қилган эркакларга, қаттиқ, буйруқ охангида гапириш керак. Учинчи гуруҳга, интеллектуал даражаси паст инсонларга, касалини, бажариладиган операциясини оддий, бемор тушунадиган сўзлар билан тушунтириш керак. Энг асосийси хирург беморга, унинг тузалишини хошлаётганини, даволай олишига ишонишини ва даволаш самарали бўлишини кўрсата билиши керак.

Ҳамма ҳолатларда беморларга далда керак, лекин шифокор албатта беморга унинг ахволи жиддийлигини, асоратлар бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиши керак. Истисноли ҳолатлар ҳам бор, булар онкологик беморларда бўлади. Шифокор, хаттоки энг кичик ўзгаришларни ҳам беморга билдириши керак, бу беморга далда бўлади.

Шуни эътиборга олиш керакки, ҳар қандай инвазив муолажалар учун беморнинг ёзма розилиги керак ва у касаллик тарихига қўшиб қўйилади. Касаллик тарихида беморнинг имзоси бўлмаса, беморнинг қариндошлари томондан иш судда юридик кўриб чиқилиши мумкин.

**Шифокор ва беморнинг қариндошлари.** Беморнинг энг яқин қариндошларига (1-катор қариндошларига) шифокор касаллик характери, операция тури, бўлиши мумкин бўлган асоратлар, операциянинг хавфи томонлари ҳақида маълумот бериши керак.

**Энг яқин қариндошлар қуйидагилар ҳисобланади:**

- Беморнинг аёли
- Беморнинг фарзандлари
- Беморнинг ота-онаси

Булардан бошқа қариндошлар ва танишларга, улардан томонидан сўров бўлганда, бемор ҳолати ҳақидаги умумий маълумотлар берилади. Қуйидаги қоидага қатъий амал қилиш керак: Юридик кучга эга бўлган операцияга розиликни фақат беморнинг ўзи бериши мумкин.

Фақатгина бемор хушсиз ҳолатда бўлганда, рухий касаллик натижасида мустақил қарор қабул қила олмаганда, вояга етмаган болаларда операция қилишга розиликни яқин қариндошлар беради. Шифокор- хирург беморнинг яқин қариндошлари билан доимий контактда бўлиши керак. Бу летал ҳолатларда турли хилдаги шикоятлар ва кўнгилсизликларнинг олдини олади.

**Онкологияда деонтология масаласи.** Шифокор-хирург рак билан касалланган бемор билан суҳбатининг дастлабки дақиқаларидаёқ беморни тузалиши мумкинлигига ишонтира олиши керак. Ҳозирги кунда беморга рак билан касалланганлигини айтиш- айтмаслик тўғрисида дискуссиялар кетмоқда. Юридик нуқтаи назардан бемор ўзининг касаллиги тўғрисида барча маълумотларни билишга ҳаққи бор. Фарбий Европа давлатлари ва Америкада беморга у рак

билан касалланганлиги тўғрисида аниқ хабар беришади. Лекин кўпгина рақ билан касалланган беморлар касаллик ривожланиб бориши мумкинлигини ўйлаб психологик тушкунликка тушиб қолишади. Шунинг учун кўпгина хирурглар аввал қўлланилган усулни қўллаб, бемордан касаллигининг характерини яширишади. Тиббий маълумотномаларда диагноз лотин тилида ёзилади, беморлар химиотерапияни ўташ учун умумий профилли палаталарга госпитализация қилинади.

**Шифокор сири.** Шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари ўзларининг касбий бурчларини бажараётган вақтларида уларга маълум бўлган беморнинг касаллиги, оилавий ва жинсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни тарқатмасликлари керак.

Илмий изланишларида беморнинг фамилиясини, унинг расмларини юзини яширмаган ҳолда демонстрация қилмасликлари керак.

Шу билан бир қаторда шифокор инфекция, венерик касалликларда, захарланишларда санитар органларга хабар бериши керак; Қотиллик юз берганда, травмаларда, ўқ отар ва бошқа қуроллар билан жароҳатланган беморлар бўлганида тергов ходимларига хабар бериши керак.

Шифокор бемор ишхонасига, агар у бу соҳада касаллиги туфайли ишламаслиги керак бўлса хабар бериши керак (озик-овқатлар билан боғлиқ соҳаларда туберкулёз (сил) ва венерик касалликли беморлар, хайдовчиларда эпилепсия аниқланса)

**Тиббий муассасада ходимлар ўртасидаги муносабатлар.** Тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасидаги муносабатлар умуминсоний ахлоқнинг қуйидаги тамойилларига мувофиқ бўлиши керак:

- ҳалоллик,
- самимийлик,
- тажрибали ва ўзидан катта ҳамкасбига ҳурмат ва бўйсиниш ва ҳ.к

Тиббиёт муассасаларида беморнинг иложи борича руҳий ҳолатини шикастламайдиган ва шифокорга ишонч муҳитини яратадиган вазият бўлиши керак. Раҳбарларнинг сурбетлиги ва ҳурматсизлиги, ходимларнинг унга кўр-кўрона бўйсунуши, хатоларни кўрмаслиги тиббий хизмат сифатини пасайтиради. Бир томондан, шифокор хатосини бемор қариндошлари билан муҳокама қилмаслиги керак, бошқа тарафдан ҳар хил конференцияларда шифокор тактикасини муҳокама қилиш хатоларни тўғирлашга ва тиббий ёрдам сифатини оширишга олиб келади.

Жарроҳлик клиникасида замонавий илмий ютуқларни амалиётга татбиқ этиш жараёни доимо бўлиши керак. Устозлик тамойилига риоя қилиш керак: тажрибали жарроҳ ёш мутахассисга таълим беради. Қуйидаги асосий тамойил – қарор қабул қилишда мантикий жавобгарлик: ташхис ноаниқ бўлса, у ҳолда профессионал тажрибали мутахассис таклиф қилинади. Шу билан бирга, агар жарроҳ мустақил қарор қабул қилаолмаса, унинг беморлари қолмайди. Юқори, ўрта ва кичик тиббий ходимлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва бир-бирига ҳурматга асосланган бўлиши керак. Шу билан бирга, қарорни қабул қилишда таниш-билишчиликка йўл қўйилмаслиги лозим.

**Шифокор ва жамият.** Тиббий деонтологиянинг энг жиддий муаммоларидан бири тиббиёт ходимлари ва жамият ўртасидаги муносабатдир.

Тиббиёт муассасаларида масъул ходимларни, тиббий муассасага моддий ёрдам кўрсатишга қодир бўлган саноат ва йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари ўз ичига оладиган тиббий муассасаларда васийлик кенгашларини ташкил этиш зарур. Ўз навбатида, тиббий муассасалар корхоналар ходимларини даволаш ва диагностика қилиш бўйича мажбуриятларни олади.

Тиббий ходимларнинг корпоратив этикасини, шифохонада ҳар хил мутахассислардан ташкил топган жамоа ишлашини, тиббиёт муассасасининг ижобий баҳоланиши барча ходимларнинг яхши номидан келиб чиқишини унутмаслик керак.

**Тиббий ходимларнинг ўзини тутиш қоидалари.**

Тиббий ходимларнинг ўзини тутиши қуйидаги умумий қоидалардан иборат бўлиши мумкин:

8. Тиббиёт ходимлари дид билан, тартибли кийинган бўлиши керак;
  9. Сочни тиббий қалпоқ тагига йиғиб олиш керак
  10. Тирноқлар калта олинган бўлиши керак;
  11. Ортикча косметика ва тақинчоқларга йўл қўймаслик керак;
  12. Парфюмлардан фойдаланишни чеклаш керак, айниқса ўткир ҳидли бўлганларни (субъектив ёқимсиз ҳиссиётларга қўшимча равишда, беморда аллергик реакцияни ривожланиши, бронхиал астма хуружи ва бошқаларга сабаб булиши мумкин булганларни);
  13. Тиббий ходим ўзининг юз ифодасини, суҳбат ва хатти-ҳаракатларнинг услубларини доимо назорат қилиши жуда муҳим; шифокор ўзини меҳрибон ва хотиржам тутиши беморнинг руҳига ижобий таъсир кўрсатади ва даволашнинг муваффақиятига ишонч ҳосил қилади;
  14. Таъсирчан, осонгина жахли чиқадиган ёки аксинча, контактсиз, депрессия билан оғриган беморга ғамхўрлик қилаётганингизда, сабр-тоқатли бўлишингиз керак, беморнинг ахволини яхшилаш учун ҳамма нарса қилинаётганлигини қайта-қайта таъкидлашингиз керак. Бундай беморлар билан алоқа қилишда беморни соғайиши ҳақидаги хар- хил маълумотларни турли нуқтаи назарлардан қайта-қайта такрорлаш керак; Оғир, тузалиш имконияти йўқ, атроф-муҳитга бефарқ беморлар билан алоқа қийинчиликлар туғдиради (онкологик профилдаги нооперабел ёки инкурабел беморлар, юрак қон-томир оғир патологияси билан оғриган беморлар, инсульт натижасида ҳаракатлана олмайдиган беморлар ва ҳ.к.). Бундай беморлар билан, улар тиббий ходим томонидан парвариш қилинаётганда алоқа ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, беморнинг кайфиятини хар томонлама кўтаришга ҳаракат қилиш керак. Ҳамшира ҳеч қачон беморга ёки даволаниш жараёнида иштирок этмаётган бошқа шахсга касаллик тарихини кўрсатмаслиги керак. Тиббий ходимлар даволаётган шифокор руҳсатсиз унинг касали ҳақида маълумот берганда нохуш ҳолатлар бўлгани кўп кузатилган.
- «Шифокор сир»** деган тушунча бўлиб, уни ҳеч ким бекор қилмаган, бу тушунча нафақат шифокорлар, балки даволаш жараёнида қатнашадиган барча соғлиқни сақлаш ходимлари учун ҳам амал қилади.
- Тиббий ходим телефон қилган шахс ўзини қандай таништиришидан қатъий назар, телефон орқали бемор ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаслиги керак.
- Тиббий ҳамширалардан ташқари, парвариш ишига қисман касал болаларнинг оналари (одатда кўкрак ёшидаги болалар ва оғир ётган болаларнинг оналари), шунингдек тиббиёт олий билимгоҳларининг қуйи курсларида ўқийдиган талабалар жалб этилади.
- Хирургик касалликлари бўлган болаларни парваришда уларни операциядан олдин тайёрлаш, операция қилиш ва операциядан кейин боқиш муҳим аҳамиятга эга. Хирургик бўлимга тушадиган беморларнинг кўпчилиги операция қилинади. Операциядан олдинги давр улар касалхонага тушган вақтдан бошланади, бу давр ичида ҳамма нарса операция хавфини камайтириш, асоратларнинг олдини олишга қаратилади. Сирасини айтганда, операциядан олдинги давр операциядан олдинги тайёргарлик деган гапдир. Бу вақт ичида турли орган ва системаларнинг функционал ҳолати ўрганилади (бемор комплекс текширилади) ва операцияга тайёргарлик кўрилади. Бу даврдаги тадбирларни хар қандай операциядан олдин албатта ўтказиладиган умумий ва айрим операцияларнинг ўзида ўтказиладиган махсус турларга бўлиш мумкин.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 3**

#### **АНТИСЕПТИКА ВА АСЕПТИКА АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ, ХИРУРГИК БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА САНИТАР ИШЛОВ БЕРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.**

*Беморларни боғлов хонасига, операция хонасига ва палаталарга етказиш.*

1. *Антисептика ва асептика асосларини ўрганиш, хирургик беморларни қабул қилишда санитар ишлов беришнинг аҳамияти.*

2. *Антисептика ва асептика ҳақида умумий тушунча, шахсий гигиена ва санитар ишловнинг бемор соғлигидаги аҳамияти.*

Асептика — операция ёки муолажа чоғида микробларнинг ярага тушишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси. Ярага тегадиган ҳар қандай нарса стерил бўлиши керак. ҳатто, бажариш жараёнида тери бутунлиги бузилмайдиган (меъда ширасини олиш, меъдани зонд билан ювиш, клизмалар ва к.) муолажалар ҳам асептик шароитларда бажарилиши керак.

Асептика шахсий гигиенага риоя қилишдан бошланади. Ишга келиб кийимларни алиштириш керак. Халат, қалпоқча ёки рўмолча ювилган, дазмолланган бўлиши, беморнинг кийимбошлари ва унинг тўшаги мунтазам равишда алиштириб турилиши керак. Жаррохлик бўлимида палата ва боғлаш хоналарини ҳўлланган латта билан тез-тез артиб, йиғиштириб туриш керак. Ходимларнинг йўлини парваришlashга алоҳида эътибор бериш керак. Ифлос ишларни қўлқопларда бажариш шарт. Сочни қалпоқча ёки рўмолча билан ёпиш керак.

Ҳозирги замон хирурглари асептика ва антисептика қоида ва қонунларига амал қилишлари шарт. Бу тўғрисида жуда кўп адабиётлар мавжуд, аммо хирургнинг хирург-субординаторларнинг ушбу асосланган методларга амал қилмасликлари, операциядан олдин қўлларини шовша-шошарлик билан ювишлари, боғловхонада ярани «боғлаш жараёнида қўйилган хатолар асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хирург нафақат ишда, уй-рузғорда ҳам, ҳаётда ҳам қўлини ҳар хил ифлосланишлардан сақлаши керак. Очик, ҳимояланмаган қўл билан ховлида ишлаш, қўл териси шикастланишига олиб келадиган юмушлар бажаришда эҳтиёт бўлиши керак. Шундай ишлар бажарилган тақдирда ҳам дарҳол қўлни тозаловчи моддалар билан ювиш шарт.

**Хирургик беморларни қабул қилиш қоидалари.** Касалхонага қабул қилинаётган беморлар, антропометрия текширувларидан ўтади. У тана параметрларини ўлчашдан иборат. Тиббиёт ходимлари беморлар оғирлигини ўлчайди (одатда, оч қоринга, эрталаб, ковуқ ва тўғри ичакни бўшатгандан кейин). Бу иш алоҳида аҳамиятга эга. Патологик жараённинг динамикасини кузатиш учун фойдаланилади. Мисол учун, тана массасининг ошиши шишларнинг кўпайганлигини билдиради, унинг камайиши эса, етарлича овқатланмаётганлигини, яллиғланиш процесси оғир кечаётгани ва ҳақозаларни билдиради. Кейинги антропометрик кўрсаткич, бўй баландлигини ўлчаш, тана массасини билган ҳолда, тана массаси индексини, идеал тана массаси ва бошқаларни ҳисоблаб топиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар кучли таъсир кўрсатувчи дориларни тайинlashда муҳим аҳамиятга эга. Қабул бўлимида аниқланадиган кейинги кўрсаткич кўкрак қафасининг айланаси ҳисобланади. Бу кўрсаткич тери ости ёғ тўқимаси ва скелет тизимининг умумий ҳолатини акс эттиради.

**Беморлар қабул қилинганда санитар ишловдан ўтишлари керак.** Тўлиқ санитар ишлов бериш беморни ваннада ёки душ остида ювинтириш, ич кийимларини дезинфекциялаш ва дезинсекциялаш, шунингдек, хонага санитар-гигиеник ишлов беришни ўз ичига олади.

Қисман санитар ишлов бериш – танани қисман ювишни ва ич кийимларни алмаштиришни ўз ичига олади. Беморларга бошқа ич кийим берилганидан сўнг, улар шу ич кийимда бўлимга киришади. Ҳозирги вақтда бу қоидага доим ҳам амал қилинмайди, асосан махсус ва ҳарбий шифохоналарда ушбу одат сақланган. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб беморлар шифохонага келишдан олдин ювинишади ёки душ қабул қилишади.

Қабул қилинувчи беморлар ваннада ёки душ остида ювинтирилади. Дастлаб, ваннага 0,5% хлорли эритма ёки 1-2% хлорамин эритмаси билан ишлов берилади. Кейин ваннани иссиқ совунли сув билан яхшилаб ювиб, тўлдирилади. Ваннадаги сув ҳарорати тахминан 42 даража бўлиши керак.



Ҳаддан ташқари буғланишнинг олдини олиш учун, олдин совуқ сув ваннага қўйилади, сўнгра иссиқ сув қўйилади. Беморларнинг аҳволи оғир бўлганда, улар ваннадаги скамейкага ўтирғизилади ва устидан сув қўйилади.

Тана қисмларини ювиш кетма-кетлиги:

- бош ювилади;
- қўл ва кўкрак қафаси;
- чот ораси, қорин соҳаси ва бел;
- оёқлар.

Санитар ишлов бериш ва антропометриядан сўнг беморлар тиббий ходимлар билан биргаликда кўриқдан ўтказиш хоналарига борадилар ва шундан сўнг ташҳис қўйиш ва даволаш тактикаси белгиланади.

Қабул қилиш бўлимининг шифокорлари ўрта тиббиёт ходимлари билан биргаликда касаллик тарихини тўлдирадилар (беморнинг стационар картаси). Унинг титул саҳифасида қуйидагилар мавжуд:

- фамилияси, исми, отасининг исми,
- ёши (ва туғилган санаси),
- яшаш жойи,
- беморнинг иш жойи,
- яқин қариндошлари телефонлари ёки манзиллари,
- ногиронлик ҳақида гувоҳнома, дориларга аллергияси ҳақида, қон гуруҳи, касалликнинг бошланиш даври (фавқулодда касалхонага ётқизилганлар учун) тўғрисида эслатма.

- Юборган муассасанинг диагнози, қабул қилингандаги дастлабки диагноз, клиник диагноз ва унинг қўйилган санаси киритилади.

Титул варақда бемор анамнезида вирусли гепатити борлиги, ундан олинган нарсаларда ва беморнинг ўзида педикулёз белгиларининг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар махсус ёзиб қўйилади.

Бемор шифохонадаги тартиб қоидалар билан танишиб чиққанлиги ва уларни бузмасликка розилигини билдириб имзо қўяди.

Қабул бўлимининг шифокор-мутахассислари томонидан бемор кўриқдан ўтганида, улар тўплаган маълумотлар касаллик тарихига киритилади, қўшимча текшириш усулларини тайинлаш тўғрисидаги кўрсатмалар берилади.

Шифокорлар кўриқдан ўтказиш қоидаларига риоя қилишлари керак: Дастлаб инвазив бўлмаган усулларни қўллаш ва сўнгра уларнинг мураккаблаша бориши, оғирлашуви ва нархини ошишига қараб тайинлаш лозим. Минимал травматик усуллар доимо кўпроқ травмага олиб келадиган усуллардан олдин қилиниши керак.

Хирургик стационарга қабул қилинаётганларнинг ҳаммасида бажарилиши керак:

- умумий қон таҳлили;
- RW -га (захмга) қон таҳлили;
- флюорография;
- кексалар учун ЭКГ текшируви ҳам ўтказилади.

Қолган текширувлар аниқ кўрсатмалар бўйича бажарилади. Бунинг учун қабул бўлимининг шифокори қўл остида мавжуд:

- рентген хонаси,
- ультратовуш текшируви хонаси,
- эндоскопия бўлими,
- фавқулодда лаборатория ва бошқалар.

Навбатчи бўлим шифокори зарур бўлганда консултация учун шифохона бўлиmlаридан мутахассисларни таклиф қилиши мумкин.

Режа бўйича қабул қилинадиган беморларни стационар даволанишга юборган поликлиникаларда текширувдан ўтказиш керак. Улар қўлида ультратовуш, умумий

тахлиллар, рентгенограммалар ва бошқа текширувлар натижалари билан қабул бўлимига келишади.

Оғир аҳволда бўлган, гомеостазнинг беқарор кўрсаткичлари билан келган беморларга биринчи тиббий ёрдам қабул бўлимида кўрсатилади.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 4

### ХОЗИРГИ ЗАМОН ТИББИЁТИДА ЯТРОГЕНИЯ ВА ЭВТОНОЗИЯ МУАММОЛАРИ БЕМОРЛАР ТУМБОЧКАЛАРИ САНИТАРИЯ ХОЛАТИ ВА ТОЗАЛАШ.

1. *Хозирги замон тиббиётида ятрогения ва эвтонозия муаммолари.*

2. *Ятрогения ва эвтонозия ҳақида тушунча, ятроген ножўя омиллар келиб чиқиши, ятроген омиллар тўғрисида классик тиббиёт намоёндалар фикри.*

3. *Эвтонозиянинг ижтимоий-руҳий аспекти.*

Ҳар кунлик иш жараёнида хирург жуда ҳам моҳирлик билан иш тутиши зарур, чунки у хирургик бемор ва уларнинг қариндош-урурларига касаллик диагноздан тортиб токи операциягача ва ҳаттоки операциядан кейинги парвариш давригача бўлган муолажаларни усталик билан тушунтириб бермоғи лозим. Хирург учун шундай қийин дамлар бўладики, у барча тажриба ва имкониятларини ишга солиб, бемор ҳаёти учун хавфли ва айни вақтда қилиниши зарур бўлган операцияларни бемор ва унинг қариндошларига етарли даражада тушунтира билиши керак. Хирургнинг эса бундай ишларни мукамал ҳал қилишига киришиши зарурий ҳолатдир. Бундай вазиятларда хирург бемор киши, унинг қариндош-уруғлари, коллектив ва ҳамкасблари олдидаги катта масъулиятни ҳамда маънавий жавобгарликни сезиши керак. Хирург фаолиятига таниқли хирург Л. Лериш катта баҳо бериб ёзган эдики: «Кимки бир минут ичида вазиятни баҳолай олмаса у хирург бўла олмайди, ҳар қандай операциядан олдин гумонсираб турса ишончсиз кишига ўхшаб қолади, қалб одамни ҳамма вақт олдинга ундаб туриши керак».

Одамлар орасида «қўли энгил хирург экан», «иши доим ўнгидан келади» деган ибораларни эшитамиз. Албатта, истеъдод билан билимни инкор этиб бўлмайди, ҳар иккаласи хирургда қўшиб олиб борилса «хирургик бахт»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Афсуски, шундайлар ҳам борки, улар ўзларининг хирургик фаолиятида фақат энгил хирургик беморларни танлаб операция қиладилар ва оғир хирургик беморлардан узокроқ бўлиб, шу тариқа обрў-эътибор қозонмоқчи бўладилар. Афсуски, бундай хирурглар халқ олдида ҳам, ҳамкасблари олдида ҳам шон-шуҳратга эга бўла олмайдилар. Н.И.Пирогов «хирург бахтини» тўрт нарсдан деб билади: биринчидан — касаллик ҳақида ишонч; иккинчидан — операция қилиш вақтини яхши белгилаш, куп ҳам эрта, ёки куп ҳам кечга қолдирмаслик, бемор кайфиятига яхши таъсир этиш, ундаги кўрқиш ва ишончсизликни йўқотиш; учинчидан — нафақат операцияни яхши бажариш, ҳатто унинг асоратларга олиб келмаслик чора-тадбирларини кўриш; тўртинчидан — кейинги даволаш жараёнини кунт ва матонат билан олиб боришдан иборат. Т. Бильрот хирург билан терапевт орасидаги фарқни куйндагича исботлайди: «Врачи севадилар, хирургдан кўрқадилар, демак биринчиси ўзининг рецепти билан бемор аҳолини энгиллаштиради, иккинчиси эса, аксинча, оғрик олиб келади». Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги замон хирургияси оғрикка қарши кўп ютуққа эришсада, лекин кўп нарсалар ҳозиргача ҳам муаммолигича қолмоқда. Хирургнинг катта-кичик хирургик муолажалар бажаришидан қатъий назар, у ҳамма вақт касалга кам оғрик келтириш йўллариини ўйлаши керак. С.И.Спасокукоцкий талабаларга лекция ўқиб турганида бемор ярасидаги боғлам ечилганда бир томчи қонни кўриб врачдан «Бу нима?» — деб сўраб, ўзи жавоб қилган экан: «Бу врачнинг нолаёқатлигидан грануляциянинг қон аралаш ёшидир».

Ҳозирги замон хирурглари асептика ва антисептика қоида ва қонунларига амал қилишлари шарт. Бу тўғрисида жуда кўп адабиётлар мавжуд, аммо хирургнинг хирург-субординаторларнинг ушбу асосланган методларга амал қилмасликлари, операциядан олдин қўлларини шошма-шошарлик билан ювишлари, боғловхонада ярани «боғлаш жараёнида қўйилган хатолар асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хирург нафақат ишда, уй-рузғорда ҳам, ҳаётда ҳам қўлини ҳар хил ифлосланишлардан сақлаши керак. Очiq, ҳимояланмаган қўл билан ховлида ишлаш, қўл териси шикастланишига олиб келадиган юмушлар бажаришда эҳтиёт бўлиши керак. Шундай ишлар бажарилган тақдирда ҳам дарҳол қўлни тозаловчи моддалар билан ювиш шарт. Ҳозирги замон хирургиясининг жадал суръатлар билан ривожланиб кетиши, айниқса трансплантология — одам аъзоларини кўчириб ўтказиш соҳасидаги америкалик жарроҳларнинг бирданига «юрак-ўпка», «юрак-ўпка-жигар» операцияларини бажаришлари медицина деонтологиясида ҳам бир қанча муаммоларни юзага келтирди. Хирург, реципиент ва донор ёки донор қариндош-уруғлари билан реципиент ўртасидаги муносабатлар шулар жумласидандир. Бутун оламга машҳур хирург Н.М.Амосов ҳам юракни кўчириб ўтказишга руҳсат олгач автомобил ҳалокатидан ўлган ёш қизнинг юрагини олиб

касал беморга ўтказишни унинг қариндош-уруғларидан сўрашга журъат эта олмаган. Бу эса трансплантологияда деонтологиянинг қийин ва мураккаб ахлоқий вамаънавий масалаларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари, хирургияга янги асбоб-ускуналарнинг кириб келиши ҳам деонтология соҳасида мураккаб вазифаларни вужудга келтирди. Мисол тариқасида шуни айтиш керакки, сунъий қон айланиш аппаратини (АИК) хирургияда қўлланишида уни ишга тушириш учун врачлардан ташқари инженер-механиклардан иборат катта бир бригада ишлаши керак. Ҳар хил касб эгала-рининг бир тан, бир жон бўлиб ишлашларини таъминлаш ҳозирги шароитда қийин муаммолардан ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда хирургия соҳасидаги деонтология муаммолари ўз актуаллигини йўқотгани йўқ, аксинча, ҳар бир медицина ходимидан, айниқса, талабалардан, ҳаттоки ҳамширалардан ҳам ўз соҳасини жонкуяри, билимдони бўлишни талаб этади. Беморга тўлиқ ҳамдардлик қилинади, унинг ахволини тушунгандагина бемор билан тиббиёт ходими ўртасида давонинг наф беришига ишонч, самимий муносабат ўрнатилиши мумкин. Меҳрибонлик, маънавий ёрдам, самимийликнинг фойдаси дори моддалардан кўра кўпдир. Яъни ўтмишда тиббиёт ҳамширасини «шафқат ҳамшираси» деб бежиз айтишмаган. Азоб чекаётган одамга раҳм қилмайдиган, бепарво, худбин одамнинг тиббиёт муассасасида ишлашига йўл қўйиб бўлмайди. Тиббиёт ҳамшираси беморни текширишда, уни турли хил операцияларга тайёрлашда, шифокор тайинлаган даво муолажаларини амалга оширишда, беморлар парваришида бевосита қатнашади. Бемор билан муомала қилган кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари бемор хаёлини: оғир ўй-фикрлардан ҳоли қилиши, чалғитиши, уни тетиклантириб, кўнглида соғайиб кетишга ишонч уйғотиши керак. Бунда албатта беморнинг индивидуал хусусиятларини ва мазкур фурсатдаги ахволини ҳисобга олиш ҳам лозим; бир беморни чидаб туришга кўндириш керак бўлса («Сал оғрийдию, лекин кейин енгил тортасиз» — деб), бошқасини ҳар хил гап-сузлар билан андармон қилиш керак бўлади. Беморлар кўпинча ўрта ва кичик тиббиёт ходимларидан ўзининг диагнози ва қандай натижа билан тугагини сўрашади. Беморнинг дарди бедаво бўлса, айниқса унда хавфли ўсма (рак) касаллиги бўлса, буни унга айтиш мутлақо ярамайди. Касалликнинг қандай яқунланишига келганда ҳаммиша комил ишонч билан эсон-омон ўтиб кетади деб айтиш керак. Беморнинг олдида у яхши тушунмайдиган ва кўнглида ваҳима ва кўркинч уйғотадиган: «шок», «агония», «қон туфлаш», «гематома», «коллапс» сингари ибораларни ишлатмаслик керак.

Наркотик уйқу ва ҳатто юзаки кома ҳолатидаги беморлар ҳам баъзан палатадаги гап-сузларни эшитиб, кўнглига тугиб қўйишини эсдан чиқармаслик керак. Чунки бемор кўнглига озор етадиган бўлса, бу унинг ахволини оғирлаштириб қўйиши, баъзи

ҳолларда эса даволанишдан бош тортиб, ҳатто ўзини ўзи ўлдиришга уриниб кўришга сабаб бўлиши мумкин. Гоҳо «беморлар бетоқат, даводан кўнгли тўлмай, гумонсирайдиган бўлиб қолишади, уларда эс-хуш айниб қолиши, галлюцинациялар, васваса бўлиб туриши мумкин. Ана шундай ҳолларда кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари сабр-тоқатли ва хушмуомала бўлишлари зарур. Бемор билан ҳеч қачон гап таллашиб ўтириш ярамайди, лекин даво чораларининг зарурлигини тушунтира олиш керак. Шу билан бирга аҳволи унча оғир бўлмаган беморлар, одатда, интизомни, даво режимини бузадилар: палаталарда чекадилар, спиртли ичимликлар ичадилар. Бундай ҳолларда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари интизом бузилишига йўл қўймасликлари, қаттиққўл бўлишлари, аммо кўполлик қилмасликлари керак. Бемордан дардининг бедаволигини ёки аҳволининг оғирлашиб қолганини яширган ҳолда буни унинг қариндошларига ётиги билан тушунтириш керак. Бироқ улар орасида ҳам бемор одамлар бўлиши мумкин, шуни ҳисобга олиб, улар билан гаплашганда ниҳоятда эҳтиёткор ва андишали бўлиш керак. Беморни кўргани келган одамлар билан гаплашишдаи олдин врач билан маслаҳатлашиш керак. Айниқса телефонда гаплашганда эҳтиёт бўлиш, хусусан бирор жиддий хабарни айтмаслик, балки шифохонага келиб врач билан шахсан гаплашиш кераклигини тушунтириш лозим. Аксарият ҳолларда беморнинг қариндошлари бўлимда бўлмаган дори-дармонларни топишда ўз ёрдамларини таклиф этадилар. Бундай таклифни мулойимлик билан» лекин қатъиян рад этмоқ керак. Дори-дармонлар билан таъминлаш даволаш муассасаси маъмуриятининг бевосита вазифаси ҳисобланади ва зарур бўлганда ҳар қандай дорини расмий йўл билан топиш мумкин. Тиббиёт ҳамшираси ўз малакасини доимо ошириб бориши лозим. Даволаш муассасасидаги умумий муҳит бунга ёрдам бериши керак.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 5**

### **МАСЛАХАТ БЕРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ, ОПЕРАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА, ОПЕРАЦИЯ ОЛДИ ВА КЕЙИНГИ ДАВРЛАРДА MASЛАХАТ БЕРИШ. ЎЗАРО ТУШУНИШ ВА ИШОНЧ, ШИФОКОРНИНГ ЎЗИНИ ТУТИШИ. ОҒИР БЕМОРЛАРНИ ЮВИНТИРИШ.**

- 1. Маслаҳат беришнинг асосий принциплари.*
- 2. Операция қабул қилишда, операция олди ва кейинги даврларда маслаҳат бериш.*
- 3. Ўзаро тушуниш ва ишонч, шифокорнинг ўзини туттиши*

Хирургик касалликлари бўлган болаларни парваришда уларни операциядан олдин тайёрлаш, операция қилиш ва операциядан кейин боқиш муҳим аҳамиятга эга. Хирургик бўлимга тушадиган беморларнинг кўпчилиги операция қилинади. Операциядан олдинги давр улар касалхонага тушган вақтдан бошланади, бу давр ичида ҳамма нарса операция хавфини камайтириш, асоратларнинг олдини олишга қаратилади. Сирасини айтганда операциядан олдинги давр операциядан олдинги тайёргарлик деган гапдир. Бу вақт ичида турли орган ва системаларнинг функционал ҳолати ўрганилади (бемор комплекс текширилади) ва операцияга тайёргарлик қурилади. Бу даврдаги тадбирларни ҳар қандай операциядан олдин албатта ўтказиладиган умумий ва айрим операцияларнинг ўзида ўтказиладиган махсус турларга бўлиш мумкин. Болаларни планли операцияларга умумий тайёрлаш.

Чов ва киндик чурраси, мойк пардалари истискоси, крипторхизм, улчами кичикрок хавфсиз ўсмалар каби хирургик касалликлари бўлган беморларни касалхонага келган кунининг эртасига операция қилинади. Бундай ҳолларда болада операциядан олдинги зарур лаборатория текширувлари поликлиникада госпитализациядан олдин ўтказилади. Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органларидаги, буйрак ва синдик чиқарув йўлларидаги

катта операциялар, шунингдек айрим ортопедик операциялардан олдин, махсус диагностик текширувлардан ташқари, бола организмнинг асосий, ҳаётий муҳим функциялари ҳолати аниқланади.

Тиббий ҳамширанинг вазифаларидан бири бемор психикасини имкон борича эҳтиётлашга ва даволашнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган, тиббий ходимларнинг хатти-ҳаракати принциплари тўғрисидаги фан — тиббий деонтология қоидаларига пухта риоя қилиш ҳисобланади. Бемор билан хушмуомалада бўлиш ва унга меҳрибонлик қилиш, бемор ножўя хатти-ҳаракат қилганда ўзини тута билиш, бемор ва унинг яқин қариндошлари билан мулойимлик билан гаплашиш, врачга сиполик билан мурожаат қилиш ва унинг танқидий фикрларига босиқлик билан қулоқ солиш — тиббий ҳамширанинг асосий фазилатларидан бўлиши керак. Тиббий ҳамшира беморга ҳам, унинг қариндошларига ҳам ҳеч қандай ортиқча маълумотлар бермаслиги керак.

Бемор хузурида парвариш жараёнида вужудга келадиган асоратлар тўғрисида гапирмаслик ва даволаш жараёнида рўй бериш эҳтимоли бўлган камчиликларга диққатни жалб қилмаслик керак. Аксарият тиббий ҳамширанинг беморга даволовчи врач келгунга қадар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишига тўғри келади. Агар тиббий ҳамшира даволаш муолажаларининг техникасини яхши билмаса у бундай ёрдамни кўрсата олмайди. Шунинг учун техникавий кўникмаларни доимо такомиллаштириб бориш ҳамширанинг вазифаси ҳисобланади. Тиббий ҳамшира даволаш муассасасидаги тартиб-интизомни сақлаб туриш ва кичик тиббий ходимдан ҳам унга риоя этишини талаб қилиши керак. Тиббий ҳамширанинг врачга муносабати уларнинг умумий ишни қилаётганлиги ва умумий мақсадга интилаётганлиги билан белгиланади. Интизомли, ҳаракатчан, саранжом-сарийшта ва озода тиббий ҳамшира врачнинг яхши ёрдамчисидир.

Бироқ врачнинг яхши ёрдамчиси бўлиши учун тиббий ҳамшира врачнинг ҳар бир кўрсатмасидаги маънони яхши тушуниб олиши ва уни онгли бажариши лозим. Бунинг учун у тиббий адабиётларни доим ўқиб бориб, олган билимларини такомиллаштириб туриши лозим. Тиббий ҳамшира врачнинг у ёки бу кўрсатмасининг зарурлигини тушуниб етганидан кейингина беморга тайин қилинган давонинг фойда бўлишига уни ишонтира олади. Тиббий ҳамшира ўзининг ҳамма шубҳаларини врачга маълум қилиши керак. Бундан ташқари, ўзининг хатти-ҳаракати билан врачнинг обрӯ-эътиборини мустаҳкамлаши, беморда врачга бўлган ишончини қувватлаб туриши керак.

Тиббий ҳамширанинг вазифаларидан бири бемор психикасини имкон борича эҳтиётлашга ва даволашнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган, тиббий ходимларнинг хатти-ҳаракати принциплари тўғрисидаги фан — тиббий деонтология қоидаларига пухта риоя қилиш ҳисобланади. Бемор билан хушмуомалада бўлиш ва унга меҳрибонлик қилиш, бемор ножўя хатти-ҳаракат қилганда ўзини тута билиш, бемор ва унинг яқин қариндошлари билан мулойимлик билан гаплашиш, врачга сиполик билан мурожаат қилиш ва унинг танқидий фикрларига босиқлик билан қулоқ солиш — тиббий ҳамширанинг асосий фазилатларидан бўлиши керак. Тиббий ҳамшира беморга ҳам, унинг қариндошларига ҳам ҳеч қандай ортиқча маълумотлар бермаслиги керак.

Бемор хузурида парвариш жараёнида вужудга келадиган асоратлар тўғрисида гапирмаслик ва даволаш жараёнида рўй бериш эҳтимоли бўлган камчиликларга диққатни жалб қилмаслик керак. Аксарият тиббий ҳамширанинг беморга даволовчи врач келгунга қадар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишига тўғри келади. Агар тиббий ҳамшира даволаш муолажаларининг техникасини яхши билмаса у бундай ёрдамни кўрсата олмайди. Шунинг учун техникавий кўникмаларни доимо такомиллаштириб бориш ҳамширанинг вазифаси ҳисобланади. Тиббий ҳамшира даволаш муассасасидаги тартиб-интизомни сақлаб туриш ва кичик тиббий ходимдан ҳам унга риоя этишини талаб қилиши керак. Тиббий ҳамширанинг врачга муносабати уларнинг умумий ишни қилаётганлиги ва умумий мақсадга интилаётганлиги билан белгиланади. Интизомли, ҳаракатчан, саранжом-сарийшта ва озода тиббий ҳамшира врачнинг яхши ёрдамчисидир.

Бирок врачнинг яхши ёрдамчиси бўлиши учун тиббий ҳамшира врачнинг ҳар бир кўрсатмасидаги маънони яхши тушуниб олиши ва уни онгли бажариши лозим. Бунинг учун у тиббий адабиётларни доим ўқиб бориб, олган билимларини такомиллаштириб туриши лозим. Тиббий ҳамшира врачнинг у ёки бу кўрсатмасининг зарурлигини тушуниб етганидан кейингина беморга тайин қилинган давонинг фойда бўлишига уни ишонтира олади. Тиббий ҳамшира ўзининг ҳамма шубҳаларини врачга маълум қилиши керак. Бундан ташқари, ўзининг хатти-ҳаракати билан врачнинг обрӯ-эътиборини мустаҳкамлаши, беморда врачга бўлган ишончини қувватлаб туриши керак.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 6**

### **ШИФОХОНА ИЧКИ ИНФЕКЦИЯСИ, «ШАХСИЙ ГИГИЕНА» ҲАҚИДА ШИФОКОРНИНГ – БЕМОР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШИ.**

#### **ОҒИР БЕМОРЛАР – ТЕРИ, ШИЛЛИК ҚАВАТЛАРИ, СОЧЛАРИ ВА ТИРНОҚЛАРИ ПАРВАРИШИ.**

*1. Шифохона ички инфекцияси, «шахсий гигиена» ҳақида шифокорнинг – бемор билан мулоқот қилиши.*

*2. Шифохона ички инфекцияси ҳақида тушунча, шахсий гигиенанинг бемор соғлигини сақлашидаги ўрни.*

Шахсий гигиена — одам баданини (териси, сочи, оғиз бўшлиғи, тишларини), ич кийим ва ўрин-кўрпа анжомлари, кийимбоши, турар жойини озода сақлашни кўзда тутди. Шахсий гигиенага риоя қилиш соғайишга, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашга имкон беради.

**Беморнинг шахсий буюмлари гигиенаси.** Умуман олганда, беморнинг шахсий буюмлари тўплами ўртача миқдорда камайтирилиши керак. Шундай қилиб, иложи бўлса, янги фойдаланиладиган элементлардан ва янги ишлатиладиган нарсалар: эски китоблар ўрнига янги газета ва журналлар, қоғоз салфеткалари мато толаларининг ўрнига. Беморнинг шахсий буюмлари ёпиқ эшикли тумбаларда сақланади.

Беморнинг доимо ишлатиладиган шахсий буюмлари (кўзойнак, чандиқлар, сочлар, тиш чўткаси, тиш пастаси, совун идишида совун, карларга эшитиладиган эшитиш мосламаси, қайчи ва бошқа ) дезинфекцияга қилинади. Зарурат туғилганда, беморга шахсий тиббий буюмлар берилади: чикиндилар учун идиш, тупуриш учун идиш ва ҳоказо. Бу идишлар ишлатилганидан кейин дарҳол хонадан олиб ташланади ва яхшилаб ювилади. Бемор муолажаси тугатилгандан сўнг, индивидуал парваришlash воситалари қабул қилинган усуллардан бирига кўра дезинфекцияланади.

Хирургия бўлимида беморлар жундан тайёрланган кийим-кечак ва оёқ-кийим кийиши мутлақо мумкин эмас, чунки бундай кийимларни дезенфекция қилиш ва уларни ювиб олиш кийин. Беморнинг шахсий нарсаларини кундалик кузатуви палата ҳамширалари ва катта ҳамшираси томонидан назоратда бўлади.

#### **Бемор ўрнини тайёрлаш қоидалари.**

Бемор ўрнини тайёрлаш учун оклик ва ўринбош анжомларининг комплекти бўлиши зарур, унга тўшак, жилдлари бўлган иккита пат ёки пар ёстик, чойшаб, кўрпа билан кўрпа жилди ва сочиқ киради. Каравотга юзаси силлиқ ва қаттиқ жун ёки пахта тушак қўйилади. Ёстикларга тоза ва дазмолланган жилдлар кийдирилади. Чойшаб ва жилдларни бурма ҳосил қилмайдиган қилиб ёзиш керак.

#### **Ўринбош ва ич кийимларни алиштириш қоидалари.**

Окликларни навбатдаги санитария ювиб-тарашидан кейин одатда 7—10 кунда бир марта алиштирилади. Оғир беморларда буни катта эҳтиёткорлик билан бажарилади. Беморни аста-секин каравот четига суриб қўйилади. Агар аҳволи имкон берса, ёнбоши билан ётқизилади, кир чойшабнинг бўш турган ярмини эни бўйлаб орқага томон ўралади, бўшаб қолган жойга эса ярми ўралган тоза чойшаб ёзилади (1-расм, а, б, в). Тоза ва кир чойшаб ўрамлари ёнма-ён ётади.

Сўнгра беморни чойшабнинг тоза ярмига ётқизилади, кирини йиғиштирилади, тозасини ёзилади ва шу билан чойшаб солиш тугалланади. Агар беморга ўринда ҳаракатлар қилишга руҳсат берилмаган бўлса, чойшабни бошқа усул билан алиштирилади. Аввалига беморнинг бошини бир оз кўтарилади, чойшабнинг бош томонини белга бурма ҳолида йиғилади, сўнгра оёларини кўтарилади ва шу тариқа белга чойшабнинг иккинчи учини йиғилади, шундан сўнг уни бемор тагидан эҳтиётлик билан чиқарилади. Айна пайтида иккинчи томондан узунасига иккита ўрам қилиб ўралган тоза чойшабни бел остига киритилади, сўнгра уни иккала томондан — бош ва оёқлар тагига ёзилади. Ич кийимларни алиштиришда муайян кетма-кетликка риоя қилиш керак қўйлакни елкадан юқорига кўтарилади, аввал бошдан, сўнгра қўллардан чиқарилади, уни тескари тартибда кийинтирилади — қўйлакнинг олдин енги, сўнгра бош томони кийилади (2-расм, а, б).

Оёқ-қўл касалликларида ёки шикастларида ич кийимни аввал соғлом оёқ-қўлдан, кейин касал оёқ-қўлдан ечилади. Кийимни тескари тартибда, яъни аввал шикастланган оёқ-қўлга кийилади. Бемор бадан терисини парваришlash қоидалари. Беморга қарашда бадан терисининг озода бўлишини таъминlash муҳим. Агар беморнинг ахволи қониқарли бўлса, у душ ёки гигиеник ваннага, кўксининг юқори қисмидан ташқари, бутун гавдаси билан тушади. Ётиб қолган беморларга маҳаллий ванна тайинланади, холос.

Масалан, бемор қўл ёки оёқларини сувга солади. Сув ҳарорати + 37 — 38° С бўлади, муолажа давомлиги кўпи билан 15 минут. Оғир ётган беморларнинг юзини илиқ сувга ҳўлланган пахта билан артилади (сув ҳарорати + 36 — 37°С). Баданни кир совунли илиқ сувга ҳўлланган булутча ёки сочиқ билан қисм-бақисм: бўйин, кўкрак, қўллар, қорин, сон, оёқларни навбат билан, муайян кетма-кетликда қизаргунча ишқаб артилади. Ўридан турмай ётадиган режимдаги беморларга эрталабки ювиниш учун тўшаги олдига илиқ сув ва тоғорача тутилади. Улар талабалар ёрдамида аввал қўлини, сўнгра юзи, бўйни ва қулоқларини, қўлтиқ соҳасини, чов бурмаларини, сут безлари остидаги бурмаларни, айниқса кўп терлайдиган ва семиз беморларда цунт билан ювадилар, акс ҳолда тери бурмаларида бичилишлар ҳосил булади.

Жинсий органлар ва орца чиқарув йули соҳаси айниқса ҳунт билан парваришlashни талаб этади. Юрадиган беморлар шу мақсадда сув оцими вертикал бўлган махсус унитазлардан фойдаланишади ёки бошқа усулда остини ювадилар, ётган беморларнинг остини эса суткасига камида 1 марта ювилади. Бунда бемор чаноги тагига клеёнка ёзилади. Тагга қўйиладиган судно тутилади ва тиззаларни букиб, оёқларни бир оз кериш таклиф қилинади. Оралиққа қўйгичдан илиқ сув ёки кучсиз калий перманганат эритмаси йўналтирилади. Сўнгра корнцанг билан қисиб олинган стерил пахта илиқ сув билан жинсий органлардан орқа чиқарув йўлига томон бир неча ҳаракатлар қилинади (4-расм). Бошқа пахта пиликчаси билан оралиқни қурилади. Ётиб қолган беморларда ётоқ яралар пайдо бўлиши уларни яхши парвариш қилмаслик оқибатидир.

**Беморнинг шахсий буюмлари гигиенаси.** Умуман олганда, беморнинг шахсий буюмлари тўплами ўртacha миқдорда камайтирилиши керак. Шундай қилиб, иложи бўлса, янги фойдаланиладиган элементлардан ва янги ишлатиладиган нарсалар: эски китоблар ўрнига янги газета ва журналлар, қоғоз салфеткалари мато шолаларининг ўрнига.

Беморнинг шахсий буюмлари ёпиқ эшикли тумбаларда сақланади.

Беморнинг доимо ишлатиладиган шахсий буюмлари (кўзойнак, чандиқлар, сочлар, тиш чўткаси, тиш пастаси, совун идишида совун, карларга эшитиладиган эшитиш мосламаси, қайчи ва бошқа ) дезинфекцияга қилинади. Зарурат туғилганда, беморга шахсий тиббий буюмлар берилади: чиқиндилар учун идиш, тупуриш учун идиш ва ҳоказо. Бу идишлар ишлатилганидан кейин дарҳол хонадан олиб ташланади ва яхшилаб ювилади. Бемор муолажаси тугатилгандан сўнг, индивидуал парваришlash воситалари қабул қилинган усуллардан бирига кўра дезинфекцияланади.

Хирургия бўлимида беморлар жундан тайёрланган кийим-кечак ва оёқ-кийим кийиши мутлақо мумкин эмас, чунки бундай кийимларни дезинфекция қилиш ва уларни ювиб олиш

кийин. Беморнинг шахсий нарсаларини кундалик кузатуви палата ҳамширалари ва катта ҳамшираси томонидан назоратда бўлади.

**Озиқ – овқат ва кийимларини беморларга тарқатиш гигиенаси.** Бўлим ўрта тиббиёт ходимлари томонидан хирургик беморлар учун шифохона идораси томонидан берилган овқатлар ва нарсалар узатишни қатъий назорат қилади. Ҳар бир бўлимда ҳар бир беморнинг диетали жадвали бўлган беморлар рўйхати келтирилган. Беморлар дам олаётган жойларда, қабул қилиш ва қабул қилиш пунктларида кўрсатмалар кўрсатилиб, беморларга юборилиши мумкин бўлган маҳсулотларни кўрсатувчи кўрсатмалар жойлаштирилади. Ҳар бир бўлимда дезинфекция қилинмаслиги керак бўлган эски китоблар ва сарфланмаган нарсаларни ўтказиш, маҳсулотлар учун тегишли сақлаш шароитларини тақиқланади.

Янги полиетилен пакетларда олинган юқори калорияли ва тез бузиладиган маҳсулотларни бир ва икки кунлик муддат ичида ортиқча вазн орттирмаслик ва озиқ-овқат билан заҳарланишининг олдини олиш мақсадида тақиқланади. Спиртли ичимликлар ва аччиқ овқатлардан мутлақо истисно бўлиши керак. Овқатни ёпик тумбаларда сақлаш қатъиян тақиқланади. Ҳамшира мунтазам равишда касалхонада тумбаларни ва музлатгичларни текшириши керак.

**Беморга ташриф буюриш гигиенаси.**

жарроҳлик булимида инфекцияни тарқалишини олдини олиш ва касаллик инфекциясини чегаралаш мақсадида қариндош-уруғлар билан беморнинг алоқаларини максимал даражада камайтириш тавсия этилади. Беморларни ва ташриф буюрувчиларни ҳимоя қилиш учун муайян қоидалар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши доимий назоратда бўлиши керак. Фойдаланувчиларнинг бемор палатасига киришлари биттадан ва махсус халат ҳамда бахиллалардан фойдаланиш кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари томонидан қатъий назорат остида амалга оширилиши лозим.

Меҳмонларга беморлар таъсир қиладиган хавф даражасини, айниқса, юқумли касалликлар каби минтақада эпидемия хавфини тушунтириши керак. Ўткир респиратор касалликларнинг юқори даврларида бўлимдаги беморларга ташрифлар иложи борича чекланган. Хирургик бўлимга ёш болалар билан ташриф буюриш тақиқланади.

Тўғридан-тўғри бевосита кириш фақат бўлимда ётадиган касалларга рухсат этилади. Реанимация бўлимида даволанаётган беморларни олдига кириш қатъиян маън этилади.

**БЕМОР ОҒИЗ БЎШЛИҒИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ҚОЙДАЛАРИ.**

Оғиз шиллик пардасида ва тишларда ҳосил бўладиган қараш, шунингдек овқат қолдиқлари тиш чўткаси ёки стерил доқа салфетка билан кечкурун ва эрталаб механик тозалаб турилади. Тиш чўткасини тиш оралиқларини овқат қолдиқларидан ва тишларнинг ўзини қарашдан тозалаш учун тишлар уқи бўйлаб юқори жағда — юқоридан пастга ва пастки жағда — пастдан юқорига томон юргизилади. Сўнгра тиш чўткасини илиқ тоза сув билан совунлаб ювилади, совун суртиб, кейинги гал фойдаланишга қадар қолдирилади. Қаттиқ овқатни чайнашда оғиз бўшлиғининг ўз-ўзидан тозаланиши юз беради. Оғир ахволдаги беморларда бу жараён бузилади. Оғиз бўшлиғини парвариш қилиш тиш чўткасидан фойдаланишда шиллик парда шикастланишининг олдини олиш, уни ишқалаш, ювиш ёки чайишдан иборат.

Тишлар ва тил 2% ли натрий гидрокарбонат эритмаси, 3% ли водород пероксид эритмаси, кучсиз калий перманганат эритмаси, физиологик эритмага ҳўлланган доқа ёки пахта пиликчали пинцет ёрдамида артилади. Ҳар бир тишни алоҳида-алоҳида, айниқса бўйин қисмини қунт билан артилади. Юқори жар тишларни артиш учун лунж шиллик пардасида орқа жағ тишлар сатҳида жойлашган цулоҳ олди безининг чиқарув йулига инфекция тушишининг олдини олиш учун лунжни шпатель билан обдан тортиб туриш лозим.

Оғир ахволдаги беморларда оғиз бўшлиғини ҳар гал овқатлангандан сўнг резина баллон ёрдамида ювилади. Бунинг учун оғизни артишда ишлатилган дори эритмаларидан фойдаланилади. Суюқликнинг нафас йўлларига тушиши учун беморни бошини бир оз энгаштириб ўтқазиланди. Бўйни ва кўксини клеёнка фартук билан бекитилади, иягига



эса буйраксимон тоғорачани тутиб турилади. Оғиз бурчагини шпатель билан тортиб турилади ва ўртача босимдаги суюқлик оқими билан аввал лаб бурмаларини, сўнгра эса оғиз бўшлиғининг ўзини ювилади қайд этади, яъни исми шарифини, оилавий ахволини, касбини, турар жойи ва иш жойини ёзиб қўяди.

Кейин бемор палатага жойлаштирилади, тиббий ҳамшира бемор тушганлиги туғрисида палата врачига, тунда навбатчилик қилаётган навбатчи врачга хабар беради.

Касаллик тарихи янги тушган касаллар папкасига солиб қўйилади. Кичик тиббий ҳамшира беморни унга ажратилган жойга жойлаштиради.

Беморнинг аксарият вақти тушакда ўтишини ҳисобга олиб уни қулай ва тоза тўшак билан таъминлаш керак.. Темир каравот осон ювилади, уни дезинфекциялаш осон.

Каравотни беморга ҳар томонлама яқинлашиш кераклигини ҳисобга олиб ва ёнидаги каравотдан камида 1,5 м масофада қўйиш керак. Каравотни у ёки бу томонга суриш учун у ғилдиракчали бўлиши керак. Беморга ҳар хил функционал ҳолатлар бериш учун функционал каравотлардан фойдаланилади. Каравот ёнида столча бўлиши шарт. Беморларнинг ўринбош анжомлари ва кийим-кечаклари ҳафтада бир марта, гигиеник ваннадан кейин алиштирилади. Айрим ҳолларда зарурат бўлганда, бир неча марта алиштирилади. Бўлимда оқликлар бир кеча-кундузга етарли даражада жамланган бўлиши керак.

Ўринбош анжомларини, айниқса оғи беморларга тиббий ҳамшира алиштиради. Ўринбошларни алиштиришнинг ҳар хил усуллари бор. Беморга юриш рухсат этилган бўлса, кичик тиббий ҳамшира ёрдамида унинг ўзи алиштириши мумкин. Тўшакда ётадиган беморларга уни алиштириш қийинроқ. Бунинг учун чойшабни бош томондан ўраб, юмалатиб оёқ томонидан олинади. Тоза чойшабни бинт каби икки томондан ўраб беморнинг думғазаси тагидан ўтказилади, кейин бош ва оёқ томонига қараб ёйилади. Ўринбош анжомларини икки киши алиштиради.

Беморнинг қўйлагини алиштириш учун белидан бошлаб қўйлак кўтарилиб турилади, бўйнига келтириб, қўллари баландга кўтарилади ва қўйлак эҳтиётлик билан бошидан чиқариб олинади. Кейин қўлларидан чиқарилади. Кийинтириш тескари тартибда амалга оширилади: олдин енглари кийгизилади, кейин бошидан ўтказилади ва бемор тагига ёйилади. Агар беморнинг қўли жароҳатланган бўлса, аввал беморнинг соғ қўлидан, кейин жароҳатланган қўлидан ечилади.

Оғир касалларда терини парвариш қилишга алоҳида аҳамият берилади. Ўзи юра оладиган беморлар ҳар куни эрталаб ювинадилар, тишларини тозалайдилар ва ҳафтада бир марта гигиеник ванна қабул қиладилар. Тўшакда ётган беморлар бадан терисини ҳар куни дезинфекцияловчи эритмалар билан артилади. Эритма бўлмаса, терини илиқ сувда ҳўлланган латта билан артиш мумкин.

Тиббий ҳамшира беморнинг бурун, кулоқлари ва кўзларини ҳам парваришлаб бориши керак. Бемор тумов бўлса унинг рўмолчасини тез-тез алиштириб туриш керак. Бурун қанотларига вазелин суртилади. Кулоқ бурмаларини, унинг орқасини илиқ сувда совунлаб ювилади ва қуруқ қилиб артилади. Кўзни ҳар куни юз юваётганда ювилади. Бунда борат кислотанинг эритмасидан фойдаланиш мумкин. Ҳамшира яна сочлар тозалигини назорат қилиб бориши керак. Оғир касаллар бошини 7—8 кунда камида бир марта ювиш керак. Ҳамшира беморнинг чотини юва билиши керак. Ювишда калий перманганат ёки бошқа дезинфекцияловчи эритмалар ишлатилади. Бунинг учун корнцанг ва пахта керак бўлади. Бемор тагига (тоғорача) судно қўйилади. Чап қўлга эритма тўлдирилган кўзачани, ўнг қўлга зарасизлантилган пахта қистирилган қискич (корнцанг) олиб жинсий органларни орқа чиқарув тешиги томон ювилади, кейин ихуруҳ пахта билан артилади.

Беморларни ваннада чўмилтириш учун уни бемор ўтиргунча сув билан тўлдириш керак. Сув ҳароратининг бир хил бўлиши учун уни аралаштириб турилади. Заифлашган беморлар учун ярим ванна тайёрланади, яъни бемор ўтирганда сув оёқларини ва қорнининг пастки қисмини кумиб туриши керак. Агар беморга ванна тақиқланган

бўлса, уни душга туширилади. Бунинг учун ваннага тахта кўйилиб бемор унга ўтказилади. Улар ваннадаги каби бош қисмидан бошлаб ювинтирилади. Ювиниб бўлгандан кейин беморларга кўйлак, лозим, пайпоқ, шиппак ва халат берилади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 7**

### **ХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ШИФОКОРНИНГ – БЕМОР БИЛАН МУЛОКОТИ.**

#### **БЕМОРЛАРГА СУДНА, СИЙДИҚДОН ТУТИШ ВА УЛАРНИ ТОЗАЛАШ**

- 1. Хирургик операция тушунчаси, турлари бўйича шифокорнинг – бемор билан мулоқоти.*
- 2. Бемор билан мулоқотда операция моҳияти, унинг самараси, мумкин бўлган бўлган асоратлари ҳақида тушунчалар.*

Тиббиёт хамшираси беморни текширишда, уни турли хил операцияларга тайёрлашда, шифокор тайинлаган даво муолажаларини амалга оширишда, беморлар парваришида бевосита қатнашади. Бемор билан муомала қилган кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари бемор хаёлини: оғир ўй-фикрлардан ҳоли қилиши, чалғитиши, уни тетиклантириб, кўнглида соғайиб кетишга ишонч уйғотиши керак.

Бунда албатта беморнинг индивидуал хусусиятларини ва мазкур фурсатдаги ахволини ҳисобга олиш ҳам лозим; бир беморни чидаб туришга кўндириш керак бўлса («Сал оғрийдию, лекин кейин енгил тортасиз» — деб), бошқасини ҳар хил гап-сузлар билан андармон қилиш керак булади. Беморлар кўпинча ўрта ва кичик тиббиёт ходимларидан ўзининг диагнози ва қандай натижа билан тугагини сўрашади.

Беморнинг дарди бедаво бўлса, айниқса унда хавфли ўсма (рак) касаллиги бўлса, буни унга айтиш мутлақо ярамайди. Касалликнинг қандай яқунланишига келганда ҳамиша комил ишонч билан эсон-омон ўтиб кетади деб айтиш керак. Беморнинг олдида у яхши тушунмайдиган ва кўнглида ваҳима ва кўрқинч уйғотадиган: «шок», «агония», «қон туфлаш», «гематома», «коллпс» сингари ибораларни ишлатмаслик керак.

Наркотик уйқу ва ҳатто юзаки кома ҳолатидаги беморлар ҳам баъзан палатадаги гап-сузларни эшитиб, кўнглига тугиб кўйишини эсдан чиқармаслик керак. Чунки бемор кўнглига озор етадиган бўлса, бу унинг ахволини оғирлаштириб кўйиши, баъзи ҳолларда эса даволанишдан бош тортиб, ҳатто ўзини ўзи ўлдиришга уриниб кўришга сабаб бўлиши мумкин. Гоҳо «беморлар бетоқат, даводан кўнгли тўлмай, гумонсирайдиган бўлиб қолишади, уларда эс-хуш айниб қолиши, галлюцинациялар, васваса бўлиб туриши мумкин. Ана шундай ҳолларда кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари сабр-тоқатли ва хушмуомала бўлишлари зарур. Бемор билан ҳеч қачон гап таллашиб ўтириш ярамайди, лекин даво чораларининг зарурлигини тушунтира олиш керак. Шу билан бирга ахволи унча оғир бўлмаган беморлар, одатда, интизомни, даво режимини бузадилар: палаталарда чекадилар, спиртли ичимликлар ичадилар. Бундай ҳолларда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари интизом бузилишига йўл қўймасликлари, қаттиққўл бўлишлари, аммо кўполлик қилмасликлари керак. Бемордан дардининг бедавولىгини ёки ахволининг оғирлашиб қолганини яширган ҳолда буни унинг қариндошларига ётиги билан тушунтириш керак. Бироқ улар орасида ҳам бемор одамлар бўлиши мумкин, шуни ҳисобга олиб, улар билан гаплашганда ниҳоятда эҳтиёткор ва андишали бўлиш керак. Беморни кўргани келган одамлар билан гаплашишдаи олдин врач билан маслаҳатлашиш керак.

Айниқса телефонда гаплашганда эҳтиёт бўлиш, хусусан бирор жиддий хабарни айтмаслик, балки шифохонага келиб врач билан шахсан гаплашиш кераклигини тушунтириш лозим. Аксарият ҳолларда беморнинг қариндошлари бўлимда бўлмаган дори-дармонларни топишда ўз ёрдамларини таклиф этадилар. Бундай таклифни мулойимлик билан» лекин қатъиян рад этмоқ керак. Дори-дармонлар билан таъминлаш даволаш муассасаси маъмуриятининг бевосита вазифаси ҳисобланади ва зарур бўлганда

хар қандай дорини расмий йўл билан топиш мумкин. Тиббиёт ҳамшираси ўз малакасини доимо ошириб бориши лозим. Даволаш муассасасидаги умумий муҳит бунга ёрдам бериши керак.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 8**

### **ХИРУРГИК БЕМОРЛАРНИ КУЗАТИШ ВА ДАВОЛАШДАГИ МУОЛАЖАЛАРИ. ИЧАК ВА СИЙДИК ОҚМАЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР ПАРВАРИШИ.**

**Хирургик беморларни қабул қилиш қоидалари.** Касалхонага қабул қилинаётган беморлар, антропометрия текширувларидан ўтади. У тана параметрларини ўлчашдан иборат. Тиббиёт ходимлари беморлар оғирлигини ўлчайди (одатда, оч қоринга, эрталаб, қовуқ ва тўғри ичакни бўшатгандан кейин). Бу иш алоҳида аҳамиятга эга. Патологик жараённинг динамикасини кузатиш учун фойдаланилади. Мисол учун, тана массасининг ошиши шишларнинг кўпайганлигини билдиради, унинг камайиши эса, етарлича овқатланмаётганлигини, яллиғланиш процесси оғир кечаётгани ва ҳақозаларни билдиради. Кейинги антропометрик кўрсаткич, бўй баландлигини ўлчаш, тана массасини билган ҳолда, тана массаси индексини, идеал тана массаси ва бошқаларни ҳисоблаб топиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар кучли таъсир кўрсатувчи дориларни тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. Қабул бўлимида аниқланадиган кейинги кўрсаткич кўкрак қафасининг айланаси ҳисобланади. Бу кўрсаткич тери ости ёғ тўқимаси ва скелет тизимининг умумий ҳолатини акс эттиради.

**Беморлар қабул қилинганда санитар ишловдан ўтишлари керак.** Тўлиқ санитар ишлов бериш беморни ваннада ёки душ остида ювинтириш, ич кийимларини дезинфекциялаш ва дезинсекциялаш, шунингдек, хонага санитар-гигиеник ишлов беришни ўз ичига олади.

Қисман санитар ишлов бериш – танани қисман ювишни ва ич кийимларни алмаштиришни ўз ичига олади. Беморларга бошқа ич кийим берилганидан сўнг, улар шу ич кийимда бўлимга киришади. Ҳозирги вақтда бу қоидага доим ҳам амал қилинмайди, асосан махсус ва ҳарбий шифохоналарда ушбу одат сақланган. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб беморлар шифохонага келишдан олдин ювинишади ёки душ қабул қилишади.

Қабул қилинувчи беморлар ваннада ёки душ остида ювинтирилади. Дастлаб, ваннага 0,5% хлорли эритма ёки 1-2% хлорамин эритмаси билан ишлов берилади. Кейин ваннани иссиқ совунли сув билан яхшилаб ювиб, тўлдирилади. Ваннадаги сув ҳарорати тахминан 42 даража бўлиши керак.

Ҳаддан ташқари буғланишнинг олдини олиш учун, олдин совуқ сув ваннага қуйилади, сўнгра иссиқ сув қуйилади. Беморларнинг аҳволи оғир бўлганда, улар ваннадаги скамейкага ўтирғизилади ва устидан сув қуйилади.

Тана қисмларини ювиш кетма-кетлиги:

- бош ювилади;
- қўл ва кўкрак қафаси;
- чот ораси, қорин соҳаси ва бел;
- оёқлар.

Санитар ишлов бериш ва антропометриядан сўнг беморлар тиббий ходимлар билан биргаликда кўриқдан ўтказиш хоналарига борадилар ва шундан сўнг ташҳис қўйиш ва даволаш тактикаси белгиланади.

Қабул қилиш бўлимининг шифокорлари ўрта тиббиёт ходимлари билан биргаликда касаллик тарихини тўлдирадилар (беморнинг стационар картаси). Унинг титул саҳифасида қуйидагилар мавжуд:

- фамилияси, исми, отасининг исми,
- ёши (ва туғилган санаси),
- яшаш жойи,

- беморнинг иш жойи,
- якин қариндошлари телефонлари ёки манзиллари,
- ногиронлик ҳақида гувоҳнома, дориларга аллергияси ҳақида, қон гуруҳи, касалликнинг бошланиш даври (фавкулдда касалхонага ётқизилганлар учун) тўғрисида эслатма.

• Юборган муассасанинг диагнози, қабул қилингандаги дастлабки диагноз, клиник диагноз ва унинг қўйилган санаси киритилади.

Титул варақда бемор анамнезида вирусли гепатити борлиги, ундан олинган нарсаларда ва беморнинг ўзида педикулёз белгиларининг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар махсус ёзиб қўйилади.

Бемор шифохонадаги тартиб қоидалар билан танишиб чиққанлиги ва уларни бузмасликка розилигини билдириб имзо қўяди.

Қабул бўлимининг шифокор-мутахассислари томонидан бемор кўриқдан ўтганида, улар тўплаган маълумотлар касаллик тарихига киритилади, кўшимча текшириш усулларини тайинлаш тўғрисидаги кўрсатмалар берилади.

Шифокорлар кўриқдан ўтказиш қоидаларига риоя қилишлари керак: Дастлаб инвазив бўлмаган усулларни қўллаш ва сўнгра уларнинг мураккабланиши бориши, оғирлашуви ва нархини ошишига қараб тайинлаш лозим. Минимал травматик усуллар доимо кўпроқ травмага олиб келадиган усуллардан олдин қилиниши керак.

Хирургик стационарга қабул қилинаётганларнинг ҳаммасида бажарилиши керак:

- умумий қон тахлили;
- RW -га (захмга) қон тахлили;
- флюорография;
- кексалар учун ЭКГ текшируви ҳам ўтказилади.

Қолган текширувлар аниқ кўрсатмалар бўйича бажарилади. Бунинг учун қабул бўлимининг шифокори қўл остида мавжуд:

- рентген хонаси,
- ультратовуш текшируви хонаси,
- эндоскопия бўлими,
- фавкулдда лаборатория ва бошқалар.

Навбатчи бўлим шифокори зарур бўлганда консултация учун шифохона бўлимларидан мутахассисларни таклиф қилиши мумкин.

Режа бўйича қабул қилинадиган беморларни стационар даволанишга юборган поликлиникаларда текширувдан ўтказиш керак. Улар қўлида ултратовуш, умумий тахлиллар, рентгенограммалар ва бошқа текширувлар натижалари билан қабул бўлимига келишади.

Оғир аҳволда бўлган, гомеостазнинг беқарор кўрсаткичлари билан келган беморларга биринчи тиббий ёрдам қабул бўлимида кўрсатилади.

**Хирургик касаллар транспортировкаси.** Зарур бўлганда, беморни қабул бўлимидан дарҳол жарроҳлик ёки реанимация-анестезиология бўлимига ёки операция хонасига транспортировка қилиш мумкин.

Беморларни транспортировкаси шифокор томонидан белгиланади ва беморнинг аҳволига ва касалликнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Мустақил равишда ҳаракатлана оладиган беморлар ҳамшира ёки санитарка билан бирга пиёда хирургик бўлимга боришади. Оғир беморлар каталка ёки кресло-каталка ёрдамида, ётган ҳолда транспортировка қилинади.

Беморларнинг тўғри транспортировкаси асоратларни олдини олади. Шунинг учун **хирургик беморларни транспортировкасининг қуйидаги усуллари ажратилади:**

1. Бош суяги синишларида бемор транспортировкаси носилканинг (9амбилнинг) бош қисми туширилган ҳолатда, бемор орқасига ётган ҳолда, ёстикларсиз амалга оширилади. Боши атрофига одеал ёки кийимдан ёстик ясаб қўйилади.

2. Бемор умуртқа поғонаси синганда белига шит (тахта) кўйиб транспортировка қилинади. Мабодо, носилкалар (замбиллар) оддий бўлса бемор қорнига ётқизилади. Умуртқа поғонасининг бўйин қисмининг ёпиқ шикастларида бош ва бўйин нарвонсимон шиналар билан иммобилизация қилинади ва юмшоқ, кўп пахта сақлайдиган боғлам бўйин атрофига кўйилади.
3. Қўлнинг синиши ва чиқишларида қўлни транспорт шиналар ёрдамида кўкракка кўйиб бинтланади ёки унинг остига ёстиқ кўйилади
4. Оёқлар синганда синган соҳа остига тахланган одеал кўйилади
5. Қовурғалар синганда беморга ярим ўтирган ҳолат берилади
6. Чанок суяклари синганда бемор “қурбақа” ўтиришида ўтиради – орқага ўтирган, тизза букилган ва кенгайтирилган, тизза остига ёстиқча кўйилади (ёстиқ ёки тахланган одеал)
7. Оёқ ёки қўллардан қон кетаётганда, жгут ва транспорт иммобилизацияси кўйилгандан кейин жароҳатланган қўл ёки оёққа юқорига кўтарилган ҳолат берилади ва шу ҳолатда транспортировка қилинади.
8. Кўкрак қафаси шикастланганда беморни ярим ўтирган ҳолатда тиззаси остига одеал кўйган ҳолда транспортировка қилинади.
9. Қорин шикастланганда ва ички қон кетишларда қорин олдинги деворлари мушаклари бўшашиши учун бемор орқасига ётқизилади, оёқлари остига одеал кўйилади, кўп қон йўқотилганда эса бош ҳам туширилади
10. Куйган беморларни куймаган тана қисми билан ётқизишга ҳаракат қилинади. Куйган соҳа стерил марли ёки чойшаб билан ёпиб кўйилади.
11. Ҳушсиз беморлар қорнига ётқизилган пешона ва кўкрак остига ёстиқ кўйилган ҳолатда ёки қусганда аспирациянинг олдини олиш мақсадида ёнбошга ётқизилган ҳолатда транспортировка қилинади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 9**

### **НАРКОЗ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ, АСОРАТЛАРИ БЎЙИЧА ШИФОКОРНИНГ БЕМОР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШИНИНГ АХАМИЯТИ.**

#### **ОҒИР БЕМОРЛАРНИ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ВА БУРУН БЎШЛИҚЛАРИ ПАРВАРИШИ**

### **НАРКОЗ**

**Наркоз** (юнон. наркосис- карахтлик)- сунъий йўл билан (баъзи кимёвий моддалар ва бошқа омиллар таъсирида) ҳосил қилинадиган чуқур уйқу ҳолати, бунда киши оғриқни сезмайди, скелет мушакларини бушаштиради, ихтиёрий ҳаракат қила олмайди, эс-хуши бутунлай ёки қисман йўқолади. Буларнинг барчаси битта ёки бир нечта умумий анестетикларнинг киритилиши билан боғлиқ бўлиб, беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва тиббий процедура турига қараб оптимал дозада ва уларнинг комбинацияси анестезиолог томонидан танланади.

Анестезиянинг асосий мақсади организмнинг жаррохлик аралашувига, биринчи навбатда оғриқ хисларига бўлган таъсирини секинлаштиради.

Анестезия ўтқизишда шуни ҳам таъкидлаш керакки, юрак уришлар сонининг купайиши(тахикардия), артериал қон босимининг ошиши (артериал гипертензия) билан характерланадиган жаррохлик жароҳатига нисбатан организмнинг вегетатив (автоматик) реакциясини сўндиришга қаратилган. Вегетатив реакцияларни сундиришга оғриқсизлантириш ёки аналгезия дейилади.

Анестезиянинг учинчи компоненти – миорелаксация ёки мушаклар бўшашиши бўлиб, бу жаррохлар ишлаши учун қулай шароит яратади. Оғриқ билан курашиш асосий вазифа ҳисобланиб: оғриқ бўлмаса физиологик химоя механизмлари ҳам ишга тушмайди. Анестезиологнинг асосий вазифаси- бу каби воқеалар ривожининг олдини олиш.

#### **Классификация.**

➤ Умумий наркоз билан асаб тизимига таъсир қилувчи омиллар ҳақида: наркознинг асосий тури фармакодинамик наркоз ( бир ёки бир неча фармакологик дориларни қўллаш).

Бундан ташқари электронаркоз ва гипнонаркоз мавжуд. Бирок, улардан фойдаланиш жуда чекланган

➤ Ишлатиладиган дори сони бўйича:

- Мононаркоз- наркоз сифатида бир хил воситадан фойдаланиш
- Аралаш наркоз- бир вақтда бир неча хил дори воситадан фойдаланиш
- Комбинацияланган наркоз- наркоз учун турли воситалар ёки уларнинг моддалар билан комбинацияси, организмнинг айрим функцияларига танлаб таъсир этиши учун фойдаланилади.

Охиргисини кўп компонентли наркоз деб ҳам атайдилар.

➤ Операциянинг турли босқичларида фойдаланишига қараб:

- Кириш наркози- қисқа муддатли, тезкор бошланиб қўзғалувчанлик фазаси булмаган наркоз. Беморни тез уйқуга киритиш ва шунингдек, асосий наркотик препарат миқдорини камайтириш учун ишлатилади.

- Сақлаб турувчи наркоз- бутун операция давомида ишлатиладиган умумий анестезия. Агар асосий наркозга бошқа модда қўшилса бу қўшимча тури дейилади.

- Асосий наркоз- умумий наркоз тури бўлиб, бунда ишлатиладиган асосий наркоздан олдин ёки бир вақтда анестетиклар қилиниб асосий наркотик воситанинг миқдори камайтирилади.

### **Наркоз турлари.**

➤ Ингаляцион- дори воситасини киритиш нафас йуллари орқали амалга оширилади. Газларни киритиш усулига қараб қуйидагиларга ажратилади:

- Ниқобли
- Эндотрахеал
- Эндобронхиал

➤ Парентерал (томир ичига, мушак орасига, ректал)

➤ Комбинирланган наркоз (оғриқсизлантириш турли наркотик воситаларнинг изчил қўлланилиши ва уларни киритиш усуллари ёрдамида эришилади).



### **Наркоз босқичлари.**

Замонавий анестезиологияда наркозга енгил киритиб ва чиқариш учун хавфсизроқ бўлган дори воситалар ишлатилмоқда. Анестезиолог бир вақтда бир нечта хил гуруҳга (бензодиазепинлар, барбитуратлар, пропофол, ингаляцион анестетика) мансуб дори воситалардан фойдаланиб беморда кўзгалувчанликни ва ноқулайликни йўқотади. Бунда наркознинг босқичлилиги клиникада намоён бўлмайди ва уни фақат кенгайтирилган мониторингда кўриш мумкин (ЭЭГ, тренд АД).

Академик мақсадда классик эфир мононаркозининг қуйидаги босқичлари фарқланади:

- I — анальгезия босқичи ;
- II — кўзгалиш босқичи;
- III — жаррохлик наркози босқичи:
- 1- даража (III) — юзаки наркоз,
- 2- даража (III) — енгил наркоз,
- 3- даража (III) — чуқур наркоз,
- 4- даража (III) — ўтачуқур наркоз:
- IV — агонал босқич.

### **Наркознинг абсолют қарши кўрсатмаси.**

Умумий анестезияга абсолют қарши кўрсатма йўқ. Агар бемор шошилиш жаррохлик амалиётига мухтож бўлса унда умумий анестезия қилинади. Саналган барча абсолют қарши кўрсатмалар маҳаллий анестезия ва режали жаррохлик амалиётида умумий наркозни ишлатишга таалуклидир.

- Гормон етишмовчилиги бўлган касалликларда
- Ички органларнинг декомпенсирланган патологиясида (юрак-кон томир тизими, паренхиматоз аъзолар)
- Эндокрин тизимининг дукомпенсирланган патологиясида
- Юрак ритмининг бузилишида, сабабидан қатъий назар
- Бронхиал астманинг оғир босқичида
- Ўтказилган миокард инфаркти холати ёки бош мианинг қон билан таъминланишининг ўткир бузилишида
- Ўткир алкоголь ёки наркотик захарланишда

### **Наркоз мақсадида ишлатиладиган баъзи дори воситалар.**

Тарихда уларнинг кашфиёти ва қўлланилиши тартибида:

- Этил спирти
- Азот оксиди (Dinitrogen oxide)
- Диэтил эфир
- Хлороформ
- Гидроксидиона натрия сукцинат
- Фторотан
- Кетамин
- Изофлюран<sup>[en]</sup>
- Севофлюран<sup>[en]</sup>
- Ксенон
- Пропофол
- Десфлюран

### **Наркознинг асоратлари.**

Қуйидаги асорат турлари мавжуд:

- Нафас олиш тизимининг бузилиши (гипоксия).
- 1. Гиперкпния
- 2. Ларингоспазм

### 3. Бронхоспазм

- Юрак-қон томир тизмида бўладиган бузилишлар.

1. Артериал гипотензия
2. Артериал гипертензия
3. Ўткир миокард инфаркти
4. Ўпка шиши
5. Ўпка артерияси тромбоэмболияси

- Бошқа асоратлар.

1. Ўткир буйрак етишмовчилиги
2. Терморегуляциянинг бузилиши
3. Аллергик реакциялар
4. Интернаркоз уйғаниш

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 10

### **БЕМОРНИ ОПЕРАЦИЯ ОЛДИ ДАВРИДА ШИФОКОР ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МУОЛАЖАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. ОҒИР БЕМОРЛАРНИ КЎЗ ВА ҚУЛОҚЛАРИ ПАРВАРИШИ.**

Беморлар кўпинча ўрта ва кичик тиббиёт ходимларидан ўзининг диагнози ва қандай натижа билан тугадини сўрашади. Беморнинг дарди бедаво бўлса, айниқса унда хавфли ўсма (рак) касаллиги бўлса, буни унга айтиш мутлақо ярамайди. Касалликнинг қандай якунланишига келганда ҳаммиша комил ишонч билан эсон-омон ўтиб кетади деб айтиш керак. Беморнинг олдида у яхши тушунмайдиган ва кўнглида ваҳима ва кўрқинч уйғотадиган: «шок», «агония», «қон туфлаш», «гематома», «коллапс» сингари ибораларни ишлатмаслик керак. Наркотик уйқу ва ҳатто юзаки кома ҳолатидаги беморлар ҳам баъзан палатадаги гап-сузларни эшитиб, кўнглига тугиб қўйишини эсдан чиқармаслик керак. Чунки бемор кўнглига озор етадиган бўлса, бу унинг ахволини оғирлаштириб қўйиши, баъзи ҳолларда эса даволанишдан бош тортиб, ҳатто ўзини ўзи ўлдиришга уриниб кўришга сабаб бўлиши мумкин. Гоҳи «беморлар бетоқат, давондан кўнгли тўлмай, гумонсирайдиган бўлиб қолишади, уларда эс-ҳуш айниб қолиши, галлюцинациялар, васваса бўлиб туриши мумкин. Ана шундай ҳолларда кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари сабр-тоқатли ва хушмуомала бўлишлари зарур. Бемор билан ҳеч қачон гап таллашиб ўтириш ярамайди, лекин даво чораларининг зарурлигини тушунтира олиш керак. Шу билан бирга ахволи унча оғир бўлмаган беморлар, одатда, интизомни, даво режимини бузадилар: палаталарда чекадилар, спиртли ичимликлар ичадилар. Бундай ҳолларда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари интизом бузилишига йўл қўймасликлари, қаттиққўл бўлишлари, аммо қўполлик қилмасликлари керак. Бемордан дардининг бедаволигини ёки ахволининг оғирлашиб қолганини яширган ҳолда буни унинг қариндошларига ётиги билан тушунтириш керак. Бироқ улар орасида ҳам бемор одамлар бўлиши мумкин, шуни ҳисобга олиб, улар билан гаплашганда ниҳоятда эҳтиёткор ва андишали бўлиш керак. Беморни кўргани келган одамлар билан гаплашишдаи олдин врач билан маслаҳатлашиш керак. Айниқса телефонда гаплашганда эҳтиёт бўлиш, хусусан бирор жиддий хабарни айтмаслик, балки шифохонага келиб врач билан шахсан гаплашиш кераклигини тушунтириш лозим. Аксарият ҳолларда беморнинг қариндошлари бўлимда бўлмаган дори-дармонларни топишда ўз ёрдамларини таклиф этадилар. Бундай таклифни мулойимлик билан» лекин қатъиян рад этмоқ керак. Дори-дармонлар билан таъминлаш даволаш муассасаси маъмуриятининг бевосита вазифаси ҳисобланади ва зарур бўлганда ҳар қандай дорини расмий йўл билан топиш мумкин.



Тиббиёт хамшираси ўз малакасини доимо ошириб бориши лозим. Даволаш муассасасидаги умумий муҳит бунга ёрдам бериши керак.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 11**

### **БЕМОРНИНГ РУХИЙ ХОЛАТИ - ТУШКУНЛИК, ШОК, ҚУРҚУВ, ҒАМ - АНДУХ, ХАЯЖОН ХОЛАТЛАРИДА ШИФОКОРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. ҚУСАЁТГАН БЕМОРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ**

*1. Операциядан кейинги даврида шифокор томонидан олиб бориши лозим бўлган парвариш муолажаларининг ахамияти.*

*2. Бевосита бемор ва беморнинг ота-онасига операциядан кейинги парвариш ҳақида тушунча бериш ва бажаришнинг бемор соғлигидаги ижобий ўзгаришлардаги ўрни.*

Беморларни булимда олиб юриш усулларини даволовчи врач белгилайди. Бу эса беморнинг умумий аҳволига боғлиқ булиб, замбилда, юмшоқ курси, курси-замбилларда, кўлларда олиб юрилади. Беморни, айниқса оғир ётган беморларни олиб юришнинг энг осон ва қулай усули — замбилда олиб юриш усулидир. Беморларнинг замбилдаги ҳолати ўзи учун қулай бўлиши (касалнинг мижозига, шикастланиш турларига, оғир-енгиллигига боғлиқ) керак. Беморларни каравотдан замбилга иккита ходим кўтариб ётқизади — бири боши, буйин, кўкрак соҳаларидан кутарса, иккинчиси бел ва сон соҳаларидан кўтаради. Беморларни олиб юришда бир хил горизонтал ҳолатда сақлашга ҳаракат қилинади. Зинапоядан пастга олиб тушишда замбилнинг олдинги қисми анча кутарилади. Зинапоядан юқрига олиб чиқишда эса беморнинг бош қисми олдинга булиб, замбилнинг пастки қисми кўтарилиб текис ҳолатга эришилади.

Операциядан кейинги беморларни, айниқса болаларни парвариш қилишда икир-чикирларнинг узи йуқ. Бунда ҳамма нарса врач кўрсатмаларини пухта бажариш, тана ҳарорати, артериал босим, пульс тезлиги, нафас олишни мунтазам ўлчаб-ҳисоблаб бориш; ичилган ва ажратилган суюқлик миқдорини, неча марта ич келиши ва ахлат характерный қайд қилиш муҳим. Операциядан кейинги жароҳат ҳолати устидан синчиклаб кузатиш, боғлам ёки пластирни текшириб кўриш, бемор аҳволидаги ҳар қандай ўзгаришларни ёзиб бориш, оғир бемор учун махсус карта тўлдириш ва врачга мунтазам ахборот бериб туриш лозим. Қон кетиши, юрак, нафас тухташи каби асоратлар пайдо бўлганда врач келгунча зарур ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Айниқса кичик ёшдаги болалар ўринда мажбурий вазиятда сабр-тоқат қилиб ётиш зарурлигини англаб етмайдилар. Шунинг учун бола операциядан кейин ўз саломатлигига путур етказмаслиги учун махсус чоралар кўришга тўғри келади. Шундай чоралардан бири беморни операциядан кейин ўринда қимирламайдиган қилиб ётқизишдир. Бунинг учун боланинг оёқ-кўлларини каравотга бинт ва пахтадан тайёрланган юмшоқ; манжеткалар ёрдамида боғлаб қўйилади. Зарурат бўлганда болани танасидан энлик юмшоқ; белбоғ билан боғлаб қўйилади. Бунда қаттиқ боғлаш сира мумкин эмас, чунки бу оғриқ кучайишига сабаб бўлади, веноз қон димланиб қолади. Тери билан манжетка орасидан бармоқ бемалол ўта оладиган бўлиши керак.

Маҳкамлаб қўйиш давомлилиги боланинг ёшига ва операциядан кейинги аҳволига боғлиқ. Операциядан дастлабки соатларда беморларда наркозга жавоб реакцияси

натижасида қусиш рўй беради. Шунга кўра операциядан кейинги беморларни шиоятда кунт билан кузатиб бориш лозим. Болада қусиш аломатлари пайдо бўлиши билан боланинг бошини ён томонга буриш, идиш тутиш, кусуқ массалари тушгандан сўнг оғиз бўшлиғини олдиндан тайёрлаб қўйилган стерил дока боғлам билан артиш керак. Қусиш такрорланиб туриши мумкинлигини ҳисобга олиб беморларни наркоздан бутунлай уйғонгунча ва қусиш тухтагунча кузатиб бориш зарур.

Операциядан кейин қаттиқ ташна бўладилар. Бола фақат врач рухсати билан у белгилаган миқдорда суюқлик ичиши мумкин. Болаларда операциядан кейинги яқин ўтган даврда оғриқ қолдиришга ҳаракат қилишнинг аҳамияти катта. Агар бола операцион жароҳат ёки бошқа жойдаги оғриқдан шикоят қилса, бу ҳақда зудлик билан врачга муурожаат қилиш керак.

Операциядан кейинги даврда касал боланинг умумий гигиеник парваришларнинг аҳамияти катта. Беморга операцион жароҳат соҳасини кир қилмай ёки ҳўл қилмай қўл ювиш, ювиниш, овқат ейишни ўргатиш лозим. Ўринда ётиб қолган катта ёшдаги беморларни ва илк гўдак ёшидаги болаларни тиббий ҳамшира кичик тиббий ходим билан бирга гигиеник жиҳатдан ювиб-тарайди.

Ҳамшира ҳеч қачон беморга ёки даволаниш жараёнида иштирок этмаётган бошқа шахсга касаллик тарихини кўрсатмаслиги керак. Тиббий ходимлар даволаётган шифокор рухсатисиз унинг касали ҳақида маълумот берганда нохуш ҳолатлар бўлгани кўп кузатилган.

«**Шифокор сири**» деган тушунча бўлиб, уни ҳеч ким бекор қилмаган. Тиббий деонтологиянинг энг жиддий муаммоларидан бири тиббиёт ходимлари ва жамият ўртасидаги муносабатдир.

Тиббиёт муассасаларида масъул ходимларни, тиббий муассасага моддий ёрдам кўрсатишга қодир бўлган саноат ва йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари ун ичига оладиган тиббий муассасаларда васийлик кенгашларини ташкил этиш зарур. Ўз навбатида, тиббий муассасалар корхоналар ходимларини даволаш ва диагностика қилиш бўйича мажбуриятларни олади.

Тиббий ходимларнинг корпоратив этикасини, шифохонада ҳар хил мутахассислардан ташкил топган жамоа ишлашини, тиббиёт муассасасининг ижобий баҳоланиши барча ходимларнинг яхши номидан келиб чиқишини унутмаслик керак.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 12

### ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРИДА ШИФОКОР ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ПАРВАРИШ МУОЛАЖАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. БЕМОРЛАР ТАНА ҲАРОРАТИНИ, ПУЛСИНИ ВА АРТЕРИАЛ БОСИМНИ ЎЛЧАШ.

1. Беморни операция олди даврида шифокор томонидан олиб борилиши лозим бўлган муолажаларнинг аҳамияти.
2. Бемор организмни физиологик оператив муолажага тайёрлаш моҳияти.
3. Бемор болани операцияга руҳий тайёргаликнинг аҳамияти.

**Жарроҳлик парвариш** – беморга унинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ва патологик шароитда ёрдам беришга мўлжалланган касалхонада шахсий ва клиник гигиенани амалга оширишдаги тиббий фаолият.

Шундай қилиб, **жарроҳлик ёрдамнинг асосий вазифалари қуйидагилардан** иборат:

- 1) бемор учун мақбул турмуш шароитларини таъминлаш, касалликнинг ижобий йўналишига ёрдам бериш;
- 2) шифокор тайинлаган муолажаларнинг бажарилиши;
- 3) беморни тиклашни жадаллаштириш ва асоратларни камайтириш.

Жарроҳлик парвариш **умумий ва махсусга** бўлинади.

**Умумий жарроҳлик парвариши** бўлимда санитария-гигиена ва тиббий-ҳимоя режимларини ташкил этишдан иборат.

**Санитария-гигиена режими**га қуйидагилар кирди:

1. Биноларни тозалашни ташкил қилиш;
2. Беморнинг гигиенасини таъминлаш;
3. Нозокомиал инфекцияни олдини олиш.

**Даволаш-ҳимоя режими:**

1. Бемор учун қулай муҳит яратиш;
2. Дори воситалари билан таъминлаш, уларнинг тўғри дозалари ва табиб томонидан белгиланган тартибда қўлланилиши;
3. Патологик жараённинг табиатига мувофиқ беморнинг сифатли овқатланишини ташкил этиш;
4. Беморларни муайян ва жарроҳлик аралашувга тўғри манипуляция қилиш ва тайёрлаш.

**Хирургик беморлар парвариши хусусиятлари қуйидагиларда ахамиятли:**

1. Касалликдан келиб чиққан органларнинг ва тизимларининг бузилишлари (патологик марказ);
2. Оғриқсизлантиришнинг зарурати ва оқибатлари; операцион травмалар.

**Сочни парвариш қилиш.** Беморларнинг кўпчилиги кундалик равишда сочларини парвариш қилишади, уларни шахсий тароқ билан тарашади. Бошқа беморлар тароқларидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Душ қабул қилиш пайтида барча беморлар бошларини ювадилар. Оғир беморлар сочларини ювиш ки

Қулоқ лобини тортиб, ун қулоққа пипетка ёрдамида 2-3 томчи спирт эритмали антисептик эшитиш гоштига томизилади, бош қилиб ташқи эшитувчи канални пахта билан ёпилди, ва 40-60 мин олиб ташланади.

Қулоқа 5-6 3 томчи спирт эритмасилик антисептик томизилади. ташқи эшитувчи канални пахта билан ёпилди. ( трундани қулоққа фақаткина ЛОР-врач қойишга ҳақли).

Мато спирт контсентратсияси 70%дан ошмаган спиртли антисептик билан намланган булиб, қулоқ орқасига ва юз қисмини қулоқ атрофига қойилади.

Қулоққа қуруқ докадан салфетка қойилади, бутун компресс қуруқ пахтали тампон билан ёпилади ва юмшоқ докадан бандаж қилинади.

Бу сомпресс 6-8 соатда орниқ қойимиди.

**Бурун бўшлиғига ғамхўрлик қилиш.** Агар бемор заиф бўлса ва бурун бошлигини ўз озод қила олмаса, ғамхўрлик қилиёткан одам ҳар қуни ҳосил бўлган қобикларни олиб ташлаши керак.

Бунинг учун бурун йўлларида вазелин ёғи, глицерин ёки ёғли эритма билан намланган трунд бурун бурчакларига мулойимлик билан киритилади ва 2-3 дақиқага қолдирилади, шундан сўнг айланма ҳаракатлар буруннинг таркибини улар билан бирга олиб ташлайди.

Беморга дасирмолчага буруни қоқиш таклиф қилинади.

Бурун тиқилиши билан 2-3 томчи адреналин ёки бошқа вазоконстриктор томизиш мумкин.

**Оғиз бўшлиғига ғамхўрлик қилиш.** Кундалик тишларини чўзиш ва оғзини чайиш имконияти бўлмаган беморларни, оғиз бўшлиғини мунтазам равишда соғломлаштириш керак. Касалга қулай шаройит яратилади ёки ён томонга бурилади; кўкрагига никоб қийдириб, уни пастки қисми безак билан ёпиштирилади; Унинг тиззасига лоток қўйилади. Корнтсанга маҳкамланган ва эчимларнинг бирига ҳоланган салфетка билан чапдан ўнгга ва юқоридан пастга ҳаракатлар билан тишларга ишлов берилади. Шпател билан тилнинг илдизини пастга суради, товушни ва тилни муолажа қилади.

Агар беморлар онгли бўлса, унда суюқликни лоток ичига тупуриш таклиф этилади, оғзини ювиш ва тартибни такрорлаш учун сув бериш тавсия этилади.

Агар бемор беҳуш бўлса, оғиз бўшлиғини ва мушак тўқимасини салфетка билан қуритилади. Барча ҳолатларда лаблар, тил ва оғиз мой билан ёғланган (ўсимлик, денгиз ўти, ит-гул ва бошқалар).

Агар бемор тилни олдинга сура олмаса – унда салфеткани учун қилиб, амалиёти тўлиқ давом эттирилади Касалнинг пахта тўпи билан ҳар бир озиклантиришидан сўнг, калта перманганат, захарли кислота, содали сув ёки қайнатилган сувнинг заиф эритмаси билан немлендирилмиш пинтлар ёки форсепслар билан сиқилиб, оғизнинг шиллиқ қаватида, тишлардаги овқатнинг қолган қисмини олиб ташланади

Докали тампонда тил, оғиз артилади ва ундан кеген жгиз чайилад. Оғиз бўшлиғини ўтирган ҳолатда ҳам ювишингиз мумкин.

Чиқариладиган протез кечқурин чиқарилади, совун билан ювилади ва бир стакан сувда сақланади.

Оғиз чайиш учун сода эритмаси (натрий гидрокарбонат), натрий карбонати, бор кислотаси, водород пероксиди (3% дан ортиқ бўлмаган эритма), калий перманганати (1 :1000) ва минерал сувлар қолланилади. Чайиш учун қолланиладиган суюқлик ҳарорати 20-40 °С бўлиши керак, беморга тупуруш учун махсус идиш берилади.

Оғиз ва тилнинг шиллиқ қавати глитсерин ёки ромашка дамламаси 1%ли бор эритмаси билан намланган бир парча марля билан артилади.

Ювишдан ташқари, аппликасия ва сонасияда ҳам фойдаланиш мумкин.

Аппликасия – дезинфектсияли фурацилин эритмасига намланган стерил марляни 3-5 минут давомида қўйиш. Бу муолажани бир кунда бир неча марта такрорланилади.

Сонасия Жане шприси ёки эсмарх кружкаси билан амалга оширилади.

Ярим иш ҳолатида, беморнинг кўкрагига клеенка қўйилади, беморга унинг қўлига лоток берилади, у ияк остига қўйилади чайилган сув оқиб тушиши учун.

Шпател ёки қошиқни дастагини навбатма-навбат, чапга, сўнгра ўнг ёноққа, парваришловчи ва оғиз бўшлиғи чайилади.

Эсмарч купаси беморнинг бошидан 1 метр баландликда бўлиши керак.

**Тери парвариши.** Тавсия этилган кесма ҳудудида инфекцион ўчоқ мавжудлиги режалаштирилган оператсияга қарши кўрсатма ҳисобланади ва фавқулудда шошилиш чоралар юзага келганда, прогноз ёмонлашади.

Кўпинча, айниқса, кекса беморларда тери бурмаларида қўлтиқ ва чотда замбуруғли флора сабаб дерматитларни коришимиз мумкин. Пре-оператсион вахтда, барча бу жараёнларга кундалик гигиеник ваналар ёрдамида барҳам берилиши шарт, зарарланган тер бурмалари спирт билан артилиши керак. Нйстатин ва Леворин сақловчи кукунли воситаларини суриш зарур. Ётоқ ярани профилактикаси учун тананинг бир хил жойларида ётиб қўймаслик учун ҳар 4 соатда уларнинг танаси ҳолатини ўзгартириш керак.

**Тирноқларни парвариш қилиш.** Тирноқлар майда қайчи билан қисқартирилади, спирт ёки 0,5% хлорамин эритмаси билан муомала қилинади.

**Беморни ювиш.** Ҳафталик гигиеник ҳаммомни қабул қилмайдиган беморлар, шунингдек сийдик ва нажасни ушлаб туришдан азоб чекаётганлар кунига бир неча марта ювилиши керак.

**Беморни ювиш учун керак болади:**

1. Иссиқ сув, дезинфектсияли эритма (калий перманганатнинг заиф эритмаси, фурацилин, ривранол ва бошқалар);
2. корнтзанг, стерил пахта тўпи;
3. кленка;
4. тўшак.

**Жараённинг техникаси:** 30-35 ° С ҳароратда эритмани тайёрланилади, бемор тиззалари букилган ҳолда ётади, думба остига клеенка ва судно қўйилади. Чап қўл билан, парваришловчи идишни ушлаб туради, ундан оралиқ майдонига дезинфектсияли эритма қўйилади. Ўнг қўл билан пахта шарик билан 1-2 марта жинсий органлардан анусга йўналтирилади, кейин пахта ташлаб юборилади. Жараён 2-3 марта такрорланади. Курук пахта тўпламлари билан терини худди шу йўналишда артилади. Чив бурмаси вазелин ёғи ёки чақалоқ кукун билан ишлов берилади. Лезёнлар вазелин ёғи ёки чақалоқ креми билан ёғланади.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 13

### ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРИ БЎЙИЧА ШИФОКОРНИНГ БЕМОР БИЛАН МУЛОҚОТИ. ХАНТАЛ, КОМПРЕСС ВА ИСИТГИЧЛАР ҚЎЙИШ.

#### Хирургик беморларни овқатлантириш

Овқатланиш организмнинг муҳим физиологик эҳтиёжи ҳисобланади. У қуйидагилар учун зарур:

1. Тўқима ва ҳужайраларнинг тўхтовсиз янгиланиши ва қайта қурилиши
  2. Организмнинг энергетик сарфини ўрнини тўлдириш учун
  3. Қабул қилинган маҳсулотлар натижасида организмда гормон, фермент ва бошқа моддалар алмашинувида қатнашувчи ҳаёт учун муҳим регуляторлар ҳосил бўлиши учун
- Моддалар алмашинуви ҳужайраларнинг функцияси ва структураси, тўқима ва органларнинг овқатланиш характериға боғлиқ.

Овқатланиш – мураккаб жараён бўлиб, ҳазм қилиш, сўриш ва организм учун керак бўлган маҳсулотларни етказиб бериш жараёнларидан иборат.

Соғлом овқатланиш- бу даволаш ва кунлик энергия сарфини тўлдириш учун илмий асосланган овқатланиш тартиби ҳисобланади.

Мувозанатлаштирилган овқатланиш – истеъмол қилинадиган озиқ –овқатлар таркибидаги оксиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва сувнинг бир- бириға мутаносиб равишда бўлиши ҳисобланади.

Овқатлантириш тартибини мувофиқлаштириш қуйидагиларни қамраб олади:

1. Мунтазам овқатланиш
2. Овқатланишни кун давомида тақсимлаш
3. Овқатланишнинг сони ва улар орасидаги вақтларни мувофиқлаштириш

Бунинг учун қуйидагиларға амал қилиш тавсия этилади:

- Овқатни куннинг маълум вақтида истеъмол қилиш
- Кунда 4 мартаба овқатланиш
- Овқатланганда унинг таркибий қисмиға эътибор бериш

Оқсилға бой озиқ- овқатлар асаб тизими қўзғалувчанлигини оширганлиги сабабли уларни куннинг биринчи ярмида яъни инсон фаол ҳаракатда бўлган даврда истеъмол қилиш маъқул. Акс ҳолда уйқуни қочиради ёки чуқур уйқу ҳолати юзаға келишиға тўсқинлик қилади.

Ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзи ва ратсионал овқатланиш тамойилларига амал қилган ҳолда қатор оғир касалликларнинг олдини олиши мумкин. Ҳақиқатда ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнги маълумотларига кўра, инсон саломатлиги 10 % ҳолларда тиббиётға, 20% ҳолларда унинг наслиға, 20 % ҳолларда ташқи таъсирларға , 50% ҳолларда еса, унинг ҳаёт тарзи ва одатларига, шу жумладан овқатланиш тартибига боғлиқ.

Озиқ- озиқат маҳсулотлари организмни мўтадил даражада ушлаб турувчи манбаа ҳисобланади. Таом қабул қилиш миқдори ва сонининг кўпайиши овқат ҳазм қилиш маркази қўзғалувчанлигини камайтиради ва иштаҳани сусайтиради. Кунда 4 мартаба овқатланганда тахминан 600-700 ккал биринчи нонуштаға, 300-400 ккал иккинчи нонуштаға, 900-1000 ккал тушликка, 600-700 ккал кечки овқатға тўғри келиши лозим. Ёши 50 дан ошган кишилар истеъмол қиладиган озиқ-овқатларнинг калорияси 2500-2600 дан ошмаслиги ва ёғ ҳамда шакар миқдори кескин чегараланиши керак.

Шу ўринда кечки овқат уйқудан камида 2-3 соат олдин истеъмол қилиниши лозим. Гўшт ва балиқдан тайёрланган маҳсулотлар асосан ерталаб ва кундузи истеъмол қилиниши лозим. Кечки овқат таркибида ош тузи кескин чегараланиши, кўпроқ сутли таомлар бўлиши мақсадға мувофиқ. Чунки улар уйқу вақтида организмнинг физиологик фаоллигини

ўзгартирмайди. Улардан фарқли ўлароқ тузли ва гўштли овқатлар юрак- қон томир ҳамда нафас тизимига салбий таъсир кўрсатиб, қон босимини, юрак уриши ва нафас сонини пасайиши эмас, аксинча кўпайишига олиб келади.

Қуйида озиқ – овқат маҳсулотларининг 100 граммнинг қуввати- килокалорияларда келтирилган:

- Апельсин- 144 ккал
- Анор-83 ккал
- Анжир-74 ккал
- Беҳи- 7 ккал
- Банан – 36 ккал
- Хурмо- 67 ккал
- Лимон- 29 ккал
- Мандарин -53ккал
- Олма- 52 ккал
- Ўрик – 48 ккал
- Бақлажон – 25 ккал
- Бодринг – 15 ккал
- Картошка – 58 ккал
- Лавлаги- 43 ккал
- Помидор- 25 ккал
- Пиёз -40ккал
- Редиска- 16 ккал
- Сабзи- 41 ккал
- Шолғом -16 ккал
- Кўк пиёз-32 ккал

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 14**

### **ТЕРМИНАЛ ХОЛАТДАГИ ОҒИР БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШДА–БЕМОРНИ**

### **АХВОЛИ ҲАҚИДА ХАБАР.**

### **МАХАЛЛИЙ МУЗ ХАЛТА ҚЎЙИШ.**

1. Терминал ҳолатдаги оғир беморларни олиб боришида–беморни ахволи ҳақида хабар.
2. Терминал ҳолатда ётган беморлар ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш ва яқин қариндошлари билан мулоқот.

Болага касаллиги вақтида парвариш қилиш кўп жиҳатдан унинг натижасини белгилайди. Парвариш қилиш кўлами беморнинг ёши ва ҳолатига, касаллик характерига, унга тайинланган режимга боғлиқ. Парвариш бўйича ҳамма вазифалар палата тиббий ҳамширалари зиммасига юкланади. Улар шу ишларни бажаришга масъулиятли ҳисобланадилар. Тиббий ҳамширалардан ташқари, парвариш ишига қисман касал болаларнинг оналари (одатда курак ёшидаги болалар ва оғир ётган болаларнинг оналари), шунингдек тиббиёт олий билимгоҳларининг қуйи курсларида уқийдиган талабалар жалб этилади.

Хирургик касалликлари бўлган болаларни парваришда уларни операциядан олдин тайёрлаш, операция қилиш ва операциядан кейин боқиш муҳим аҳамиятга эга. Хирургик бўлимга тушадиган беморларнинг кўпчилиги операция қилинади. Операциядан олдинги давр улар касалхонага тушган вақтдан бошланади, бу давр ичида ҳамма нарса операция хавфини камайтириш, асоратларнинг олдини олишга қаратилади. Сирасини айтганда операциядан олдинги давр операциядан олдинги

тайёргарлик деган гапдир. Бу вақт ичида турли орган ва системаларнинг функционал ҳолати ўрганилади (бемор комплекс текширилади) ва операцияга тайёргарлик курилади. Бу даврдаги тадбирларни ҳар қандай операциядан олдин албатта ўтказиладиган умумий ва айрим операцияларнинг ўзида ўтказиладиган махсус турларга бўлиш мумкин. Болаларни планли операцияларга умумий тайёрлаш.

Чов ва киндик чурраси, мойк пардалари истискоси, крипторхизм, улчами кичикрок хавфсиз ўсмалар каби хирургик касалликлари бўлган беморларни касалхонага келган кунининг эртасига операция қилинади. Бундай ҳолларда болада операциядан олдинги зарур лаборатория текширувлари поликлиникада госпитализациядан олдин утказилади. Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органларидаги, буйрак ва синдик чиқарув йўлларидаги катта операциялар, шунингдек айрим ортопедик операциялардан олдин, махсус диагностик текширувлардан ташқари, бола организмнинг асосий, ҳаётий муҳим функциялари ҳолати аниқланади ; Буйрак,

жигар функцияси, айланиб юрган қон ва унинг таркибий қисмлари ҳажми, плазма ва эритроцитлардаги асосий электролитлар даражаси, азот баланси, гормонал аҳволни аниқлашнинг аҳамияти катта, шунингдек қон ивиш ва ивишга қарши системаларининг ҳолатини билиш муҳим. Шунга мувофиқ ҳолда беморларни операциядан олдин тайёрлаш болалар хирургик бўлимларининг ихтисослигига кўра ўз хусусиятларига эга. Операциядан олдинги асосий текширувларга: боланинг бўйи ва гавда оғирлигини ўлчаш, артериал босимни аниқлаш, қон ва сийдикнинг клиник анализи, қон группалари ва резус-омилни аниқлаш, кукрак қафаси органлари рентгенографияси киради. Қон биохимиявий

кўрсаткичларини назорат қилган ҳолда қуйидаги даволаш тадбирлари тайинланади: мақсадга мувофиқ ва кучли овқатлар, қон ва бошқа суюқликлар ва озикли аралашмалар қуйиш, витаминлар, аминокислоталар, даволаш физкультураси тайинлаш ва б. Тайёргарлик баъзан бир неча ҳафтага чўзилади. Унинг таъсирчанлиги тўғрисида умумий аҳволнинг яхшиланиши, қон кўрсаткичлари, гавда оғирлигининг ошиб бориши бўйича хулоса чиқарилади. Шунинг учун ҳам кўрсатмаларнинг мунтазам бажарилиши устидан кузатиб бориш, бола оғирлигини вақти-вақтида ўлчаб туриш керак. Болани операцияга психологик тайёрлашнинг ҳам аҳамияти катта. Болалар операциядан хавотирландилар ва кўрқадилар ва кўпинча: «Мени операция қилишларини истамайман» ёки «Мени қачон операция қилишмоқчи?»,— деган саволларни берадилар. Бундай болалар оғрик сезгиларини ёмон кўтарадилар. Шунинг учун уларни операцияга қунт билан тайёрлаш, ҳатто дори-дармонлардан дам фойдаланиш, ота-онасини чақиртириш лозим. Тиббий ҳамшира боланинг ёмон кайфияти туғрисида врачга ўз вақтида хабар бериши ва беморга операциянинг муҳимлиги ва зарурлигини мулойимлик билан тушунтирмоғи керак.

Ўта сезувчан, аллергия ва астма хуружларига мойиллиги бўлган болаларга кўшимча равишда тинчлантирадиган (триоксазин, седуксен), антигистамин (дипразин, димедрол) препаратлар тайинланади. Операциядан олдин кўркув босадиган катта ёшдаги болаларга врач ухлатадиган препаратлар (фенобарбитал, люминал, барбамил ва б.) тайинлайди. Операциядан олдин инфекция хавфини камайтирадиган тадбирлар кўрилади: гигиеник ваннага тушиш, ич

кийим ва ўринбош оқликларини алиштириш, катта ёшдаги болаларда эса қилинажак операция майдонидаги сочларни қириш шулар жумласига киради. Операция кун кечкурун ва эрталаб тозалаш клизмаси қилинади.

Эрталаб болага овқат ва ичимлик берилмайди, чунки болаларда деярли ҳамма операциялар умумий оғриксизлантириш (наркоз) остида ўтади ва бир неча қултум сув қусишга сабаб бўлиши мумкин, бу эса бемор ҳаёти учун хатарлидир. Операциядан 30—40 минут олдин ҳамма ҳолларда дори-дармонлар берилади — премедикация қилинади, бу нерв системаси фаоллигини, наркотик уйқу учун керак модда алмашинувини пасайтиради. Одатда тери остига промедол, атропин ва диме-

дролпинг ёшга яраша бир марталик дозаси юборилади. Болаларни планли операцияларга тайёрлаш кўп жихатдан хирургик касаллик характериغا ва боланинг ёшига боғлиқ; Болаларни торакал бўлимда операция қилишга тайёрлаш. Торакал хирургия бўлимига кукрак бўшлиғида жойлашган органларнинг турли-туман касалликлари бўлган болаларни жойлаштирилади. Уларга ўпка ва плевра касалликлари, юрак ва йирик томирларнинг туғма ва орттирилган ривожланиш нуқсонлари, кўкс оралиғининг хавфсиз ва хавфли ўсмалари, кизилунгачнинг ривожланиш нуқсонлари ва касалликлари киради. Ҳозирги вақтда торакал хирургия болалар бўлимининг амалда иккита кўриниши бор. Битта бўлимда ўпка, плевра, кўкс оралиғининг турли патологияси бўлган болалар ётадиган бўлим ва юрак-томирлар системасининг ривожланиш нуқсонлари ва касалликлари бўлган болалар ётадиган бўлим бўлади. Клиник текшириш методлари билан бир қаторда торакал хирургия бўлимида диагностиканинг турли-туман инструментал методлари кенг тарқалган. Улар орасида энг муҳимлари: бронхография, бронхоскопия, радионуклид диагностика, ангиокардиопульмонография ва ташқи нафас ва газ алмашинуви функциясини текшириш ҳисобланади. Тиббий ҳамшира бу текшириш методлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши керак, чунки у болани бевосита текширишга тайёрлайди, уни ўтказишда қатнашади ва муолажадан кейин беморнинг аҳволи устидан кузатиб боради.

Бронхография, трахеобронхиал шохни контраст текшириш.

Ҳар гал текширувдан кейин ишлатилган катетер ва шприцларни кунт билан ювиш, уларни стериллаш керак. Бронхографиядан сунг болани палатада каравотининг оёқ томонини бир оз кўтариб кўйиб горизонтал ҳолатда ётқизилади. Бронхографиядан кейин болаларга кўпроқ эйтибор билан қараш керак, уларга балғам кўчирадиган микстура, доимий кислород ингаляцияси тайинланади. Болага овқатни текширувдан 3—4 соат ўтгач берилади. Нафас қисганда ва цианозда зудлик билан врачни чақириш керак.

Пневмомедиастенография — кўкс оралиғида ўсмасимон тузилмалар борлиғига шубҳа бўлганда қўлланилади. Бу текширувни ёш болаларда наркоз остида, каттарок болаларда маҳаллий анестезия остида ўтказилади, бола текширувга қадар овқат емаслиғи керак. Агар текширув маҳаллий анестезия остида олиб борилса, 10—20 мл ҳажмли стерил шприцлар ва 0,25% ли новокаин эритмасини тахт қилиб қўйилади.

Болаларни йирингли жараёнлар сабабли ўпкада қилинадиган операцияга тайёрлаш беморларнинг умумий аҳволини яхшилаш, кўшимча инфекция учоқларини санация қилиш (кариоз тишлар, хроник тонзиллит, гайморит ва б.), ўпканинг дренаж функциясини яхшилашдан иборат, бунинг учун ҳар куни даволаш физкультураси ўтказилади, болага «дренаж» ҳолат берилади ва балғамни суюлтирадиган ва ўпканинг зарарланган бўлагини йирингдан яхшироқ тозалашга имкон берадиган протеолитик ферментлар билан ингаляциялар тайинланади.

#### БОЛАНИ ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИН ПАРВАРИШ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Операциядан кейинги беморларни, айниқса болаларни парвариш қилишда икирчикирларнинг узи йук. Бунда ҳамма нарса врач кўрсатмаларини пухта бажариш, тана ҳарорати, артериал босим, пульс тезлиги, нафас олишни мунтазам ўлчаб-ҳисоблаб бориш; ичилган ва ажратилган суюқлик миқдорини, неча марта ич келиши ва ахлат характерный қайд қилиш муҳим. Операциядан кейинги жароҳат ҳолати устидан синчиклаб кузатиш, боғлам ёки пластирни текшириб кўриш, бемор аҳволидаги ҳар қандай ўзгаришларни ёзиб бориш, оғир бемор учун махсус карта тўлдириш ва врачга мунтазам ахборот бериб туриш лозим. Қон кетиши, юрак, нафас тухташи каби асоратлар пайдо бўлганда врач келгунча зарур ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Айниқса кичик ёшдаги болалар ўринда мажбурий вазиятда сабр-тоқат қилиб ётиш зарурлигини



англаб етмайдилар. Шунинг учун бола операциядан кейин ўз саломатлигига путур етказмаслиги учун махсус чоралар кўришга тўғри келадн. Шундай чоралардан бири беморни операциядан кейин ўринда қимирламайдиган қилиб ётқизишдир. Бунинг учун боланинг оёқ-қўлларини каравотга бинт ва пахтадан тайёрланган юмшок; манжеткалар ёрдамида боғлаб қўйилади. Зарурат бўлганда болани танасидан энлик юмшок; белбоғ билан боғлаб қўйилади. Бунда қаттиқ боғлаш сира мумкин эмас, чунки бу оғриқ кучайишига сабаб бўлади, веноз қон димланиб қолади. Тери билан манжетка орасидан бармоқбемалол ўта оладиган бўлиши керак. Маҳкамлаб қўйиш давомлилиги боланинг ёшига ва операциядан кейинги аҳволига боғлиқ. Операциядан дастлабки соатларда беморларда наркозга жавоб реакцияси натижасида қусиш рўй беради. Шунга кўра операциядан кейинги беморларни шиоятда кунт билан кузатиб бориш лозим. Болада қусиш аломатлари пайдо бўлиши билан боланинг бошини ён томонга буриш, идиш тутиш, қусуқ массалари тушгандан сўнг оғиз бўшлиғини олдиндан тайёрлаб қўйилган стерил дока боғлам билан артиш керак. Қусиш такрорланиб туриши мумкинлигини ҳисобга олиб беморларни наркоздан бутунлай уйғонгунча ва қусиш тухтагунча кузатиб бориш зарур. Операциядан кейин қаттиқ ташна бўладилар. Бола фақат врач рухсати билан у белгилаган миқдорда суюқлик ичиши мумкин. Болаларда операциядан кейинги яқин ўтган даврда оғриқ қолдиришга ҳаракат қилишнинг аҳамияти катта. Агар бола операцион жароҳат ёки бошқа жойдаги оғриқдан шикоят қилса, бу ҳақда зудлик билан врачга муурожаат қилиш керак.

Операциядан кейинги даврда касал боланинг умумий гигиеник парваришлашнинг аҳамияти катта. Беморга операцион жароҳат соҳасини кир қилмай ёки ҳўл қилмай қўл ювиш, ювиниш, овқат ейишни ўргатиш лозим. Ўринда ётиб қолган катта ёшдаги беморларни ва илк гўдак ёшидаги болаларни тиббий ҳамшира кичик тиббий ходим билан бирга гигиеник жиҳатдан ювиб-тарайди.

Мунтазам равишда бемор танасини ҳўл сочиқ билан артиб ишқалаш, остини ювиш, курак ёшидаги болаларнинг йўрғагини янгилаш керак. Бу тадбирлар терида бичилиш ва ётоқ яраларнинг олдини олади. Оғир ётган беморлар ич кийимини тез-тез — ҳар кун ва шарт-шароитларга кўра (қусиш, ахлат, сийдик тегиши ва б.) кунига бир неча марта алиштирилади. Оғир ётган беморнинг чойшабини алиштириш ходимлардан муайян малака талаб қилади. Агар катта ёшдаги болага ёнбошига ўгирилишга рухсат этилган бўлса, аввал бошини оҳиста кўтариш ва боши тагидан ёстикни олиб қўйиши, сўнгра ёнбошга юзи билан каравот четига ўгирилишга кўмаклашиш керак. Ўринбошнинг бўш қолган ярмига кир чойшабни гардишсимон юмалатиб йирилади. Бўш қолган жойига ярмигача гардишсимон кўри-нпшдаги чойшабни қўйиш лозим. Сўнгра беморга чалқанча ётиш ва иккинчи ёнбошга бурилишга ёрдам берилади, шундан кейин бемор юз томони билан каравотнинг карама-қарши четига тоза чойшабда ётади. Шундан сўнг кир чойшабни йиғиштириб тозасини текис қилиб ёзилади. ёш болаларнинг урнини солишда ётган ҳолатида қўлда кўтариб турилади. Агар беморга актив ҳаракатлар қилишга рухсат этилмаган бўлса, чойшабни бошқа усулда алиштирилади. Кир чойшабни каравотнинг бош томонидан бошлаб беморнинг бошини ва гавдасининг юқори қисмини санитарка билан биргаликда кўтарган ҳолда йиғилади. Кир чойшаб ўрнига кундаланг қилиб ўралган тоза чойшабни қўйилади ва уни бўш қолган жойда ёзилади. Сўнгра тоза чойшабга ёстик қўйилиб унга беморнинг боши қўйилади. Иккита одам бемор чаноғини кўтаради, кир чойшабни каравотнинг оёқ томонига суриб унинг ўрнига тозасини ёзишда давом этилади. Шундан сўнг кир чойшаб олиб ташланади. Чойшаб алиштиришнинг ҳар иккала усули ҳам ходимларнинг чаққон даракат қилишларига карамай, беморни кўп безовта қилади ва шунинг учун баъзан уни каталкага олиб ётқизиш ва ўринбошини қайтадан ёзиш мақсадга мувофиқ; чунки бу иш билан икки кишининг шуғулланишига тўғри келади. Операциядан кейин болани парвариш қилишга қўйиладиган умумий талаблардан ташқари операциянинг қар хил турларига хос хусусиятлар дам мавжуд.

Торакал бўлимда беморларни парвариш қилиш. Операциядан кейинги даврда операциядан кейин эҳтимол тутилган асоратлар профилактикасига катта аҳамият берилади. Операциядан кейинги даврнинг энг хатарли асоратларидан бири ўпка ателектази, ўпка коллапси ва ўткир пневмония дисобланади. Операциядан кейинги даврнинг дастлабки кунларида операцион жароҳат соҳасидаги оғриқни қолдиришнинг аҳамияти катта. Оғриқ; ҳаракатларни чеклаб қўяди, нафас амплитудасини камайтиради, йўталишга имкон бермайди, бу операция қилинган ўпка бронхларида балғам йиғилишига олиб келади. Тиббий ҳамшира оғриқ синдроми устидан доимо кузатиб бориши ва оғриқ қолдирадиган воситалар таъсири тугаши билан врачга хабар қилиши лозим. Асоратларни профилактика қилиш мақсадида беморни каравотда ҳаракатлар қилишга, балғам туфлаб туришга ундашга тўғри келади, у билан даволаш физкультураси машғулоти олиб борилади.

Ўпка цисман резекция ҳилигандан кейин плевра бўшлиғи дренаж ва актив аспирация қилинади. Системада доимий манфий босим вужудга келтирилиб, уни манометр билан назорат қилинади. Боланинг ёшига кўра сув устунни ҳисобида 5—10 дан 40 см гача босимни қувватлаб турилади. Дренаж системанинг ишлаши-ни кунт билан кузатиш, ажралиб чиққан суюқлик миқдори ва характерини қайд қилиш, плевра бўшлиғидан ҳаво чиқишини назорат қилиб бориш зарур.

Ҳар кунлик иш жараёнида хирург

жуда ҳам моҳирлик билан иш тутиши зарур, чунки у хирургик бемор ва уларнинг қариндош-урурларига касаллик диагноздан тортиб токи операциягача ва ҳаттоки операциядан кейинги парвариш давригача бўлган муолажаларни усталик билан тушунтириб бермоғи лозим. Хирург учун шундай қийин дамлар бўладики, у барча тажриба ва имкониятларини ишга солиб, бемор ҳаёти

учун хавфли ва айни вақтда қилиниши зарур бўлган операцияларни бемор ва унинг қариндошларига етарли даражада тушунтира билиши керак. Хирургнинг эса бундай ишларни мукамал ҳал қилишига киришиши зарурий ҳолатдир. Бундай вазиятларда хирург бемор киши, унинг қариндош-уруғлари, коллектив ва ҳамкасблари олдидаги катта масъулиятни ҳамда маънавий жавобгарликни сезиши керак. Хирург фаолиятига таниқли хирург Л. Лериш катта баҳо бериб ёзган эдики: «Кимки бир минут ичида вазиятни баҳолай олмаса у хирург бўла олмайди, ҳар қандай операциядан олдин гумонсираб турса ишончсиз кишига ўхшаб қолади, қалб одамни ҳамма вақт олдинга ундаб туриши керак».

Одамлар орасида «қўли енгил хирург экан», «иши доим ўнгидан келади» деган ибораларни эшитамиз. Албатта, истеъдод билан билимни инкор этиб бўлмайди, ҳар иккаласи хирургда қўшиб олиб борилса «хирургик бахт»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Афсуски, шундайлар ҳам борки, улар ўзларининг хирургик фаолиятида фақат енгил хирургик беморларни танлаб операция қиладилар ва оғир хирургик беморлардан узокроқ бўлиб, шу тариқа обрў-эътибор қозонмоқчи бўладилар. Афсуски, бундай хирурглар халқ олдида ҳам, ҳамкасблари олдида ҳам шон-шуҳратга эга бўла олмайдилар. Н.И.Пирогов «хирург бахтини» тўрт нарсадан деб билади: биринчидан — касаллик ҳақида ишонч; иккинчидан — операция қилиш вақтини яхши белгилаш, куп ҳам эрта, ёки куп ҳам кечга қолдирмаслик, бемор кайфиятига яхши таъсир этиш, ундаги қўрқинч ва ишончсизликни йўқотиш; учинчидан — нафақат операцияни яхши бажариш, ҳатто унинг асоратларга олиб келмаслик чора-тадбирларини кўриш; тўртинчидан — кейинги даволаш жараёнини кунт ва матонат билан олиб боришдан иборат. Т. Бильрот хирург билан терапевт орасидаги фарқни қуйндагича исботлайди: «Врачи севадилар, хирургдан

кўрқадилар, демак биринчиси ўзининг рецепти билан бемор аҳволини енгиллаштиради, иккинчиси эса, аксинча, оғриқ олиб келади». Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги замон хирургияси оғриққа қарши кўп ютукқа эришсада, лекин кўп нарсалар ҳозиргача ҳам муаммолигича қолмоқда. Хирургнинг катта-кичик хирургик муолажалар бажаришидан

катъий назар, у ҳамма вақт касалга кам оғриқ келтириш йўллари йўлаши керак. С.И.Спасокукоцкий талабаларга лекция ўқиб турганида бемор ярасидаги боғлам ечилганда бир томчи қонни кўриб врачдан «Бу нима?» — деб сўраб, ўзи жавоб қилган экан: «Бу врачнинг нолаёқатлигидан грануляциянинг қон аралаш ёшидир».

Ҳозирги замон хирурглари асептика ва антисептика қоида ва қонунларига амал қилишлари шарт. Бу тўғрисида жуда кўп адабиётлар мавжуд, аммо хирургнинг хирург-субординаторларнинг ушбу асосланган методларга амал қилмасликлари, операциядан олдин қўллари шашма-шошарлик билан ювишлари, боғловхонада ярани «боғлаш жараёнида қўйилган хатолар асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хирург нафақат ишда, уй-рузғорда ҳам, ҳаётда ҳам қўлини ҳар хил ифлосланишлардан сақлаши керак. Очик, ҳимояланмаган қўл билан ховлида ишлаш, қўл териси шикастланишига олиб келадиган юмушлар бажаришда эҳтиёт бўлиши керак. Шундай ишлар бажарилган тақдирда ҳам дарҳол қўлни тозаловчи моддалар билан ювиш шарт. Ҳозирги замон хирургиясининг жадал суръатлар билан ривожланиб кетиши, айниқса трансплантология — одам аъзоларини кўчириб ўтказиш соҳасидаги америкалик жарроҳларнинг бирданига «юрак-ўпка», «юрак-ўпка-жигар» операцияларини бажаришлари медицина деонтологиясида ҳам бир қанча муаммоларни юзага келтирди. Хирург, реципиент ва донор ёки донор қариндош-уруғлари билан реципиент ўртасидаги муносабатлар шулар жумласидандир. Бутун оламга машҳур хирург Н.М.Амосов ҳам юракни кўчириб ўтказишга рухсат олгач автомобил ҳалокатидан ўлган ёш қизнинг юрагини олиб

касал беморга ўтказишни унинг қариндош-уруғларидан сўрашга журъат эта олмаган. Бу эса трансплантологияда деонтологиянинг қийин ва мураккаб ахлоқий вамаънавий масалаларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари, хирургияга янги асбоб-ускуналарнинг кириб келиши ҳам деонтология соҳасида мураккаб вазифаларни вужудга келтирди. Мисол тариқасида шуни айтиш керакки, сунъий қон айланиш аппаратини (АИК) хирургияда қўлланишида уни ишга тушириш учун врачлардан ташқари инженер-механиклардан иборат катта бир бригада ишлаши керак. Ҳар хил касб эгала-рининг бир тан, бир жон бўлиб ишлашларини таъминлаш ҳозирги шароитда қийин муаммолардан ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда хирургия соҳасидаги деонтология муаммолари ўз актуаллигини йўқотгани йўқ, аксинча, ҳар бир медицина ходимидан, айниқса, талабалардан, ҳаттоки ҳамширалардан ҳам ўз соҳасини жонкуяри, билимдони бўлишни талаб этади. Беморга тўлиқ ҳамдардлик қилинади, унинг ахволини тушунгандагина бемор билан тиббиёт ходими ўртасида давонинг наф беришига ишонч, самимий муносабат ўрнатилиши мумкин. Меҳрибонлик, маънавий ёрдам, самимийликнинг фойдаси дори моддалардан кўра кўпдир. Яъни ўтмишда тиббиёт ҳамширасини «шафқат ҳамшираси» деб бежиз айтишмаган. Азоб чекаётган одамга раҳм қилмайдиган, бепарво, худбин одамнинг тиббиёт муассасасида ишлашига йўл қўйиб бўлмайди. Тиббиёт ҳамшираси беморни текширишда, уни турли хил операцияларга тайёрлашда, шифокор тайинлаган даво муолажаларини амалга оширишда, беморлар парваришида бевосита қатнашади. Бемор билан муомала қилган кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари бемор хаёлини: оғир ўй-фикрлардан ҳоли қилиши, чалғитиши, уни тетиклантириб, қўнглида соғайиб кетишга ишонч уйғотиши керак. Бунда албатта беморнинг индивидуал хусусиятларини ва мазкур фурсатдаги ахволини ҳисобга олиш ҳам лозим; бир беморни чидаб туришга кўндириш керак бўлса («Сал оғрийдию, лекин кейин енгил тортасиз» — деб), бошқасини ҳар хил гап-сузлар билан андармон қилиш керак бўлади. Беморлар кўпинча ўрта ва кичик тиббиёт ходимларидан ўзининг диагнози ва қандай натижа билан тугагини сўрашади. Беморнинг дарди бедаво бўлса, айниқса унда хавфли ўсма (рак) касаллиги бўлса, бунинг унга айтиш мутлақо ярамайди. Касалликнинг қандай яқунланишига келганда ҳаммиша комил ишонч билан эсон-омон ўтиб кетади деб айтиш керак. Беморнинг олдида у яхши тушунмайдиган ва қўнглида ваҳима ва қўрқинч уйғотадиган: «шок», «агония»,

«қон туфлаш», «гематома», «коллапс» сингари ибораларни ишлатмаслик керак. Наркотик уйқу ва ҳатто юзаки кома ҳолатидаги беморлар ҳам баъзан палатадаги гап-сузларни эшитиб, кўнглига туғиб қўйишини эсдан чиқармаслик керак. Чунки бемор кўнглига озор етадиган бўлса, бу унинг ахволини оғирлаштириб қўйиши, баъзи ҳолларда эса даволанишдан бош тортиб, ҳатто ўзини ўзи ўлдиришга уриниб кўришга сабаб бўлиши мумкин. Гоҳо «беморлар бетоқат, даводан кўнгли тўлмай, гумонсирайдиган бўлиб қолишади, уларда эс-хуш айниб қолиши, галлюцинациялар, васваса бўлиб туриши мумкин. Ана шундай ҳолларда кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари сабр-тоқатли ва хушмуомала бўлишлари зарур. Бемор билан ҳеч қачон гап талашиб ўтириш ярамайди, лекин даво чораларининг зарурлигини тушунтира олиш керак. Шу билан бирга ахволи унча оғир бўлмаган беморлар, одатда, интизомни, даво режимини бузадилар: палаталарда чекадилар, спиртли ичимликлар ичадилар. Бундай ҳолларда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари интизом бузилишига йўл қўймасликлари, қаттиққўл бўлишлари, аммо кўполлик қилмасликлари керак. Бемордан дардининг бедаволигини ёки ахволининг оғирлашиб қолганини яширган ҳолда буни унинг қариндошларига ётиги билан тушунтириш керак. Бироқ улар орасида ҳам бемор одамлар бўлиши мумкин, шуни ҳисобга олиб, улар билан гаплашганда ниҳоятда эҳтиёткор ва андишали бўлиш керак. Беморни кўргани келган одамлар билан гаплашишдаи олдин врач билан маслаҳатлашиш керак. Айниқса телефонда гаплашганда эҳтиёт бўлиш, хусусан бирор жиддий хабарни айтмаслик, балки шифохонага келиб врач билан шахсан гаплашиш кераклигини тушунтириш лозим. Аксарият ҳолларда беморнинг қариндошлари бўлимда бўлмаган дори-дармонларни топишда ўз ёрдамларини таклиф этадилар. Бундай таклифни мулоқимлик билан» лекин қатъиян рад этмоқ керак. Дори-дармонлар билан таъминлаш даволаш муассасаси маъмуриятининг бевосита вазифаси ҳисобланади ва зарур бўлганда ҳар қандай дорини расмий йўл билан топиш мумкин. Тиббиёт ҳамшираси ўз малакасини доимо ошириб бориши лозим. Даволаш муассасасидаги умумий муҳит бунга ёрдам бериши керак.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 15**

### **ОҒИР ХИРУРГИК БЕМОРЛАРДА КИЙИМ–КЕЧАК ВА ОҚЛИҚЛАРНИ АЛМАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, ЁТОҚ, ЯРАЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ШИФОКОРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. БЕМОРЛАРГА ОВҚАТ ТАРҚАТИШ ВА ОВҚАТЛАНТИРИШ.**

#### **Чойшабларни алмаштириш**

##### **Керакли анжомлар:**

- 1. Тоза чойшаблар.
- 2. Кир чойшаблар учун клеёнкали қопча.

##### **Бажариш кетма-кетлиги:**

- ✓ Беморга чойшаблар алмаштирилиши огоҳлантирилади.
- ✓ Қўл ювилади ва қуритилади.
- ✓ Тоза чойшаб, ёстиқ жилд, клеёнкали қопча (кир чойшабларни жойлаш учун) олдиндан тайёрланади


##### **Беморда фаоллик тартиби ярим фаол бўлганда**

- ✓ Тоза чойшабни узунасига бураб, кравотнинг ярмигача олиб келинади.
- ✓ Бемор бошини аста-секин кўтариб, ёстиқ олинади.
- ✓ Бемор ён-бошига секин ўгирилади.
- ✓ Кир чойшаб беморга қараб узунасига буралади.
- ✓ Кетидан тоза чойшаб бураб борилади ва бемор тоза чойшаб устига ўгирилади.
- ✓ Кир чойшаб олиб ташланади ва тоза чойшабни текислаб, беморни қулай вазиятда ётқизилади.

- ✓ Чойшабнинг четлари тўшак тагига киритилади.
- Агар беморда фаоллик тартиби мажбурий ҳолат (қимирламай ётиш) бўлса**
- ✓ Тоза чойшаб бинт сингари энига буралади.
- ✓ Беморни аста-секинлик билан бош томони белигача кўтарилади.
- ✓ Ёстиқ олиб ташланади.
- ✓ Тезлик билан кир чойшаб кроватнинг бош томонидан бураб борилади, кетма-кет тоза чойшаб солиниб, ёстиқ қўйилади.
- ✓ Тоза чойшаб устига ёстиқ қўйилиб бемор боши туширилади.
- ✓ Беморнинг пастки томони, оёғи кўтарилади ва кир чойшаб аста-секинлик билан тортиб олинади, кетидан тоза чойшаб солинади.
- ✓ Беморнинг пастки томони ва оёғи туширилади.
- ✓ Чойшабнинг четлари тўшак тагига киритилади.
- ✓ Олдиндан ёстиқ жилди ва кўрпа усти чойшаблари алмаштириб олинади.
- ✓ Кир чойшаб ва чойшаблар клеёнкали қопчага солинади ва кир ювиш хонасига олиб борилади.

*Эслатма:*

- Чойшабларни ҳар 7-10 кунда алмаштирилади.
- Оғир ётган беморнинг чойшаблари тез-тез алмаштириб турилади.
- Оғир ётган беморларнинг чойшабларини тиббий ҳамишира ва унинг ёрдамчилари алмаштиради.



**2-расм. Оғир ётган беморнинг чойшабларини алмаштириш тартиби**

## **БЕМОРНИНГ ЎРИН-КЎРПАСИНИ ТАЙЁРЛАШ**

### **Бажариш кетма-кетлиги**

- Қўл яхшилаб ювилади ва қурилади.
- Кроватни, тумбочкаларни, деворни, тўшакни, 2 та ёстиқни, адеялни, клеёнкани, 2 та тоза ёстиқ жилдни, чойшабни, кўрпа оқлигини зарарсизлантириш учун 1% ли хлорамин эритмаси тайёрланади.
- Кроват, тумбочка, девор ҳар 15 минутда 1 % ли хлорамин эритмаси билан артилади.
- Кроват устига тўшак тўшалади ва устидан клеёнка солинади.
- Клеёнка устидан тоза чойшаб солинади ва чойшаб четлари тўшак орасига киргизилади.
- Ёстиққа ёстиқ жилди киргизилади.
- Ёстиқнинг бири пастроқ, иккинчиси баландроқ қилиб жойлаштирилади.
- Кўрпага чойшаб кийгизилади.
- Кроватнинг бош қисмига 2 та сочиқ осиб қўйилади.



### 3- расм. Беморнинг ўрин-кўрпасини тайёрлаш

Ётоқ яра ривожланишининг 4 боскичида клиник кўриниш:


- 1-терининг бутунлигини сақлаб турганда, босим тўхтаганидан кейин кейинги қаватларга ўтмаган
- 2 - терининг доимий гиперемияси; эпидермиснинг ажралиши; терининг яхлитлигини юзаки бузилиши.
- 3 - мушак пенетрацияси билан мушак қаватига қадар терининг некрози.
- 4 - барча юмшоқ тўқималарнинг ва суяк некрози

### ЁТОҚ ЯРАЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ (1-2 даража)

**Бажариш кетма-кетлиги:**

- ✓ Қўл ювилади ва қуритилади.
- ✓ Антисептик воситалар (камфора спирти, сиркали сув, ярим спиртли эритма, атир, арок) ёки илиқ қайнаган сув, салфетка, лоток, резина чамбарак тайёрланади
- ✓ Ётоқ яра пайдо бўлган соҳа кўздан кечирилади.
- ✓ Эритма ёки сувда ҳўлланган салфетка сиқиб олинади.
- ✓ Айланма ҳаракат билан тери қизаргунча артилади.
- ✓ Қолган тери соҳалари ҳам шу тарзда артилади. Салфеткалар алмаштирилиб турилади.
- ✓ Беморнинг ички кийимлари тўғрилаб қўйилади.
- ✓ Ётоқ яра пайдо бўлган соҳага резина чамбарак қўйилади.
- ✓ Беморга қулай шароит яратилади.

*Эслатма: муолажса ҳар 2-3 соатда ўтказилади.*



**7-расм. Ётоқ яралар кўп учрайдиган сохалар  
Ётоқ яраларини парваришлаш (3-4 даража)**

**Бажариш кетма-кетлиги:**

- ✓ Кўл ювилади ва қуритилади.
- ✓ Стерил лоток, боғлов ашёлари, стирил бинт, антисептика воситаси (5-10% ли калий перманганат эритмаси, 70% ли спирт, 1:5000 нисбатли фурацилин эритмаси, 3% ли перикис водород, яшил бриллианти, стирил скалпел, клей ёки лейкопластир) тайёрланади
- ✓ Муолажа вақтида врачга ёрдам берилади.
- ✓ Ишлатилган боғлов ашёлари зарарсизлантирилади.
- ✓ Зарарсизлантириш: боғлов ашёлари 3% ли хлорли оҳак эритмасига бўктириб қўйилади. Тиббий асбоблар 3% ли хлорли оҳак эритмасига 60 дақиқага бўктириб қўйилади, сўнгра чайилади.



**8-расм. Ётоқ яраларни парваришлаш**

**Певзнер пархез столлари.**

Диета1.Кўрсаткичлар: "ўткир" ошқозон яраси ва ошқозон яраси эпителизацияси даврида ўн икки бармоқли ичак яраси; сурункали гастродуоденитнинг кучайиши ёки тўлиқ клиник такомиллаштириш босқичида Овқатланиш - 5-6 марта, туз - кунига 8-10 г гача, болаларнинг ёшига боғлиқю

Диета1а, 1б ва 1 - пиширишнинг турли усулларини англатади: 1а - жуда қаттиқ механик ва кимёвий тозалаш, барча озиқ-овқат суюқ ва ярим суюқлик шаклида хизмат қилади; 1б - қаттиқ механик ва кимёвий ишлов бериш, пюре овқатларни; 1 - ўртача механик ва кимёвий сақлаш - кесиш, парчаланиш, қайнатиш, буғлатиш.

Диета2. Кўрсаткичлар: ўткир гастрит, сурункали гастрит, меъда ошқозонида секретия, энтерит ва колит, даволаш жараёнида (рационда) рационал овқатланиш.

Диета3. Кўрсаткичлар: Ичак тутилишининг оғирлашуви даврида сурункали ичак касалликлари ва тўлиқ клиник рекуссия.

Диета4. Кўрсаткичлар: ичакнинг ўткир ва сурункали касалликлари, ўткир ич кетиши ва оғир диспепси, малабсорбция синдроми.

Диета5.Кўрсаткичлар: сурункали гепатит, сафро йўлларининг бузилиши, холелитиаз, ўткир гепатит.

Диета6. Кўлланилиши: урат (ортиб сийдик кислота тузлари ишлаб чиқариш) ва ОКСАЛАТ нефропатиси (оксалат кислота тузлари ошганда).

Диета7. Кўрсаткичлар: экстерналенал белгилар ва нейтрал нефрит, буйраклар декомпенсациясининг белгилари. Диета7а, 7б, 7в буйрак касалликларида буйраклар этишмовчилиги белгиси билан кўлланилади. Бу протеинлар ва суюқлик чекловлари билан ёндошувидир.

Диета8. Кўрсаткичлар: семириб кетиш

Диета9. Кўрсаткичлар: қандли диабет. Сувда эрийдиган углеводлар бундан мустасно, хайвонларнинг ёғларини чеклаш. Озиқлантириш диетаси инсулин организмидаги этишмовчилик туфайли юзага келган метаболик касалликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Диета10. Кўрсаткичлар: юрак-қон томир касалликлари қон айланиши бузилиши билан.

Диета11. Кўрсаткичлар: анемия, чарчоқ ва реактивликнинг камайиши, турли хил септик жараёнлар, ўпка сил касаллигит

Диета12. Кўрсаткичлар: ўткир юқумли касалликлар, операциядан кейинги давр (кавитер операцияларидан ташқари).

Диета13. Ўткир инфекцион касалликларга

Диета14. Кўрсаткичлар: фосфатура (икки марта ажралган фосфорик кислота тузлари сийдик чиқаришининг кўпайиши).

Диета15. Бу парҳез даволашда озиқлантириш учун кўрсатмалар бўлмаса озиқ-овқат моддалари билан боланинг физиологик эҳтиёжларини таъминлаш. Энергия мазмунини, кундалик овқатланиш ҳажмини эга. турли мактаб учун маҳсулотлар тўплами (7-14 йил), мактабгача (4-6 ёш) ва бола (1.5-3 йил) асрларда мавжуд. Бу дифференциацияланган диетани амалга ошириш имконини беради

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ 16**

### **ХИРУРГИК БЕМОРЛАРДА–АМАЛИЁТДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ОИТС (СПИД) МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАХАТ БЕРИШНИНГ ЭТИК АСОСЛАРИ.**

#### **БЕМОРЛАРГА ОВҚАТ ТАРҚАТИШ ВА ОВҚАТЛАНТИРИШ**

1. Хирургик беморларда–амалиётдан кейинги даврда ОИТС (СПИД) масалалари бўйича маслаҳат беришнинг этик асослари.

2. Бемор билан мулоқотда ОИТС (СПИД) моҳияти, унинг самараси, мумкин бўлган бўлган асоратлари ҳақида тушунчалар.

#### **ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ**

ОИЦ (Орттирилган Иммуниетет Танқислиги Синдроми) даволанилмаган тақдирда ЎОИВ Ў(Одам Иммуниететтанқислиги вируси)нинг иммуниететни ишдан чиқишига йўл очган бир синдромдир. ОИВ ташиганларга, ОИВ мусбат деб аталади. ОИВ мусбат ва ОИТС фарқлидир. Ҳар бир ОИВ мусбат бўлган киши ОИТС лар орасига кўшилмайди. Ҳозирги кунда ОИВ мусбатлар турли хил йўллар билан даволаниб, ОИЦларни орасига кўшилмасдан яшаб келмоқдалар. ОИВ мусбат бўлган кишилар ортиқ ўлимларини кутмаяптилар. Ҳозирги кундаги даволаниш йўллари билан, ОИВ/ ОИТС ортиқ сурункали бир касалликдир. ОИВ вируси қонга юққандан сўнг бир неча йил давомида ўзини сездирмайди. Вирус юққандан сўнг тест қилдирилган тақдирда, фақатгина 3 ойдан сўнг тўғри жавобни кўрсатади.

Орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИЦ) ретровирус гуруҳига мансуб вирус кўзгатадиган касаллик; икки даврга бўлинади: ОИТВ инфекцияси ва бевосита ОИТС (СПИД) даври. ОИТВ инфекцияси даври одам организмида вирус бор, лекин касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр. Вирус деярли бир вақтда Парижда проф. Люк Монтане ҳамда АҚШда проф. Галло бошчилигидаги олимлар томонидан кашф етилган (1983 й.). Бу вирус одамнинг иммуниетет тизимига танлаб таъсир кўрсатади, айниқса, CD4+ иммун хужайраларига қирғин келтиради. Вирус одам организмига тушгач, 23 кундан сўнг, 25-30% ҳолларда бирламчи инфекция даврига хос аломатлар кузатилиши мумкин. Бу "ўткир



сероконверсия синдроми" деб аталади, бунда ҳарорат кўтарилади, тунда терлаш, бўғимлар ва бош оғриғи, лохаслик, қайт қилиш, ич кетиши, баданда, айниқса, унинг юқори қисмида тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Бу аломатлар одам организмига тушган вирус таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтариш реакцияси билан боғлиқ. Лекин бу даврда антителоларни аниқлаш натижа бермайди, чунки иммунитет тизимининг жавоби ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади. Касалликнинг бу даври 8-10 йилгача, баъзан ундан ҳам узоқ давом етиши мумкин.

Ҳозир кунда амалиётда ОИТВ инфекцияси ташҳисини қўйиш қонда касаллик вирусига қарши пайдо бўлган антителоларни аниқлаш □” иммун фермент тахлили (ИФТ) реакциясига асосланган. Дастлабки антителолар вирус организмга тушгач, 3 ҳафтадан сўнг шакллана бошласа ҳам, қўлланидиган диагностикалар уларни илғай олмайди. Шу боис, одамга ушбу инфекция илашгани тўғрисида вирус организмга тушганидан сўнг 90 кун ўтказиб олинган текшириш натижасига қараб ҳулоса чиқариш мумкин.

ОИЦ ОИТВ инфекциясининг якуний даври ҳисобланади. Вирус билан организм ўртасидаги кураш узоқ давом етиб, вируснинг устунлиги билан тугайди. Шу вақтдан ОИТС даври бошланади. Бу даврда одам организми ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини йўқотади. Жумладан, нафас, меъда ичак, сийдик йўлларида доимо мавжуд бўлган ва касаллик кўзгата олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг намоён бўлиши организмда юзага келган ОИТС ҳолати билан боғлиқ бўлгани учун, ушбу гуруҳга кирувчи касалликлар жамланган ҳолда ОИТС билан боғлиқ (ассоциирланган) инфекциялар деб аталади. Булар бактериал инфекциялар, замбуруғли касалликлар, вируслар кўзгатадиган касалликлар, Капоши саркомаси ва ҳ.к.

Касаллик вируси инфекция юққан одамнинг қонида, еркаклар шахватида, аёлларнинг жинсий аъзолари чиқиндиларида ва кўкрак сутида бўлади. Шунинг учун ОИТВ, асосан, уч хил йўл билан юқади: қон орқали, жинсий алоқа воситасида ва инфекция юққан онадан ҳомиласига вертикал йўл билан ўтади. ОИТС билан оғриганларнинг кўпчилигини наркоманлар (гиёҳвандлар), фоҳишалар, гомо ва бисексуаллар ташкил етади. ОИТС организмга жинсий алоқа, парентерал муолажалар (ностерил игна, шприц ва б. тиббий анжомлар ишлатилганда), инифицирланган қон ва унинг ўрнини босувчи дориларни қўллаш, аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш (трансплантация) вақтида, шунингдек, вирусни юктириб олган онадан ҳомиллага ҳомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва гўдак еми зиладиган бўлса, кўкрак сути билан юқиб қолиши мумкин. Ўзбекистонда ОИТВ/ОИТС билан боғлиқ масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТВ/ОИТС хизмати томонидан амалга оширилади. Республика ОИТВ/ОИТС маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ОИТВ/ОИТС маркази, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ОИТВ/ ОИТС марказлари ўз ҳудудларида ушбу соҳа фаолияти билан боғлиқ барча профилактик, эпидемиологик, лаб. текшируви, даволаш тадбирларини олиб боради. Ҳар бир марказ қошида ўз ихтиёри билан лаб. текшируви учун келганларни сир сақлаган ҳолда текширадиган аноним хоналар мавжуд. Мақсадли гуруҳларгиёҳвандлар ва секс ходимлари билан вирус юқиб қолишининг олдини олиш мақсадида ҳуфиёна иш олиб борадиган Ишонч пунктлари (ИП) ҳам ишлайди.

Профилактикаси. Ушбу инфекция кенг тарқалган касалликлардан бири бўлгани учун муҳофаза тадбирлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа вакиллари иштирокида олиб борилиши лозим. Ҳар бир йигит қиз бу инфекциянинг тарқалиш йўллари, унинг олдини оладиган тадбирлардан хабардор бўлиши ва ўзини ундан еҳтиёт қилиши керак.

Белгилари: ОИВ юққандан сўнг, ОИТС касаллигининг белгилари кишининг яшаш шароити ва иммунитетига қараб, 3-5 йил, баъзида ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгач намоён бўлади. ОИВ юққан вужудда ҳар хил ҳужайраларга, кўпроқ СД4+Т қон ҳужайраларига ерлашиб кўпаяди. Зарар кўрган СД4+Т ҳужайралари камайиб бориб иммунитет ўз кучини йўқота бошлайди. ОИЦга чалинган кишининг, одатта оддийгина бир нечакунда келиб кечадиган касалликларининг муддати анчагина узаяди, тузалиши қийинлашади. Лимфа безларида катталашиб, оғиз ва терида такрортакрор учук, яра тошиши, доғлар пайдо бўлиши кўрилади. Бемор, кечалари терлашга, иситмаси чиқишга, озишга бошлайди. Бир инсонда ушбу

белгиларда бир нечтаси пайдо бўлса, ўша инсоннинг ОИТС бўлган бўлиш еҳтимоли бўлади. Капоси Саркомаси ва лимфа касалликлари бўлса ОИВ нинг белгилар бўлиши мумкин. Буни аниқлаш учун антиОИВ тести қилинади. Ҳимояланиш: Бегона кишининг қонини олишдан олдин, унинг ОИТС тестидан ўтибўтмаганини албатта текшириш зарур. Ишлатилган ва Стирилланмаган игна, жарроҳий асбоблар, қайчи, стоматология асбоблари, акупунктур игналари ишлатилинмаслиги зарур. Бу каби асбоблар ишлатилишдан аввал албатта стерилланиши зарур. Бу каби асбобларни бирон бир кишига ишлатишдан аввал, у киши бу асбоблар ҳақида билмоқчи бўлган бутун саволларни мутахасисга сўраши зарур.

ОИВ мусбат бўлган бемор, ҳеч қачон бировга қон бермаслиги зарур.

ОИВ мусбат бўлган бемор, ҳеч қандай ҳимояловчи воситасиз жинсий алоқага кирмаслиги зарур.

Очиқ яралар, вужудга микроб/вирус/бактерияларни олиб кирмаслиги яра пластерлари ёки стирилланган пахта, дока кабилар билан бекитилиши зарур

**Жинсий Алоқа:** ОИВ жинсий алоқадан ҳам юқади. ОИВ мусбати бўлган бемор жинсий алоқада ҳимояловчи воситалардан фойдаланса, ОИВни жинсий алоқадаги шеригига юқтирмаслигига деярли бутунлай кафолат берилади. Жинсий алоқада ҳимояловчи восита (презерватив)дан фойдаланиш, ҳавфсиз жинсий алоқанинг биринчи шартидир. Қуриладиган жинсий алоқа, таҳликасиз деб билинса ҳам, презервативдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кўпчилик ОИВни фақатгина фоҳишаларда, гиёҳвандларда ва шунга ўхшашларда бўлади деб билганлари туфайли улардан ташқарида бўлган жинсий алоқада ҳимояловчи воситадан фойдаланмайдилар. Бироқ, бу тушунча янглиш бўлиб, ОИТС фақатгина бир ижтимоий гуруҳга оид касаллик эмасдир! Касалликнинг микроби бўлган ОИВ, жинс, ирқ, ёш танламаган ҳолда ҳаммага юқиши ва ҳаммада бўлиши мумкин. Жинсий алоқада презервативни тўғри ишлатишни билиш шарт. Презерватив жойлашган қутини очаётганда ўткир, кесувчи асбоблардан фойдаланиш, уни тақаётган кишининг тирноқларини узун бўлиши воситани йиртилишига ёки кесилишига сабаб бўлиши мумкин.

**Микроб нима?** Ер юзиде яшаётган энг кичик жонзотлар бўлган микроблар бир неча миллиард йилдан бери бор. Бироқ инсонлар уларнинг борлигини 1683 йилда билдилар. Ҳар хил линзалар яшаш ҳоббиси бўлган Голландиялик тижоратчи Антоний ван Левенгук бу линзалар билан ишлаётганда жуда кичик жонзотларнинг мавжудлигини аниқлади. Микробларнинг касалликларга йўл очганини эса, ундан 2 аср кейин, XIX асрнинг охирида билдилар. Микробларнинг жуда кўп турлари бор.

**Вируслар:** Вируслар энг кичик микроблар бўлиб, бир ҳужайрадан ҳам иборат эмаслар. Улар фақатгина генлардан иборатдирлар.

**Бактериялар:** Бактериялар вируслардан анча катта микробдирлар. Агар бир вирус инсон катталигида бўлганида еди, Бактерия Нью Йоркдаги "Озодлик Ҳайкали" катталигида бўлар еди. Кўпинча ўзларини устида яшаётган жонзотлар билан озиқланадилар. Бактериялар 3,5 миллиард йилдан бери мавжуддирлар.

ОИЦ ОИТВ инфекциясининг якуний даври ҳисобланади. Вирус билан организм о'ртасидаги кураш узоқ давом етиб, вируснинг устунлиги билан тугайди. Шу вақтдан ОИТС даври бошланади. Бу даврда одам организми ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини ё'қотади. Жумладан, нафас, ме'даичак, сийдик ё'лларида доимо мавжуд бо'лган ва касаллик қо'зг'ата олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг намоён бо'лиши организмда юзага келган ОИТС ҳолати билан боғ'лиқ бо'лгани учун, ушбу гуруҳга кирувчи касалликлар жамланган ҳолда ОИТС билан боғ'лиқ (ассоциирланган) инфекциялар деб аталади. Булар бактериал инфекциялар, замбуруг'ли касалликлар, вируслар қо'зг'атадиган касалликлар, Капоси саркомаси ва ҳ.к. Касаллик вируси инфекция юққан одамнинг қонида, еркаклар шахватида, аёлларнинг жинсий а'золари чиқиндиларида ва қо'крак сутида бо'лади. Шунинг учун ОИТВ, асосан, уч хил ё'л билан юқади: қон орқали, жинсий алоқа воситасида ва инфекция юққан онадан ҳомиласига вертикал ё'л билан о'тади.

**ОИТС (СПИД)** нинг дастлабки аломатлари.ОИВга чалинган кўплаб одамларда ОИТС аломатлари ва белгилари бир неча ой ёки ҳатто йиллар давомида учрамайди. Бошқаларда грипп ва шамоллашга ўхшаш аломатлар ривожланиши мумкин, улар одатда вирус юқгандан 26 ҳафта ўтгач кузатилади.ОИЦнинг биринчи белгилари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Иситма;

Ваража қилиш;

Бўғимлардаги оғрик;

Мушаклардаги оғрик;

Томоқ оғриши;

Терлаш (айниқса кечкурун);

Безларнинг катталашishi;

Қизил тошмалар;

Чарчок;

Заифлик;

Тана вазнини йўқотиш.

**Асимптоматик (белгиларсиз)** ОИТС Кўпгина ҳолларда ОИТСнинг дастлабки аломатлари йўқолиб кетганидан кейин кўп йиллар давомида кўшимча касаллик аломатлари кузатилмайди.Шу вақт ичида вирус ривожланиб, иммун тизими ва тана аъзоларига зарар етказишда давом этади. ОИВни репликациялашга қарши дори воситаларисиз ушбу жараён ўртача 10 йилгача давом этиши мумкин. Инфекцияланган одамда одатда ҳеч қандай аломат кузатилмайди, у ўзини яхши ҳис қилади ва соғлом кўринади.

ОИТСнинг ривожланган (сўнгги) босқичлардаги белгилари.Агар бемор даволанмаса, ОИВ инсоннинг инфекциялар билан курашиш қобилиятини заифлаштиради. Одам организми жиддий касалликларга қарши кураша олмайди. Ҳатто оддий шамоллаш аҳм жуда оғир шаклда кечади. Айнан ана шу босқич ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) деб аталади.

ОИВ инфекциясинининг охириги даврлардаги аломатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Кўришнинг хиралашиши;

Ич кетиши, одатда доимий ёки сурункали;

Қуруқ йўтал;

Ҳароратнинг бир неча ҳафта давомида 37 ° С дан юқорилиги;

Кечки терлаш;

Мунтазам чарчок;

Нафас қисилиши;

Бир неча ҳафта давом етадиган безларнинг катталашishi;

Вазн йўқотиш;

Тилда ёки оғизда оқ тошмалар пайдо бўлиши.

ОИВ инфекциясининг охириги босқичларида ҳаётга хавф туғдирадиган касалликларни ривожланиш хавфи анча юқори. Одатда ҳаёт учун хавфли касалликларни, ОИВ ни даволашни учун керак препаратлардан ташқари, тегишли доридармонлар билан бошқариш, олдини олиш ва даволаш мумкин.

ОИВ ва ОИТС ҳақида афсоналар ва ҳақиқатлар

ОИВ ва ОИТС ҳақида кўплаб нотўғри тушунчалар мавжуд. Вирус қуйидаги ҳолларда юқмайди:

Қўл бериб кўришиш;

Қучоқлашиш;

Кундалик ўпишлар (агар оғизда яралар бўлмаса);

Акса уриш;

Тери билан алоқа;

Сочикларни бирга ишлатиш;

Рўзгор буюмлари (қошиқ, пиёла, коса ва ҳоказо).

ОИВ ва ОИТС диагностикаси (ташхиси)

СДС (касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказлари) маълумотларига кўра, ҳар 8 та ОИВ билан касалланган америкаликларнинг биттаси ўзларининг ҳолатидан беҳабар.

ОИВ учун қон намунасини таҳлил қилиш ва натижалари

Ташхис вирус мавжудлигини аниқ кўрсатадиган қон таҳлили ёрдамида амалга оширилади. Агар ОИВ вируси топилган бўлса, тест натижаси «ижобий» бўлади. Қон беморга касаллик мавжуд дея хабар берилгунга қадар бир неча марта қайта текширилади. Агар бирон киши вирусга дучор бўлса, улар имкон қадар тезроқ синовдан ўтиши жуда муҳимдир. ОИВнинг тезроқ аниқланишида, даволанишнинг муваффақиятли бўлиши еҳтимоли кўпроқ. Бундан ташқари, уйда ўтказса бўладиган тест воситасидан фойдаланишингиз мумкин. ОИВ юқганидан сўнг, вирус тест натижасида ижобий натижа бериши учун 3 ҳафтадан 6 ойгача вақт кетиши мумкин. Қайта синов қилиниши керак бўлиши мумкин. Шу билан бирга, шифокор бир неча ҳафта ўтгач, тестни қайта бажарилишини талаб қилади.

ОИЦни даволаш: Ҳозирги кунда ОИВ ёки ОИЦга даво йўқ. Мавжуд даволаш усуллари касалликнинг ривожланишини секинлаштириши мумкин ва кўпчилик одамларга узоқ ва нисбатан соғлом ҳаёт кечирishга имкон беради. Ерта ОИВ инфекциясида антиретровирусли даволаниш жуда муҳимдир — бу ҳаёт сифатини яхшилайдди, умр кўриш давомийлигини узайтиради ва 2013 йил июн ойида чоп етилган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йўриқномаларига мувофиқ юктириш хавфини камайтиради. Ҳозирги кунда ОИВ инфекцияси бўйича ҳеч қандай емлаш ёки доридармон йўқ, аммо даволаш усуллари анча яхшиланди. Беморларнинг соғлиги ва ҳаёт сифатини кунига қабул қилинадиган бир таблетка сезиларли даражада яхшиланиши мумкин.

ОИВ учун фавкулудда таблеткалар (посталоқа профилактикаси)

Агар одам сўнгги 72 соат ичида (3 кун) вирус юктирганлигига амин бўлса, ПЕП деб аталадиган ОИВга қарши воситалар (посталоқа[постконтакт] профилактикаси) касаллик ривожланишини тўхтатиши мумкин. Даволашни вирус юқганидан кейин имкон қадар тезроқ олиш керак. ПЕП 4 ҳафталик, фақат 28 кун давом этадиган даволашнинг жуда қийин усулдир. Бу нохуш ноҳўя таъсирга (диарея, кўнгил айниши ва бош оғриғи) сабаб бўлиши мумкин. ОИВга ижобий ташхис қўйилгач, даволанишни бошлашдан аввал вируснинг ривожланишини кузатиш учун мунтазам қон текширувлари топшириб туриш керак. Терапия кўплаб афзалликларга ега ва қонда ОИВ даражасини камайтиришга қаратилган.

Антиретровирус препаратлар: ОИВ ни даволаш антиретровирус (АРВ) дорилар билан амалга оширилади. Препаратлар ОИВ инфекцияси билан курашади ва организмда вирус тарқалишини секинлаштиради. Одатда, беморлар ЎСАРТ (юқори самарали антиретровирус терапия) ёки КАРТ (комбинатив антиретровирусли терапия) каби комбинацияланган даволашни оладилар. Комбинатив дори воситалари ҳар бир инсонга мос келади. ОИВ ни даволаш одатда доимий ва умрбоддир. ОИВни даволаш одатдаги дозага асосланган. Таблеткалар ҳар сафар мунтазам равишда режалаштирилган ҳолда қабул қилиниши керак. АРВнинг ҳар бир тури ҳар хил ноҳўя таъсирга ега, аммо баъзи бир умумий таъсирлари кўнгил айниш, чарчаш, ич кетиши, бош оғриғи, терида тошма тошиши ёки кўришнинг хиралашишини ўз ичига олиши мумкин.

Кўшимча ёки муқобил тиббиёт

Баъзи бир чекланган тадқиқотларга биноан, ўсимлик дори воситалари каби муқобил доридармонлар самарали қўлланилмаган, аммо минерал ёки витаминлар умумий саломатлик ҳолатига яхши таъсир кўрсатади. Беморларга бу усулларни шифокорлари билан муҳокама қилиш тавсия этилади.

ОИВни олдини олиш (профилактика)

ОИВ инфекциясини олдини олиш учун тиббиёт ходимлари қуйидаги чораларни тавсия қилишади:

Ҳимояланмаган жинсий алоқа — презервативсиз жинсий алоқа — жинсий алоқа орқали юқадиган ОИВ ва бошқа таносил касалликлари билан касалланиш хавфини оширади. ОИВ ҳимояланмаган жинсий алоқа орқали (вагинал, оғиз ва ёки анал) тарқалиши мумкин.

Гиёҳвандлик ва игна алмашиш — интравеноз (вена ичига) наркотиклардан фойдаланиш ривожланган мамлакатларда ОИВ юқишининг асосий сабабларидан бири. Игналарни алмашиб фойдаланиш ОИТС ва гепатит С каби бошқа хавфли вирусли касалликларга олиб келиши мумкин. Кимдир игнадан фойдаланиши керак бўлса, у тоза, фойдаланилмайдиган, очилмаган игна бўлиши керак.

Танага таъсири — ОИВ зарарланган қон таъсири хавфини камайтириш ва олдини олиш учун еҳтиёт чораларини қўллаш орқали назорат қилиниши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам соғлиқни сақлаш ходимлари тўсиқлардан (қўлқоплар, ниқоблар, кўзойнақлар, қалқончалар ва халатлар) фойдаланишга керак. Қон ёки бошқа тана суюқликлари билан алоқадан сўнг дарҳол тез ва тўлиқ терини ювиш касалланиш еҳтимолини камайтиради.

Ҳомиладорлик — айрим АРВ препаратлари туғилмаган чақалоққа зарар етказиши мумкин. Бироқ, самарали даволаш режаси ОИВ инфекциясини онадан болага юқишини олдини олади. Боланинг соғлиғини ҳимоя қилиш учун еҳтиёт чораларини кўриш зарур. Кесарча кесиш талаб қилиниши мумкин. ОИВ билан касалланган оналар болаларини емизмасликлари керак.

Таълим — соғлиқни сақлаш таълими инсонларга касаллик юқиши йўллари ва хавф омилларини тушунтириши касалликнинг олдини олиш учун муҳим ҳисобланади.

### **ОИВни назорат қилиш**

Қатъийлик — ОИЦни даволаш фақат доридармонлар ўз вақтида қабул қилинганда самарали бўлади. Ҳатто бир неча дозанинг йўқлиги даволанишни хавф остига қўйиши мумкин. Кундалик методик дастур беморнинг турмуш тарзи ва тартиби атрофида даволаниш режасига мувофиқ бўлиши учун дастурлаштирилиши керак. Бир киши учун даволаш режаси бошқа бир киши учун даволаш режаси бўла олмайди.

Умумий саломатлик — беморларнинг доридармонларни тўғри қабул қилиши ва бошқа касалликлардан қочиш учун чоралар кўриши муҳимдир (масалан узоқ вақт совуқда қолмаслик). Беморларнинг умумий соғлиғини яхшилаш ва мунтазам машқлар қилиш, соғлом овқатланиш, чекмаслик, спиртли ичимликлар ичмаслик, касаллик хавфини камайтириш учун ҳаракат қилишлари керак.

Қўшимча чоралар — ОИВ билан касалланган одамлар бошқа касалликлар билан касалланишининг олдини олишга ҳаракат қилишлари керак. Улар ҳайвонларга еҳтиёт бўлишлари, мушуклар ва ҳайвонларнинг нажаслари билан, шунингдек, қушлар билан алоқа қилишдан қочишлари керак. Тўлиқ ва мунтазам равишда қўл ювиш тавсия етилади.

Узоқ муддатли ҳолат — ОИТС узоқ муддатли ҳолат, шунинг учун беморлар ўзларининг соғлиқни сақлаш жамоаси билан доимо алоқада бўлиши керак. Даволаш режаси мунтазам кўриб чиқилади.

Психологик — ОИТС ва ОИВ инфекцияси ҳақида кенг тарқалган нотўғри тушунчалар камаймоқда. Ҳолбуки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу ҳолат сақланмоқда. Вирус билан касалланган одамлар ўзларини ҳибсга олингандек, рад етилгандек, камситилгандек ҳис қилиши мумкин. Бу ҳолатда психолог ёрдами жуда муҳимдир.

## **ЎҚУВ КЛИНИК АМАЛИЁТИ**

# МАВЗУВИЙ РЕЖА БЎЙИЧА ВИЛОЯТ БОЛАЛАР КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ БЎЛИМЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

## КЛИНИК МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ МАЗМУНИ

### ҚАБУЛ БЎЛИМИДА БЕМОРЛАРНИ ТОЗАЛАШ. БЕМОРЛАРНИ КЛИНИК ТЕКШИРУВГА ТАЙЕРЛАШ

Беморнинг стационарда, поликлиникада, турмушдаги ҳаёт тарзини идора қиладиган, касалликни даволаш ва профилактика қилиш таъсирчанлигини оширадиган тадбирлар ва қоидалар йиғиндисига гигиена дейилади.

Стационарга тушган ҳамма беморларни, оғир аҳволдаги беморлардан ташқари, санитария ишловидан ўтказилади (ванна, душхона ёки ҳўл сочиқ билан артиш). Талаба-практикант беморни ваннахонага олиб боради ва уни синчиклаб кўздан кечиради. Агар беморда бит ёки сиркалар топилса, сочларини олади, жунларини қиради ва баданнинг сочли қисмларига дезинфекция қиладиган моддалар суртади.

Соч оладиган машинка ва устара 70° спирт билан дезинфекция қилинади. Касалхонага келган ҳар бир бемор учун қайнатилган шахсий мочалка ва 50 г совун ажратилади. Дезинфекция қиладиган эритма қуйилган тоза мочалкалар «тоза» деган ёзуви булган ёпиқ идишда сақланади. Ишлатилган мочалкалар ҳам «ишлатилган» деган ёзуви булган ёпиқ идишда сақланади.

Беморни чумилтиришдан олдин ваннани иссиқ сув билан совунлаб ювилади, зарур бўлса (тери касаллиги ёки юқумли хасталиги бўлган беморлардан кейин) дезинфекция қилинади. Ваннахонада буғ йиғилиб қолишининг олдини олиш учун ваннани аввал совуқ сув, кейин иссиқ сув билан тулдирилади. Сув ҳароратини махсус сув термометри билан ўлчанади.

Оғир аҳволдаги беморларни тахта панжара устида ётган ҳолатида душ тагида резина шланг билан чумилтириш мумкин. Чумилтиришдан сунг беморни чойшабга ўралади ва обдон қуригунча артилади. Баданни қисм-қисм совунли илиқ сувга ҳўлланган сочиқ билан артилади. Баданнинг ювилган қисмларини тезда артилади. Чумилтирилгандан кейин беморнинг қўл ва оёқларидаги тирноқлари олдирилади ва тоза касалхона кийимлари кийдирилади.

Беморларни касалхонада булиш вақтини қисқартириш ва жаррохлик фаоллигини ошириш учун одатда режали беморлар амбулатория йули билан текширилиши керак. Энг куп учрайдиган касалликларда текширишнинг умумий схемасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ва улар минимал ёки максимал ҳажмда белгиланади.

Режали оператив даволашга муҳтож булган касалларга мажбурий ва махсус текшириш турлари белгиланнади.

Текширишнинг мажбурий минимуми умум қабул килинган текшириш (куздан кечириш, пальпация, перкуссия, аускультация) билан бир қаторда қуйидагиларни уз ичига олади:

- 1) қоннинг умумий анализи;
- 2) сийдикнинг умумий анализи;
- 3) қон босимини улчаш;
- 4) курак кафаси органларининг рентгеноскопияси (айрим ҳолларда);
- 5) қон группаси ва резус-факторни аниқлаш.

Кейипчалик биринчи учта текширишни керак булганда ёки ҳар 7—10 кунда такрорланади.

Рентгенологик текшириш курак кафаси органлари касалликлари билан оғриган ёки унга шубҳа қилинган одамлар ва профилактик мақсадларда 1 йил мобайнида ундан утмаган беморларга белгиланади. Ун икки ёшга тулмаган беморлар профилактик рентген қуригидан утказилмайди. Еши 50—60 дан ошган беморларни текширишнинг мажбурий минимумига электрокардиография ва терапевт консултацияси киритилади. Қонни текшириш диагностиканинг энг муҳим булимларидан биридир.

## ОҒИР БЕМОРЛАРНИ ЎРИН КЎРПА ВА ОКЛИКЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ.

Уринбош ва ич кийимларни алиштириш қоидалари.

Беморларни навбатдаги санитария ювиб-тарашидан кейин одатда 7—10 кунда бир марта алиштирилади. Оғир беморларда буни катта эҳтиёткорлик билан бажарилади. Беморни аста-секин каравот четига суриб қуйилади. Агар аҳволи имкон берса, ёнбоши билан ётқизилади, кир чойшабнинг буш турган ярмини эни буйлаб орқага томон уралади, бушаб қолган жойга эса ярми уралган тоза чойшаб ёзилади (1-расм, а, б, в). Тоза ва кир чойшаб урамлари ёнма-ён ётади. Сунгра беморни чойшабнинг тоза ярмига ётқизилади, кирини йиғиштирилади, тозасини ёзилади ва шу билан чойшаб солиш тугалланади.

Агар беморга уринда ҳаракатлар қилишга рухсат берилмаган булса, чойшабни бошқа усул билан алиштирилади. Аввалига беморнинг бошини бир оз кутарилади, чойшабнинг бош томонини белга бурма ҳолида йирилади, сунгра оёқларини кутарилади ва шу тарифа -белга чойшабнинг иккинчи учини йирилади, шундан сунг уни бемор тагидан эҳтиётлик билан чиқарилади. Айна пайтида иккинчи томондан узунасига иккита урам қилиб уралган тоза чойшабни бел остига киритилади, сунгра уни иккала томондан — бош ва оёқлар тагига ёзилади.

Ич кийимларни алиштиришда муайян кетма-кетликка риоя қилиш керак: куйлакни елкадан юқорига кутарилади, аввал бошдан, сунгра қўллардан чиқарилади, уни тескари тартибда кийинтирилади — куйлакнинг олдин енги, сўнгра бош томони кийилади (2-расм, а, б). Оёқ-қўл касалликларида ёки шикастларида ич кийимни аввал соғлом оёқ-қўлдан, кейин касал оёқ-қўлдан ечилади.

1-расм.





б



в

а, в. Уринбош оқлицларини алиштиришнинг турли хил усуллари.



б

2-расм, а, б. Ич кийимни алиштириш.



Кийимни тескари тартибда, яъни аввал шикастланган оёқ-кўлга кийилади.

### БЕМОРЛАРНИ БОҒЛОВ ХОНАСИГА, ОПЕРАЦИЯ ХОНАСИГА ВА ПАЛАТАЛАРГА ЕТКАЗИШ.

Беморларни булимда олиб юриш усулларини даволовчи врач белгилайди. Бу эса беморнинг умумий аҳволига боғлиқ булиб, замбилда, юмшоқ курси, курси-замбилларда, кўлларда олиб юрилади. Беморни, айниқса оғир ётган беморларни олиб юришнинг энг осон ва қулай усули — замбилда олиб юриш усулидир. Беморларнинг замбилдаги ҳолати узи учун қулай булиши (касалнинг миждозига, шикастланиш турларига, оғир-енгиллигига боғлиқ) керак. Беморларни каравотдан замбилга иккита ходим кўтариб ётқизади — бири боши, буйин, кукрак соҳаларидан кутарса, иккинчиси бел ва сон соҳаларидан кўтаради.

Беморларни олиб юришда бир хил горизонтал ҳолатда сақлашга ҳаракат қилинади. Зинапоядан пастга олиб тушишда замбилнинг олдинги қисмини анча кутарилади. Зинапоядан юқорига олиб чиқишда эса беморнинг бош қисми олдинга булиб, замбилнинг пастки қисми кўтарилиб текис ҳолатга эришилади. Қорин бушлиғи органларидаги операциялардан кейин парвариш, утказилган операциянинг оғир-енгиллиги ва ҳажмига боғлиқ булади. Қиёсан оддий операциялар (уткир аппендицит, чурралар, ут пуфагини олиб ташлаш — холецистэктомиялар ва б.) дан кейинги парвариш принциплари куйидагилардир: бемор операция хонасидан палатага олиб келингандан сунг уни янги тайёрлаб куйилган тоза уринга ёстиксиз чалқанчасига ётқизиб куйилади.

Наркоздан кейинги даврда беморларда қусиш пайдо булиб, қусуқнинг нафас йулларига тикилиб қолмаслиги чорасини куриш жуда муҳимдир. Қусиш белгилари пайдо булса, тиббий ҳамшира беморнинг бошини бир ёнга буради, ҳамшира олдиндан тайёрлаб куйилган тоза сурп билан беморнинг оғиз бушлигини артиб олади ва дарҳол врачга маълум қилади.

Операциядан кейинги даврда оғриққа қарши кураш катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда оғриқ қолдирадиган, тинчитадиган дори-дармонлар буюрилади. Мураккаб операциялардан сунг, айниқса ичак ва меъданинг бир қисмини олиб ташлаш, жигар операцияларидан сунг беморлар реанимация булимига утказилиб интенсив даволаш чоралари амалга оширилади. Бу хилдаги беморларда купинча бурун — меъда зонди қолдирилади. Ҳамшира зонддан чиқадиган ажралмаларнинг табиатини кузатиб, чиқарилган суюқлик миқдорини қайд қилиб боради. Зонд тикилиб қолмаслиги учун ҳар 3-4 соатда натрий хлориднинг озроқ миқдордаги изотоник эритмаси билан ювиб турилади. Зонд, ундан яшил рангли шилимшиқ чиқиши тухтамагунча 48—72 соатгача сақлаб турилади. Зонд яхши ишлаб турган булса, ичиш учун оз миқдорда сув бериш мумкин.

Оғиздан овқат беришдан олдин врач ҳамширани огоҳлантириб куяди ва ўтказилган операциянинг табиатига қараб тегишли схемани буюради. Қорин бушлиғи органларидаги операциялардан кейин купинча ичак қовузлоқлари газлар тулланишидан дам булиб кетади. Метеоризм оғриқ туриши, нафас қийинлашиб қолиши билан давом этади. Метеоризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш мақсадларида кислородни нафасга олдириб туриш ва вақт-вақти билан ҳар 2-3 соатда тўғри ичак бўшлиғига 15—50 минутгача газ ўтказувчи қай куйиш керак.

Қорин бўшлиғидаги йирингли жараёнлар муносабати билан қилинган операциялар

аксари дренаж куйиб куйиш, резина найлар ёки дока тампонлар қолдириб, устини салфетка ва боғламлар билан ёпиб куйиш билан тугалланади.

### БЕМОРЛАР ТУМБОЧКАЛАРИ САНИТАРИЯ ХОЛАТИ ВА ТОЗАЛАШ.

Ҳар бир ишнинг алоҳида режим асосида бажарилиши яхши самара берганидек, беморларнинг стационарда даволанаётганларидаги режими ҳам муҳим аҳамиятга эга; Чунки, бемор касалхонага тушгандан бошлаб токи тузалиб чиққунга қадар маълум бир режим буйича даволанади. Агар пала-партишликка йул қуйилса касалхонада ишлаб чиқилган қоидаю қонунларга амал қилинмаса, албатта бемор кишининг даволаниш процессига маълум даражада манфий таъсир курсатади.

Яхши тузилган режим беморларга бутун кун мобайнида етарли даражада ухлаш ва дам олиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, хоналарни тоза тутиш, ўз вақтида овқатланиш, мунтазам врачлик кузатуви, даво- муолажаларини кечиктирмай бажаришни таъминлайди. Кундалик режим ва тартиб-қоидалар касалхона ва булим профилига боғлиқ. Касалликнинг характери ва оғир-енгиллигига кура беморларга куйидаги режимлар тайинланади:

- беморга ҳатто ўтиришга ҳам рухсат этилмайдиган қатъий уринда ётиш режими;
- уринда ётиш режими — уринда ҳаракат қилиш мумкин, бироқ ундан туриб кетишга рухсат этилмайди;
- уринда ётиш режимининг ярим деган турида палатада юриш ва ҳожатхонага боришга рухсат берилади;
- оддий режим — булим атрофларида ва касалхонанинг шу мақсад учун ажратилган ҳудудида бемалол юришга рухсат этилади.
- Беморлар ички тартиб-қоидалар, врач курсатмалари, тиббий ҳамшира буюрганларини пухталиқ билан бажаришлари лозим. Практикант беморларнинг палаталар ва коридорларда шовқин қилмасликлари, касалхонанинг бошқа булимларига бормасликлари, бегонанинг урнида утирмасликлари, тунги уйқу, кундузги дам олиш вақтида осойишталикка риоя қилиб уринларида ётишлари устидан кузатиб бориши керак. Соат 22 дан кейин ҳамма палаталарда чироқлар учиради ва радио узиб куйилади. Манипуляциялар бажариш ва дори-дармонлар бериш беморларнинг овқат ейиш, ухлаш ва дам олиш соатларига турри келмаслиги керак, шошилинич доллар ва дори-дармонлар маълум соатларда бериладиган дорилар бундан мустасно. Касалхона рсжими бемор нерв системасига ва психикасига яхши таъсир қилиши керак. Шовқинларни бартараф этиш учун ходимлар жуда секин гапиришлари зарур.

### ОҒИР БЕМОРЛАРНИ ЮВИНТИРИШ

Етиб қолган беморларни ювинтириш, оғзини тоза тутиш, тагини ювиш, сочини тарашни талаба санитарка ёрдамида бажаради. Оғир ётган беморларнинг қўл ва юз терисини қайнаган сувга хўлланган пахта билан артилади. Куз қовоқлари ва киприкларини 2% ли илиқ борат кислота эритмаси билан пипетка ёки пахта пилик ёрдамида ювилади, оғиз бушлиғини тоза тутиш учун кунига 2—3 марта ювилади ёки дезинфекцион эритма билан чайилади (калий перманганат, риванол, фурацилиннинг кучсиз эритмалари), сунгра 10% глицерин қўшилган 1 % ли бура эритмасига хўлланган дока салфетка билан артилади. Бунда докани шпатель ёки корнцангга уралади. Оғир аҳволдаги беморларнинг тагини кунига бир неча марта (сийиш ва ҳожатдан кейин) ювиш зарур.

Беморларни ҳафтада бир марта ваннада, душ остида чумилтирилади ёки ётган жойида илиқ сув билан совунлаб ювилади (бу тадбирлар бемор стационарга тушгандаги каби бажарилади). Чумилтиришдан кейин ич кийимлари ва уринбош анжомлари алиштирилади ва тирноқлари олинади. Дезинфекция тадбирлари зарурат бўлганида ўтказилади.

Касалхонага келган ҳар бир бемор учун қайнатилган шахсий мочалка ва 50 г совун ажратилади. Дезинфекция қиладиган эритма қуйилган тоза мочалкалар «тоза» деган

ёзуви булган ёпиқ идишда сақланади. Ишлатилган мочалкалар ҳам «ишлатилган» деган ёзуви булган ёпиқ идишда сақланади. Беморни чумилтиришдан олдин ваннани иссиқ сув билан совунлаб ювилади, зарур булса (тери касаллиги ёки юқумли хасталиги булган беморлардан кейин) дезинфекция қилинади.

Ваннахонада буғ йиғилиб қолишининг олдини олиш учун ваннани аввал совуқ сув, кейин иссиқ сув билан тулдирилади. Сув ҳароратини махсус сув термометри билан улчанади. Оғир аҳволдаги беморларни тахта панжара устида ётган ҳолатида душ тагида резина шланг билан чумилтириш мумкин.

Чумилтиришдан сунг беморни чойшабга ўралади ва обдон қуригунча артилади. Баданни қисм-қисм совунли илиқ сувга ҳўлланган сочиқ билан артилади. Баданнинг ювилган қисмларини тезда артилади. Чумилтирилгандан кейин беморнинг кул ва оёқларидаги тирноқлари олдирилади ва тоза касалхона кийимлари кийдирилади.

#### ОҒИР БЕМОРЛАР – ТЕРИ, ШИЛЛИК ҚАВАТЛАРИ, СОЧЛАРИ ВА ТИРНОҚЛАРИ ПАРВАРИШИ.

Беморнинг соч тирноқларини парвариш қилиш. Бошни 7—10 кунда илиқ сув билан совунлаб ювилади, сунгра сочлари қуруқ қилиб артилади ва таралади. Сочни металлдан ясалган тароқлар билан тарамаслик керак, чунки улар бош терисини таъсирлантиради. Узун сочларни қисм-бақисм таралади. Тароқларни ҳамиша тоза тутиш: натрий гидрокарбонатнинг илиқ 2% ли эритмасида ювиш ва вақти-вақтида этил спирти, сирка билан артиб туриш керак. Қўл ва оёқларидаги тирноқлар мунтазам олдириб (қирқиб) турилади.



6-расм. Қўл (а) ва оёқдаги (б) тирноқларни олдириш.

#### БЕМОРЛАРГА СУДНА, СИЙДИҚДОН ТУТИШ ВА УЛАРНИ ТОЗАЛАШ

Ўриндан турмай ётадиган режимдаги беморларга эрталабки ювиниш учун тушаги олдига илиқ сув ва тоғорача тутилади. Улар талабалар ёрдамида аввал қўлини, сўнгра юзи, бўйни ва кулоқларини, қўлтиқ соҳасини, чов бурмаларини, сут безлари остидаги

бурмаларни, айниқса кўп терлайдиган ва семиз беморларда кунт билан ювадилар, акс ҳолда тери бурмаларида бичилишлар ҳосил бўлади.

Жинсий органлар ва орқа чиқарув йули соҳаси айниқса кунт билан парваришлашни талаб этади. Юрадиган беморлар шу мақсадда сув оқими вертикал бўлган махсус унитазлардан фойдаланишади ёки бошқа усулда остини ювадилар, ётган беморларнинг остини эса суткасига камида 1 марта ювилади. Бунда бемор чаноғи тагига клеёнка ёзилади. Тагга қуйиладиган идиш тутилади ва тиззаларни букиб, оёқларни бироз кериш таклиф қилинади. Оралиққа қуйгичдан илиқ сув ёки кучсиз калий перманганат эритмаси йуналтирилади. Сунгра корнцанг билан қисиб олинган стерил пахта пилик билан жинсий органлардан орқа чиқарув йулига томон бир неча ҳаракатлар қилинади. Бошқа пахта пиликчаси билан оралиқ қуритилади.

### ИЧАК ВА СИЙДИК ОҚМАЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР ПАРВАРИШИ.

Ахлат оқмаси бўлган беморларни парвариш қилишнинг узига хос томонлари бор. Оқма ва оқма атрофидаги тери доимий парваришни талаб этади. Оқма атрофидаги тери шилинишига йул қўймаслик учун бундай беморларда жароҳатни тез-тез қайта боғлаб туриш керак. Бемор ҳаракатлари вақтида сирпаниб тушмаслиги учун боғламни яхши боғлаш керак. Ҳар гал ич бушатиладиган сўнг ичак шиллик пардасининг кўриниб турган қисмига вазелинга хўлланган салфетка босиш, устидан пахтали салфетка қуйиш, сунгра бинтлар ёки махсус бандаж билан маҳкамлаш лозим. Клеол ёки ёпишқоқ пластр ишлатиш тавсия қилинмайди, чунки боғламлар тез-тез алиштириб турилганда тери шилиниб жароҳатланиши эҳтимол. Оқма атрофидаги терига индифферент малҳам (рухли малҳам, Лассар пастаси) суртиш керак.

Оқма шаклланиб операцион жароҳат битгандан кейин терининг таъсирланишини камайтириш учун ҳар куни ванналар қилиш жуда фойдали. Ахлат тутилиб қолганда клизма қилишга зарурат пайдо бўлади. Бунинг учун фартук тақиш ва оқма орқали ичакка учлик киритиш ва эҳтиётлик билан 500 - 600 мл 1% натрий хлор эритмаси юбориш керак.

Гастростомали беморларнинг парвариши. Оғиз орқали овқат қабул қилишнинг имконияти бўлмаса – қизилўнғач бутунлай ўсмалар ёки бириктирувчи тўқимали ҳосилалар билан беркилиб қолганда гастростома (ошқозонга фистула) вақтинчалик ёки доимий овқатланиш учун қўйилади.

Операциядан сўнгги биринчи куни ошқозон мотор функцияси ҳали тикланмаганлиги сабабли, унинг декомпрессияси учун гастростомик трубканинг охири очик қолдирилади ва бемор танасидан пастроқда жойлашган бўш флаконга қўйилади. Гастростома найчаси ташқи қисмининг узунлиги тери устидан камида 20 см бўлиши керак.

Олинган ошқозон суюқлигининг миқдори ўлчанади ва ранги аниқланади. Фистуладан ажралиб чиққан суюқликнинг миқдори одатда кўп бўлмайди ва унинг ўрни суюқлик ва гипертоник эритмаларни томир орқали юбориш йўли билан қопланади.

Қоидага кўра, бир кундан кейин ошқозон эвакуация функцияси тикланади ва шунинг учун фистула орқали ажратма чиқиши кескин камаяди. Шундан сўнг трубка блокланади ва факат озиклантириш учунгина очилади. Бунинг учун найча букилиши ва дока ёки резина ҳалқа билан боғлаб қўйилиши мумкин. Иккинчи вариант биринчисидан афзал, чунки дока тез ифлосланади ва уни тез-тез алмаштириб туриш керак бўлади.

Найча оғзини резина пробка билан беркитиш лозим. Пробка тиқиннинг охири найчадан чиқиб туриши керак, лозим бўлганда очиб, қўллаш осон бўлиши учун. Найчага металл қисқичларни қўлламастик керак, чунки улар найга зарар келтиради ва совуқ кунларда ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Гастростома герметиклиги бузилган бўлса, ошқозон суюқлиги найча ва қорин олд деворлари орасидан оқа бошлайди. Ошқозон шираси хлорид кислота ва протеолитик ферментлар сақлайди ва шунинг учун, улар терига тушгандан сўнг, 2-3 соатдан кейин ферментатив

дерматитни келтириб чиқаради. Бу эса, кейинчалик терининг қизариши ва шишиши, кичик яралар пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Беморга қўшимча азоб берувчи оғриқлар вужудга келади.

Ривожланган дерматитда яллиғланган соҳага цинк (рух) малҳами, Лассар пастаси, таниннинг 10%- ли сувли эритмаси суртилади, куруқ танин кукуни, талк, гипс сепилади. Бу соҳага боғлам қўйилмайди, ҳаво билан қуритиш учун очиқ қолдирилади. Бемор кровати ёнида стерил докадан шариклар қолдирилади ва улар билан стомадан оққан махсулот дарров артиб олинади. Агар боғлам қўйиладиган бўлса, боғлам тезда ошқозон шираси билан тўйиниб қолади ва дерматит белгилари чуқурлашиб кетади.

Тери устига паста ва ҳимоя малхамлари (кремлари) суртилаётганда, улар терига маҳкам ёпишганлигига эътибор бериш керак. Агар терига жипс ёпишмаса, улар тагига ошқозон шираси оқиб кириши мумкин. Кейинги боғлам қўйишларда пастанинг едирилган қисмлари олиб ташланади ва янгиси қўйилади.

Бу усуллар ёрдам бермаганда гастростомани герметиклиги турли хилдаги обтураторлар – гастростомик трубка ва ёриқ орасини боғловчилар, қўйиш йўли билан таъминланади.

Уларнинг энг оддийлари – най бўйлаб поролондан ясалган тасма қўйиш бўлиб, у трубанинг диаметрини керакли ҳажмга оширади.

Гастростома трубкаси ёриқдан ташқарига чиқиб кетганида, у дарҳол ошқозоннинг бўшлиғига қайтариб киритилиши керак.

Агар бу иш ўз вақтида бажарилмаган бўлса, бир неча соат ичида бу йўл, унинг таркибидаги тўқималарнинг қисқариши ва емирилиши сабабли йўналишини ўзгартиради.

Гастростома найчасини киритиш шифокор бажарадиган муолажадир.

Дастлаб, узун, учи қайрилган қисқич (корнцанг) ёрдамида яра йўлининг йўналиши текширилади, ундан кейин тушиб кетган гастростома трубкаси қайта ўз жойига киритилади.

Шу билан бирга жуда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, сохта йўл ҳосил қилиб, найни эркин қорин бўшлиғига киритиб қўймаслик лозим.

Агар трубкани алмаштириш керак бўлса, аввал автоклавда ёки қайнатиш йўли билан дезинфекциялаш ёки кимёвий антисептик эритмасида стерилизация қилиш орқали трубканинг янгисини тайёрлаб олиш керак.

Илеостома парвариши. Илеостома полипоз ёки носпецифик ярали колит билан оғриган беморларда йўғон ичакни тотал олиб ташлагандан сўнг ҳосил қилинади. Ёнбош ичакнинг терминал қисми ўнг қовурға равоғи билан қорин орасидаги соҳага чиқариб қўйилади.

Бундай беморларга парвариш ингичка ичак ажратмасини йиғиш, ферментатив дерматит профилактикаси, ичак суюқлигини камайтиришга, тузлар ва витаминлар дефицитини олдини олишга қаратилган парhezни (диетани) танлашдан иборат. Фистула ичидан чиққан ичак суюқлигининг миқдори одатда сезиларли миқдорда бўлиб, кунига 1,5-2 литрни ташкил этади ва бўтқасимон консистенцияга эга бўлади. Агар терига тушиб қолса, у бир соат ичида тери қизаришига, 3-4 соатдан кейин эса – мацерацияга олиб келади. Ингичка ичак ферментларидан терини ҳимоя қилишдан ташқари, қуюқ консистенцияли овқатланиш, махсус парhez, парентерал овқатланиш, дори моддалари буюрилади.

Қуруқ овқатланиш – бу қуюқ консистенцияли овқатлар истеъмол қилиш, суткалик суюқлик миқдорини чеклаш, оғиз орқали суюқликни овқатдан 30 мин.-1соат олдин ёки кейин қабул қилиш.

Ярадан суюқлик чиқишини камайтирадиган овқатлар – гуруч пюреси, димланган гуруч, картошка, макарон махсулотлари, оқ нон, олма шарбати кабилардир. Ярадан суюқлик чиқишини кўпайтирадиган махсулотлар ман этилади – янги мева ва сабзавотлар, зираворли аччиқ овқатлар, кепакли нон, олхўри қоқи, мева шарбатлари, пиво, спирт, шоколад ва кофеин сақловчи ичимликлар кабилар. Яра атрофидаги тери таъсирланишига қуйидагилар олиб келиши мумкин: цитруслар, янги олма, нўхот, селдерей, ёнғоқ, ширин маккажўхори, кокос ёнғоғи. Ярадан суюқликнинг кўп оқишида суюқлик ва озик-овқатни оғзидан истеъмол қилишни чеклаш керак. Ушбу чекловларни компенсация қилиш учун вена ичига натрий хлор

эритмалари, оксил препаратлари, ёғ эмульсиялари (парентерал озиклантириш учун) юбориш керак.

Колостомани парваришлаш. Йўғон ичак оқмаси колостома деб аталади ва унга қуйдагилар сабаб бўлади:

1) Асосан ўсма этиологияси туфайли (обструкциядан олдин) йўғон ичак тугилишида, газлар ва нажасни олиб ташлаш учун;

2. Ўсма жараёни натижасида йўғон ичакни тўлиқ олиб ташлаганда, сигмасимон ичакни ораликқа тушириш мумкин бўлмаганда.

Йўғон ичак оқмаси бир шохли ва икки шохли бўлиши мумкин.

Кўр ичак оқмаси (цекостома) дан асосан суюқ ажратма чиқади, йўғон ичак оқмаларидан эса шакланган нажас ажралиб туради. Терининг таъсирланиши (дерматит) фақат кўр ичак оқмаларида пайдо бўлади, чунки унинг таркибида ингичка ичак ферментлари мавжуд.

Операциядан 3-5 кун ўтгач, ичак перистальтикаси одатда тикланади. Шу вақтдан бошлаб операциядан кейинги жароҳатни ичак маҳсулотидан химоя қилиш ахлат (нажас) қабул қилувчилар ёрдамида амалга оширилади.

Колостомали беморларда мунтазам равишда ичак бўшалишини таъминлаш керак. Бу муолажани иложи бўлса ҳар доим бир вақтда бажариш лозим. Бунга парҳез, дори-дармон, хукна (клизма) орқали эришилади. Дефекациянинг кунига 1-2 марта, порцияли бўлиши энг мақбул ҳолатдир. Агар нажас тез-тез ва суюқ ҳолда ажралиб чиқса, беморни мустаҳкамловчи парҳезга ўтказилади. Унинг таркибига майда ғалладан тайёрланган оқ нон, гуруч, сариеғ, творог, картошкали пюре, шакар, гўшт маҳсулотлари киради.

Ични юмшатувчи таъсирга эга бўлган маҳсулотлар чекланади: кепакли нон, хом мева, сабзавот, сут, янги кефир, асал.

Нажас келиши тўхтаганда, ўсимлик манбаларидан тайёрланган ични юмшатувчилар берилади (ўсимлик япроқлари, итшумурт пўстлоғи, шивит суви) ва кўпинча хукни (клизма) қўйилади. Аввал оқма ичига вазелин суртилган қўлқоп кийилган бармоқ киритилади ва ичак тутқичи йўналиши аниқланади. Шундан кейин ўша йўналиш бўйича нокчанинг учи ёки найча киритилади. Юмшатиш учун 500-600 мл сув ёки 100-150 мл 10% ош тузи эритмаси ёки 200 мл вазелин ёғи эритмаси қўлланилади.

Ичакдан газлар чиқарадиган ёқимсиз хидни йўқ қилиш учун фильтрли нажас тўпловчи (калоприемник) ишлатиш, газ ҳосил бўлишига тўсқинлик қиладиган парҳезни (диетани), дезодорантларни қўллаш керак. Газлар ажралишини пиво, минерал сув, газланган ичимликлар, сут маҳсулотлари, янги сабзавотлар, пиёз, куруқ ловиялар оширади. Газ ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан, бу маҳсулотларни рациондан чиқариб ташлаш билан бирга, фаол равишда, кунига 3 маҳал 0,25-0,3 г миқдорда активланган кўмир буюрилади.

Нажас тўпловчиларнинг (калоприемник) турлари: Нажас тўпловчи (калоприемник) – илеостома ёки колостома ажратмаларини йиғиш учун воситадир.

Нажас тўпловчилар (калоприемниклар) ёпишқоқ бўлиб, бемор танасига ёпиштирилиб, белбоғ билан бириктирилади.

Ёпишқоқ калоприемниклар уч хил бўлади: битта компонентли, икки компонентли (шаффоф ёки ялтирамайдиган) ва мини-калоприемниклар.

Бундан ташқари, оқма ташқи туйнугини (стома) ёпиш учун қопқоқ ишлатилади.

Бир компонентли калоприемник унга бириктириб қўйилган ёпиштирувчи пластинка билан қопланган бўлиб, унинг ёрдамида терига ўрнатилади.

Икки компонентли калоприемник икки қисмдан иборат: халтача ва ёпишқоқ пластинка. Дастлаб терига “иккинчи тери” вазифасини бажарувчи пластинка ёпиштирилади, кейин унга халтача ўрнатилади.

Мини-калоприемник битта компонентли калоприемник каби тузилган бўлиб, лекин жуда кичик ўлчамли халтачаси бўлади.

Ўз-ўзидан ёпишадиган калоприемниклар бир марта ишлатилади.

Улар дренажланадиган ва дренажланмайдиган турларга бўлинади.

Дренажланадиган калоприемниклар тўлганда, халтанинг қуйи қисмидаги қулфлаш мосламасини ёпилади, кун давомида бир неча марта очиб бўшатилади.

Қулфлаш мосламаси орқали халта стомадан ечилмаган ҳолатда оқар сув ёки нокчадан фойдаланиб ювилади.

Дренажланадиган ўзи ёпишувчи калоприемник бир марталик бўлиб, 3-6 кунда алмаштирилади.

Дренажланмайдиган калоприемникни алмаштириш ичак ажратмаси билан етарли даражада тўлгандан сўнг кўп марта такрорланади.

Одатда урологик операциялар, шу жумладан қовуқдаги операциялардан кейин жароҳатга сийдик тушмаслиги учун сийдикни ҳайдаш мақсадида дренажлар ва катетерлар қолдирилади. Каравотга шиша ёки махсус қопчиқлар боғлаб қуйилиб, уларга дренажлардан ажралиб чиқадиган суоцқик йиғилади. Сийдик йиғиладиган қопчиқлар тиниц материалдан ишланади ва ички юзаси стерил бўлади. Бу ҳолда фақат сийдик характерини (қон, йиринг аралашгани) эмас, балки маълум вақт ичида ажратилган сийдик миқдорини ҳам аниқлаш мумкин. Шу мақсадлар учун шишалар ишлатиладиган булса, тиниц рангли шишани олиш керак, шишадаги сийдик ҳидини йўқотиш учун унга озроқ миқдорда дезодорант восита (калий перманганат ва б.) қуйиш мумкин.

Сийдик тутолмаслик кўпинча ахлат тутолмаслик билан бирга учрайди, бироқ алоҳида кузатилиши ҳам мумкин. Сийдик терини баттар таъсирлантиради, ёқимсиз ҳид пайдо қилишдан ташқари, яхлит эрозиялар пайдо бўлишига олиб келади. Сийдик тутолмасликда уни сийдик чиқарув каналининг ташқи тешигига боғлаб қўйилган дока салфеткаларга йиғилади. Бундан ташқари, қиз ва уғил болалар учун махсус сийдикдонлар бўлади. Сийдикдон кунига 4—5 марта бўшатилади, бадбўй ҳидли қаттиқ чўкмани эритиш учун калий перманганат эритмаси билан ювилади. Ахлати ёки сийдигини тутолмайдиган беморларни парвариш қиладиган тиббий ҳамшира, касб-кор кўникмаларидан ташқари, андишали ва одобли, болага меҳрибон бўлиши керак. Айниқса катта ёшдаги болалар ўз дардларидан қаттиқ изтироб чекадилар ва ҳар қандай танбехдан хафа бўладилар. Тиббий ходимнинг бурчи бундай беморларнинг кўнглини кўтариш, уларда соғайиб кетишга ишонч ҳосил қилиш ҳисобланади.

## ОҒИР БЕМОРЛАРНИ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ВА БУРУН БЎШЛИҚЛАРИ ПАРВАРИШИ

Оғиз шиллиқ пардасида ва тишларда ҳосил буладиган караш, шунингдек овқат қолдиқлари тиш чўткаси ёки стерил дока салфетка билан кечкурун ва эрталаб механик тозалаб турилади. Тиш чўткасини тиш оралиқларини овқат қолдиқларидан ва тишларнинг ўзини карашдан тозалаш учун тишлар ўқи буйлаб: юқори жағда — юқоридан пастга ва пастки жағда — пастдан юқорига томон юргизилади. Сўнгра тиш чўткасини илиқ тоза сув билан совунлаб ювилади, совун суртиб, кейинги гал фойдаланишга қадар қолдирилади. Қаттиқ овқатни чайнашда оғиз бўшлиғининг ўз-ўзидан тозаланиши юз беради. Оғир ахволдаги беморларда бу жараён бузилади. Оғиз бўшлиғини парвариш қилиш - тиш чўткасидан фойдаланишда шиллиқ парда шикастланишининг олдини олиш, уни ишқалаш, ювиш ёки чайишдан иборат.

Тишлар ва тил 2% ли натрий гидрокарбонат эритмаси, 3% ли водород пероксид эритмаси, кучсиз калий перманганат эритмаси, физиологик эритмага ҳўлланган дока ёки пахта пиликчали пинцет ёрдамида артилади. Ҳар бир тишни алоҳида-алоҳида, айниқса буйин қисми кунт билан артилади. Юқори жағ тишларни артиш учун лунж шиллиқ пардасида орқа жағ тишлар сатҳида жойлашган қулоқ олди безининг чиқарув йўлига инфекция тушишининг олдини олиш учун лунжни шпатель билан обдан тортиб туриш лозим. Оғир ахволдаги беморларда оғиз бўшлиғини ҳар гал овқатлангандан сўнг резина

баллон ёрдамида ювилади.


Бунинг учун оғизни артишда ишлатилган дори эритмаларидан фойдаланилади. Суюқликнинг нафас йўлларига тушиши учун беморни бошини бир оз энгаштириб ўтқизилади. Бўйни ва кўксини клеёнка фартук билан бекитилади, иягига эса буйраксимон тоғорача тутиб турилади. Оғиз бурчаги шпатель билан тортиб турилади ва ўртача босимдаги суюқлик оқими билан аввал лаб бурмаларини, сунгра эса оғиз бушлигининг ўзи ювилади.

Бурун бўшлиғи ажралмаларидан нафас олишни қийинлаштирадиган қатқалоқлар ҳосил булади. Уларни тозалаш учун; вазелин мойи суртилган дока пиликча киритилади ва 2—3 минут ўтгач қатқалоқлар айланма ҳаракатлар билан чиқарилади. Болада бурун йўллари пахта пиликча билан тозаланади.

### ОҒИР БЕМОРЛАРНИ КЎЗ ВА ҚУЛОҚЛАРИ ПАРВАРИШИ

Агар кўздаги ажралмалар киприк ва қовоқларни ёпиштирадиган бўлса, кўзни ювиш талаб этилади. Бунинг учун борат кислотанинг 2% ли эритмаси, физиологик эритма, совитилган қайнаган сув ишлатилади. Кўзни шиша идиш - пипетка, хўлланган стерил дока шиликча ёрдамида ювилади (8-расм).

Қулоқларни парвариш қилиш уларни илиқ сув билан совунлаб ювиш ва ташқи эшитув йулини қулоқ кири (олтингугуртли аралашма – сера) дан пахта пиликча ёрдамида эҳтиётлик билан тозалашдан иборат.



8-расм. Кўзни парвариш қилиш.

### ҚУСАЁТГАН БЕМОРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Наркоздан кейинги даврда беморларда қусиш пайдо бўлиб, қусуқнинг нафас йўлларига тикилиб қолмаслиги чорасини куриш жуда муҳимдир. Қусиш белгилари пайдо бўлса, тиббий хамшира беморнинг бошини бир ёнга буради, хамшира олдиндан тайёрлаб қуйилган тоза сурп билан беморнинг оғиз бушлигини артиб олади ва дарҳол врачга маълум қилади.

### БЕМОРЛАР ТАНА ҲАРОРАТИНИ, ПУЛСИНИ ВА АРТЕРИАЛ БОСИМНИ ЎЛЧАШ.

Ҳароратни кунига 2 марта: эрталаб соат 6 ва 7 орасида ва кечқурун соат 17 ва 18



орасида ўлчанади. Ҳарорат ўлчашдан олдин термометр ўлчагичи  $36^{\circ}\text{C}$  дан пастлигига ишонч ҳосил қилинади, ундан юқори бўлса, қўлни силташ йўли билан кўрсаткич туширилиб, сўнгра тана ҳарорати ўлчанади. Тана ҳарорати бемор танасининг қуйидаги қисмларида ўлчаниши мумкин: иккала қўлтиқ остидан; оғиз бўшлиғидан; орқа чиқарув тешигидан. Ҳарорат ўлчангандан сўнг термометр ювилади ва дезинфекция қилинади.

Орқа чиқарув тешигидан ҳарорат ўлчанганда муолажадан олдин термометрга мўл қилиб вазелин суртиб, сўнг киритиш лозим. Ҳарорат улчангандан сунг термометр ювилади ва дезинфекция қилинади. Олинган маълумотлар температура варақасига ёзиб қўйилади.

**Пульс частотасини аниқлаш.** Пульс — юрак қисқариши натижасида томирлар деворларининг турткисимон тебранишларидир. Пульс сонини билак артериясида аниқлаш учун текширувчи ўзининг 2—5 бармоқлари билан пастки қисмининг ички юзасига (артерия жойлашган жойга) қўяди ва уни билак суягига оҳиста босади, бош бармоғини текширилаётган одам қўли пастки юзасига қуяди. Ўнг қўлдаги пульсни чап қўл билан, чап қўлдагини ўнг қўл билан текширади. Одатда пульс 1 минут ёки 30 с мобайнида саналади, кейинги ҳолда натижа 2 га кўпайтирилади. Катта ёшдаги соғлом одамда тинч турганда пульс частотаси 1 мунутда 60—80 қисқаришлар атрофида бўлади. Янги туғилган болаларда пульс 1 мунутда частотаси 130—140 қисқаришлар атрофида бўлади. Турли хил касалликларда пульс частотаси ўзгариши мумкин.

### АРТЕРИАЛ БОСИМНИ ЎЛЧАШ

Артериал босими улчаш 2 хил усулда амалга оширилади. Биринчи исули Рива-Роччи иккинчиси Коротков усули. Артериал босим асосан елка соҳасида аниқланади. Бунинг учун тонометрдан ва фонендоскопдан фойдаланилади. Тонометрнинг манжети елка соҳасига боғлаб фонендоскоп елка тирсакка қўйилади. Балонча билан ҳаво юборилади ва елка қисилади, кейин ҳавоси чиқарилади ва фонендоскоп билан эшитилади ва биринчи товуш систолик қон босими дейилади, охириги товуш диастолик қон босими дейилади. Соғлом одамда қон босими 120/80 мм. сим. уст. булади. Чақалоқларда систолик  $90 + 2 \times \text{II}$  Формула билан ҳисоблади диастолик босим еса  $60 + \text{II}$  формула билан ҳисобланади II- боланинг ёши. Масалан бола 4 ёшда  $90 + 2 \times 4 = 98$  бу систолик босим  $60 + 4 = 64$  Бу диастолик босим ҳисоблади. Боланинг ёшига қараб қон босими ҳам узгариб боради.


### ХАНТАЛ, КОМПРЕСС ВА ИСИТГИЧЛАР ҚЎЙИШ.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

1. Халматова Б.Т. – ТТА 1-сон Болалар касалликлари кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
2. Миррахимова М.Х. - ТТА 1-сон Болалар касалликлари кафедраси доценти
3. Охунов А.О. – ТТА умумий ва болалар хирургияси кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
4. Атаков С.С. - ТТА умумий ва болалар хирургияси кафедраси доценти
5. Каримов М.Ш. – ТТА ИКП ва гематология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
6. Парпибаева Д.А. – ТТА ИКП ва гематология кафедраси доценти, т.ф.н.
7. Жафаров Х.М. - ТошПМИ болалар хирургияси кафедраси

**Тақризчилар:**

Фан дастури ..... институт Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_” -сонли баённома).

## II. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва ортирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Клиник тиббиётга ва тиббиёт касбига кириш фани бўлажак мутахассисни тайёрлашнинг илк босқичи ҳисобланади. Талабалар томонидан бемор муаммоларини аниқ тасаввур қила олиш бемор парваришига ёрдам беради.

Клиник тиббиётга ва тиббиёт фанига кириш фани ўқув режасининг клиник фанлар блокига таалуқли бўлиб, 1 курснинг 1-2 семестрларида ўқитилади ва синов (зачет) билан яқунланади. Фанни ўқитиш учун биология, одам анатомияси, кимё фанлари назарий замин бўлиб хизмат қилади. Клиник тиббиётга ва тиббиёт касбига кириш фани кейинчалик ички касалликлар пропедевтикаси, болалар касалликлари пропедевтикаси, умумий хирургия ва болалар хирургияси фанлари учун назарий замин бўлиб хизмат кўрсатади.

## III. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад - катталар ва болалар саломатлигини яхшилаш учун зарур бўлган сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш компетенцияларини шакллантириш.

### **Фанни вазифаси:**

- катталар, болалар ва ўспиринларни стационар даволаш тизимида парвариш қилишни, ҳамширалик жараёни босқичларини ўргатиш;
- даволаш муассасаларидаги режимни ўргатиш;
- деонтология ва этика тамойилларини сингдириш;
- стационарда даволаниш давомида катталар ва болаларга санитар ишлов бериш қодаларини ўргатиш;
- анропомерия, термометрия усулларини ўргатиш;
- энг кўп тарқалган касалликлар билан даволанаётган беморларни дифференциал тарзда парвариш қилишни ўргатиш;
- касаллик тури ва оғирлик даражаси, беморнинг ёшига қараб овқатлантиришни ўргатиш;
- дори воситаларини қабул қилиш усуллари ва йўллари ўргатиш;
- тиббий муолажаларни бажариш техникасини ўргатиш;
- беморларни тезкор ва режали операцияларга тайёрлашни ўргатиш;
- жонлантириш бўлимида даволанаётган ва жонлантириш бўлиmidан чиққан беморларни парвариш қилишни ўргатиш;
- хаёт учун хавфли ҳолатларда (юракнинг тўхташи, нафас олишнинг бузиллиши, қон кетиши, захарланиш, куйиш, совуқ қотиш, аспирация) беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш;
- лаборатор текширув учун биологик материалларни тўплашни ўргатиш;
- парваришнинг замонавий усуллари тўғрисидаги илмий адабиётлардан фойдаланишни ўргатиш;

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади.

### **Талаба:**

- беморларни парвариш қилишнинг деонтологик тамойиллари; даволаш ва профилактика муассасаларининг турлари; беморни парвариш қилиш усуллари ва унинг аҳамияти; ҳамшира иш жойига бўлган талаблар; ҳамшира иш жойидаги хужжатлар ва уларни юритиш тартиби; дори воситаларини сақлаш ва тарқатиш; дезинфекция, стерилизация, асептика ва

антисептика қоидалари; касалхона ходимларининг шахсий гигиена қоидалари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;

– физиологик ва даво столлари, беморни овқатлантириш ва идишларга қайта ишлов беришни; ҳаракат режимини; «реанимация», «клиник ўлим», «биологик ўлим» тушунчаларини, реанимацион чора-тадбирларни ўтказишга кўрсатмаларни; беморларни санитар ишлов бериш турларини; безгак турларини; беморларни рентгенологик, ультратовуш ва бошқа текширувларга тайёрлашни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– хоналарни тозалаш, хонани шамоллатиш, жорий ва якуний дезинфекция ўтказиш; дори воситаларини бериш усуллари; тиббий муолажаларни ўтказиш (термометрия, антропометрия, нафас олиш сони, юрак уриш сонини аниқлаш, артериал қон босимини ўлчаш); даво муолажаларини ўтказиш (ингаляциялар, горчич қўйиш ва бошқ); тананинг турли қисмларини иммобилизация қилиш усуллари; оғир беморларни парвариш қилиш **амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак**.

#### **IV. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

##### **1. Бемор болаларни парвариш қилиш**

1. Педиатрияга кириш. Педиатриянинг ривожланиш тарихи. Болалик даврлари.
2. Турли ёшдаги болаларни парвариш қилишда ҳамширалик жараёнинг хусусиятлари.
3. Соғлом болаларни овқатлантириш.
4. Кўкрак ёшидаги болаларнинг психомотор ривожланиши
5. ОИВ/ОИТС инфекцияси. Болаларда кечиш хусусиятлари. Профилактика усуллари.

##### **2. Терапевтик беморларни парвариш қилиш**

1. Тиббиёт деонтологияси асослари. Хозиргизамонтиббиётида ятрогения, эвтаназия муаммолари. Мулоқот турлари. Клиника фаолияти билан танишиш. Даволаш муассасалари фаолиятини ташкил этиш. Беморлар умумий парваришининг моҳияти.
2. Нафас тизими касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва уларнинг назорати.
3. Юрак-қон томир тизими касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва уларнинг назорати.
4. Хазм тизими касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва уларнинг назорати.
5. Буйрак ва сийдик ажратув йўллари касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва уларнинг назорати.

##### **3. Хирургик беморларни парвариш қилиш**

1. Хирургиянинг асосий йўналишлари. Хирургик ёрдам тузилмаси ва уни ташкил этиш хусусиятлари
2. Хирургик касалликлар ва турли шикастланишдан кейинги беморларни парваришlash
3. Хирургик беморларни диагностик текширув ва хирургик амалиётга тайёрлашнинг ўзига хослиги. Хирургик амалиётдан кейинги асоратлар ва амалиётдан кейинги даврда беморлар парвариши
4. Терминал ҳолатлар ва реанимация асослари. Хирургик бўлимда ўлган беморларга муносабат асослари. Эвтаназия муаммолари.

##### **4. Хирургик бемор-болаларни парвариш қилиш**

1. Хирургик касалликлар хақида тушунча хирургик касалларни қабул қилиш маслаҳат беришнинг асосий қонуниятлари ва турлари. Шифокор ва бемор мулоқотининг ахамияти, ятрогения ва эфтаназия муаммолари ва уларни хал қилишнинг ахамияти.
2. Хирургик беморларни операция олди даврида ва операциядан кейинги даврда шифокорнинг бемор билан мулоқотининг ахамияти, антисептика ва асептика

конуниятларини ўрганиш, шахсий гигиена ва шифохона ички инфекцияси хақидаги маълумотлар.

3. Терминал беморлар ва уларни парваришлаш асослари.

## **V. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

### **1. Бемор болаларни парвариш қилиш**

1. Болаларга ва ўсмирларга даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишнинг замонавий тамойиллари. Болалар даволаш-профилактик корхоналарининг ишини ташкиллаштириш.

Болалар касалхонасининг даволаш-ҳимоялаш тартиби. Соғлом ва бемор болаларнинг парвариш қилиш тизими хақида тушунча. ЖССТ ва БМТ нинг “Болага яхши муносабатли шифохона” болалар фондининг ташаббус тамойиллари. Болалар парвариши ва тарбиясида кичик ва ўрта тиббиёт ходимларининг ўрни. Тиббиёт ходимлари фаолиятининг этик-деонтологик тамойиллари. Кичик ва ўрта тиббиёт ходимларининг функционал вазифалари (палата, муолажа хонаси хамшираси).

2. Болалар касалхонасининг тузилиши. Шифохонанинг асосий тузилиш бўлимлари: қабул бўлими, даволаш бўлимлари, махсус даволаш бўлимлари, ташхислаш хизмати хонаси ёки бўлими, хўжалик хизмати, ташкилий-методик бўлим. Бўлим ва хизматларнинг вазифалари ва фаолиятлари. Санитар-эпидемиологик тартиб. Шифохонага беморлар қабули, педикулез ва юқумли касалликларни олдини олиш. Бемор болаларнинг ота-оналарининг ташрифи ва озик-овқат олиб келишини назорат қилиш. Дезинфекция турлари. Бемор хонасини тозалаш техникаси, жорий ва якуний дезинфекция. Дезинфекцияловчи суюқликларни тайёрлаш ва ишлатиш техникаси. Бемор хонасини санитар ҳолатини назорат қилиш, тоза ва ишлатилган чойшабларни сақлаш ва алмаштириш тартиби. Хамширанинг тиббий хужжатлари ва навбатчиликни топшириш тартиби. Хамшира ва кичик хамшираларнинг иш жойини ташкил қилиш. Навбатчиликни алмаштириш ва топшириш қоидалари. Дори воситаларини ҳисобга олиш ва сақлаш.

3. Болалар корхонаси ишчиларининг шахсий гигиенаси. Болалар корхонасининг ускуналари. Янги туғилган чақалоқларнинг, кўкрак, эрта ва катта ёшдаги болалар ва ўсмирларнинг шахсий гигиенаси. Беморларнинг ички кийими ва чойшабларини алмаштириш ва шахсий гигиена қоидалари. Гигиеник ва даволовчи ванналарини ўтказиш техникаси. Эрта ёшдаги бемор болаларни хожатга чиқишида ёрдамлашиш.

4. Беморлар транспортировкаси. Ҳар хил касалликларда беморларни транспортировкаси қоидалари. Кўкрак, эрта ва мактаб олдинги даврдан олдинги давр ёшидаги ва оғир болаларни транспортировка қилиш хусусиятлари. Ётоқ яраларни профилактикаси ва даволаш, и лечение пролежней, гигиеник ва даволовчи ванналарини ўтказиш техникаси. Катта ёшдаги бемор болаларни хожатга чиқишида ёрдамлашиш.

5. Термометрия. Тана ҳароратини белгилаш. Тиббий муолажаларни бажариш техникаси: антропометрия, термометрия, натижаларни қайд қилиш. Термометрия ўтказиш қоидалари ва техникаси. Ҳарорат ўлчашнинг асосий жойлари: кўлтиқ ости, чов бурмаси, тўғри ичак. Беморни ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар.

6. Касалхонада болаларни овқатлантириш. Турли ёшдаги болаларнинг физиологик ва даволовчи овқат турлари хақида тушунча. Оғир беморларни овқатлантириш. Овқат тайёрловчи бўлим ишининг ишлаш тартиби ва қоидалари, тайёрланган овқатларни касалхона бўлимларига транспортировкаси. Болаларни овқатлантириш қоидалари, идиш анжомларининг тозалаш техникаси. 1 ёшгача бўлган болаларни овқатлантириш техникаси. Мактабгача бўлган ёшдаги ва оғир беморларни овқатлантириш.

7. Кўкрак ёшидаги болани парвариш қилиш. Эрта ёшдаги болаларни тарбиялаш элементлари, кун тартиби, уйқу режими. Бир ёшгача бўлган болаларни кийинтириш техникаси. Чиниқтириш хақида тушунча, болаларни вазни ва бўйини ўлчаш. Кўкрак ёшидаги

болаларни овқатлантириш, эмизиш техникаси. Идиш товоқларни сақлаш ва тозалаш техникаси. Кўкрак ёшидаги болаларни табиий, аралаш ва сунъий овқатлантириш қоидалари.

8. Эрта ёшдаги болаларни жисмоний ва нерв-психик тарбияси воситалари. Эрта ёшдаги болаларни тарбияси, кун тартиби, уйқу. Бир ёшгача бўлган болаларни тарбиялаш тизимида жисмоний ва нерв-психик воситаларни кўллаш. Тартиб тушунчаси, болаларни ўсиши ва тарбиясини назорат қилиш. Болалар атрофининг ташқи кўриниши ва хонани эстетик жиҳозлаш. Дам олиш жойининг аҳволи. Хона анжомлари ва ўйинчоқларни танлаш. Ходим ва боланинг ташқи кўриниши ва хулқи. Эрта ёшдаги болаларнинг уст боши кийимларига санитарно-гигиеник талаб. Жисмоний, ақлий, эстетик тарбияни комплекс элементлари. Турли ёшдаги болаларнинг кун тартиби. Бола ривожланиши ва хулқини назорат қилиш

9. Ташхислаш мақсадида лаборатор текшириш учун биологик материални йиғиш, сақлаш ва жўнатиш тартиб қоидалари (қон, сийдик, аҳлат, балғам ва бошқалар). Беморни ультратовуш, эндоскопик ва рентгенологик текширувга тайёрлаш тартиби ва қоидалари.

10. Дори воситалариникабул қилиш турлари ва мақсади. Оғиз орқали дорини юбориш тартиби ва қоидалари. Дори воситаларини парентерал юбориш техникаси билан танишиш. Дори воситаларини парентерал юбориш тартиби ва қоидалари (тери ичи, тери ости, мушак ораси, томир ичи инъекциялари). Дори воситасини парентерал юборишга кўрсатма. Парентерал инекция техникаси ва қоидалари. Асоратлар (гематома, қон кетиш ва бошқалар). Кўкрак ва эрта ёшдаги болаларга даволаш ва диагностика мақсадида парентерал муолажалар ўтказиш техникаси. Томир ичига муолажа ўтказиш ва инфузия қилишни назорат қилиш.

11. Овқат ҳазм қилиш касалликлари билан оғриган беморларни кузатиш ва парваришлаш. Ошқозон тизими касалликларида бемор болаларни парвариш қилиш. Овқатланиш, сув ва туз эритмаларни бериш хусусиятлари. Ошқозон ва дуоденал зондлаш, ичакни бўшатиш техникаси. Бемор бола нажаси ҳолатини назорат қилиш. Ошқозонни ювиш, тозаловчи ва даволовчи ҳўкна кўйиш техникаси. Қорин оғриғида, диарея ва қусишда врачгача бўлган ёрдам кўрсатиш. Ошқозон ичак трактидан қон кетишда врачгача бўлган ёрдамнинг асосий босқичлари.

12. Сийдик чиқариш йўллари касалликларида бемор болаларни назорат қилиш ва парваришлаш. Бўйрак ва сийдик чиқариш йўллари касалликларида бемор болани парвариш қилиш. Овқатланиш, сув ва туз қабул қилиш тартиби. Сув қабул қилиш ва чиқаришни назорат қилиш қоидалари. Лаборатор текширув учун сийдикни йиғиш техникаси. Эрта ёшдаги болалардан сийдик йиғиш хусусиятлари. Беморни ультратовуш ва рентгенологик текширувга тайёрлаш тартиби ва қоидалари.

13. Юрак қон томир касалликларида бемор болаларни назорат қилиш ва парваришлаш. Юрак қон томир касалликларида бемор болаларга парвариш ўтказиш қоидалари. Қон босимни ўлчаш, пульс, нафас, юрак ўришини санаш техникаси. Овқатланиш, сув ва туз қабул қилиш тартиби. Юрак - қон томир тизими касалликларида ҳаракат қилиш тартибини бажарилишини назорат қилиш хусусиятлари.

14. Нафас олиш тизими касалликларида бемор болани назорат қилиш ва парваришлаш. Нафас олиш аъзолари касалликларида (пневмония, бронхит, асма, ЎРИ) бемор болани парваришлаш қоидалари Қон босимни ўлчаш, пульс, нафас, юрак ўришини санаш техникаси. Функционал текширувлар ўтказишга кўрсатма (пикфлоуметрия, спирометрия, спирография, балғам олиш техникаси).

15. Тери касалликларида бемор болани назорат қилиш ва парваришлаш. Тана ҳарорати кўтарилган бемор болани парвариш қилиш. Тери касаллигида ва тана ҳарорати кўтарилганда овқатланиш, сув-туз қабул қилиш тартиби. Термометрия ва маълумотларини белгилаш. Терини йирингли, сувланувчи касалликларида профилактика. Тери шикастланганида парвариш қилиш тартиби. Тиббий муолажа ўтказиш техникаси. Врачгача бўлган ёрдамни ўтказиш. Гигиеник муолажаларни ўтказиш техникаси (эрталабки туалет, ванна, ювиниш, бошни соч қисмини ва тирноқларни парвариш қилиш). Даволовчи ванналарни қабул қилиш. Суртма дори воситаларни суриш техникаси.

16. Қон кетиш ҳолатларида бемор болани парвариш қилиш. Қон кетиш турлари. Қон ҳосил қилиш тизим ва гемостаз касалликларида бемор болани парвариш қилиш. Қон кетиш юқори бўлган ҳолатларда ҳаракат қилиш режими. Бурундан, ошқозон-ичак трактидан, бачадондан ва бошқа аъзолардан қон кетишда врачгача бўлган ёрдамни кўрсатиш.

## **2. Терапевтик беморларни парвариш қилиш**

**1. Даволаш муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш. беморлар умумий парваришининг моҳияти.** Амалий тиббиёт тамоилларининг асослари. Даволаш муассасаларининг турлари. Терапевтик беморларни даволашнинг умумий тизимида бемор парваришининг аҳамияти. Даволаш муассасаларида ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимларининг вазифалари. Тиббиёт этикаси ва деонтология асослари. Тиббий ходимларнинг ташқи кўриниши. Тиббиёт ходимларининг ахлоқий ва юридик жавобгарлиги. Шифохона қабул бўлими. Қабул бўлимининг асбоб-ускуна ва жихозлар билан таъминланганлиги. Беморларни қабул қилиш ва руйхатдан ўтказиш. касаллик тарихининг паспорт қисмини тўлдириш. Тери қопламлари ва сочни кўздан кечириш. Педикулёз аниқланган беморларни тозалаш. Беморлар гигиенаси(тўлиқ ва қисман). Шифохона даволаш бўлимларида беморлар транспортировкаси турлари. Қабул бўлимининг санитар-эпидемиологик режими.

Шифохона даволаш (терапевтик) бўлимлари. Даволаш (терапевтик) бўлимлари ускуна ва жихозлари. Даволаш бўлимларида ҳамшира вазифалари. пост ҳамширасининг ишини ташкиллаштириш. Антропометрия. Даволаш бўлимларининг ички тартиб қоидалари. Беморларга ташрифни ташкиллаштириш. Тиббий ҳимоя режими ҳақида тушинча. Тиббий хужжатлар: шифокор тавсияси дафтари, касаллик тарихи тавсиясидан кўчирма олиш. Беморлар фаолияти журнали, навбатчиликни топшириш журнали, кучли таъсирга эга ва наркотик анальгетикларни ҳисоб китоб журнали. Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш. Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш тартиби: оғир ва янги қабул қилинган бемор билан танишиш, палаталар кўриги, шошилинич ва бажарилмаган тавсияларни, пост ҳамшираси документларини топшириш. Даволаш (терапевтик) бўлимлар санитар-эпидемиологик режими.

**2. Беморлар овқатланиши.** Шифобахш овқатланиш ҳақида тушинча. Парҳез столлар ҳақида тушинча. Меню тузиш ва қайд қилиш. овқат тарқатиш тартиби. Оғир беморларни, заифлашган ва қари ёшдаги беморларни озиклантириш. Беморларни зонд ёрдамида сунъий ва парентерал озиклантириш.

**3. Тана ҳарорати ва уни ўлчаш.** Термометр ва уни сақлаш, дезинфекция қилиш. Тана ҳароратини ўлчаш усуллари. Тана ҳароратини ўлчаш натижаларини қайд қилиш, ҳарорат варақасини тўлдириш. Иситма ҳақида тушинча. Иситма турлари. иситма ривожланишининг 3 та даври. Иситмалаган беморларни парвариши.

**4. Физиотерапевтик муолажалар.** Зулук қўйиш техникаси. Кекса беморларда оддий физиотерапевтик муолажалар ўтказишнинг хусусиятлари. Муолажалар вақтида беморларни кузатиш ва асоратлар юзага келган ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш.

**5. Дори воситаларини қўллаш усуллари.** “А” ва “Б” руйхатдаги дори воситаларини, ташқи, энтерал ва парентерал киритиладиган дори воситаларини бўлимда сақлаш. Дори воситаларин киритишнинг энтерал йўли. Таблетка, порошок, капсула, эритма, микстура, томчи дориларни тарқатиш. Ҳамшира ҳузирида дори воситаларини қабул қилиш. Суппозиторийларни(свеча) қўллаш. Дори воситаларини ташқи қўллаш усуллари. Малхамлар, эритмалар, кукунлар, пластрларни қўллаш. Дори воситаларини парентерал киритиш усуллари. Шприц ва ниналар турлари. Антибиотиклар эритиш қоидалари.

Бемор терисини инъекцияга тайёрлаш. Тери ости ва мушак орасига инъекция қилиш техникаси. Эҳтимолли асоратлар ва уларнинг профилактикаси. Ёғли эритмаларни киритиш хусусиятлари. Вена ичи инъекциясини техникаси. Венепункция. Суюкликларни вена ичига киритишда системани тўлдириш. Вена ичига томчилаб дори юбориш техникаси содир бўлиши мумкин бўлган асоратлари ва профилактикаси. Текширув учун қон олиш техникаси.

Аллергик реакциялар ҳақида тушинча, анафилактик шок. Шифокоргача бўлган биринчи ёрдам.

**6. Нафас тизими касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва уларни назорати.** Нафас тизими касалликларида кузатиладиган асосий патологик симптомлар (ҳансираш, бўғилиш, йўтал, қон тупириш, ўпкадан қон кетиши, кўкрак қафасида оғриқ, иситма) ҳақида тушунча.

Нафасни кузатиш, нафас ҳаракатини санаш. Беморга тўшакда қулай шароит яратиш. Оксигенотерапия усуллари. Кислород баллонлари билан ишлаж жараёнида ҳавфсизлик чоралари. Чўнтак ингаляторларидан фойдаланиш. Текширув учун балғам йиғиш. Туфдонни дезинфекциялаш. Нафас тизими касалликлари билан касалланган беморларни умумий парвариши.

**7. Юрак қон томир тизими касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва кузатиш.** Юрак қон томир тизими касалликларида кузатиладиган асосий патологик симптомлар (юрак соҳасида оғриқ, ҳансираш, бўғилиш, шиш ва бошқалар) ҳақида тушинча. Артериал гипертензия, юрак ва томир етишмовчиликлари ҳақида тушунча. Атрериал пульсни текшириш. Рақамли ва график тарзда қайд қилиш. Артериал босимни ўлчаш техникаси. Қон айланиш аъзолари касалликлари билан касалланган беморлар умумий парвариши: ётоқ учун қулай ҳолат яратиш, чойшабларни алиштириш хусусияти, ётоқ яралар профилактикаси, беморларни озиклантириш, парҳез, сув туз балансини назорат қилиш ва ҳ.к. Кекса беморларда кузатув ва парваришнинг ўзига хос жиҳалари. Юрак соҳасида оғриқ, бўғилиш, артериал босимнинг кўтарилиши, ҳушсизланишда биринчи шифокоргача бўлган ёрдамни кўрсатиш.

**8. Хазм тизими касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва кузатиш.** Хазм тизими касалликларида кузатиладиган асосий патологик симптомлар (қоринда оғриқ, диспептик ўзгаришлар, меъда ва ичакдан қон кетиш, сариқлик ва бошқалар) ҳақида тушунча. Беморларни рентгенологик ва эндоскопик текширувларга тайёрлаш. Таҳлил учун ахлат олиш. Беморларни ахлатни яширин қонга текшириш таҳлиliga ахлат олиш учун тайёрлаш. Кекса беморларда кузатув ва парваришнинг ўзига хос жиҳалари.

**9. Буйрак ва сийдик ажратув йўллари касалликлари билан касалланган беморларни парвариши ва кузатиш.** Сийдик чиқариш, унинг тезлиги ва характерини кузатиш. текширув учун пешоб олиш, лабораторияга юбориш. Глюкозурияни лаборатор аниқлаш учун пешоб йиғишнинг қоидалари. Ўткир сийдик тутилишида чора тадбирлар. Катетеризация. буйрак ва сийдик йўллари касалликлари билан касалланган беморларнинг умумий парвариши. Кекса беморларда кузатув ва парваришнинг ўзига хос жиҳалари. Оғир ва агонал беморлар парвариши.

### **3. Хирургик беморларни парвариш қилиш**

**1. Тиббиёт этикаси ва деонтология асослари.** Тиббиётда этика ва деонтология тушунчаси. Шифокор ва бемор. Шифокор ва бемор қариндошлари. Онкологияда деонтология. Шифокор сири. Тиббиёт муассасида ходимларнинг ўзаро муносабатлари. Шифокор ва жамият. Тиббиёт ходимлари хулқ атвори (ўзини тутишлари).

**2. Хирургик ёрдам тузилмаси ва уни ташкил этиш.** Қабул бўлими ишини ташкил этиш. Қабул бўлими функциялари. Тозалов ишларига талаблар. Кутиш зали. Навбатчи хамшира хонаси. Кўрик хонаси ва унинг жихозланиши. Муолажа хонаси ва жихозланиши. Амалиёт ва бойлов хоналари. Санитар кўрик ўтказиш хонаси ва унинг вазифалари. Қабул бўлими хамшираси вазифалари. Қабул бўлими хирург вазифалари. Хирургик касалларни қабул қилиш қоидалари. Хирургик бемор транспортировкаси. Хирургик бўлим тузилиши ва жихозланиши. Беморхона (палата) ва шифохона ўрни. Боғлов хонаси. Кун тартиби. Хирургик бўлим даволаш – профилактика режими. Хирургик бўлимни тозалаш. Госпитал инфекция. Реанимация ва интенсив терапия бўлимининг ўрни ва ахамияти. Реанимация ва интенсив терапия бўлимида бемор атроф мухити клиник гигиенаси. Реанимация ва интенсив терапия бўлимининг даволаш- профилактика режими. Реанимация ва интенсив терапия бўлимида тиббиёт ходимлари атроф мухити клиник гигиенасининг хусусиятлари. Реанимация ва

интенсив терапия бўлимининг бўлинмалари тузилиши. Реанимацион зал. Реанимацион зал жихозланиши. Текширув-диагностик аппаратлар. Даволаш аппаратлари. Индивидуал парвариш жихозлари. Интенсив терапия палаталари. Реанимация ва интенсив терапия хамшираси пости.

**3. Бемор гигиенаси.** Бемор шахсий буюмлари гигиенаси. Бемор танаси гигиенаси. Беморни ювиш ва тахорат килиш. Бемор сочлари парвариши. Бемор кўзлари парвариши. Бемор кулоқлари парвариши. Бемор бурни парвариши. Бемор оғиз бўшлиғи парвариши. Бемор тери қоплами парвариши.

**4. Беморларни диагностик текширувларга тайерлаш.** Беморларни эндоскопик текширувларга тайерлаш. Беморларни рентгенологик текширувларга тайерлаш. Ультратовуш текширувга тайерлаш. Рентген компьютер томографияси ва магнит-резонанс томография текширувига тайерлаш. Хўқналар ўтказиш. Тозаловчи хўқна, бажариш техникаси. Сифон хўқна. Гипертоник хўқна. Колостом оркали хўқна килиш.

**5. Турли касалликларда беморлар парвариши.** Магистрал кон томирлар касалликлари ва шикастланишлари билан беморларни парвариши. Вена кон томирлари касалликлари билан беморларни кузатиш ва парвариш қилиш. Ўпка ва плевра бўшлиғи йирингли касалликлари билан беморларни парваришлаш. Қон туфлаш билан беморларни парвариши. Таянч – ҳаракат аппарати шикастланиши билан беморларни парвариши. Урологик касаллар парвариши. Ётоқ яралар профилактикаси. Беморни тўшакдаги холати. Бемор кийими ва чойшабини алмаштириш. Оғир беморларни кийимини алмаштириш.

**6. Беморларни оператив давога тайерлаш.** Амалиётдан олдинги давр. Беморларни амалиётга психоэмоционал тайерлаш. Қорин олд девори ва қорин бўшлиғи аъзолари амалиётга тайерлаш. Кўкрак бўшлиғи аъзолари амалиётга тайерлаш. Хамрох патологияли беморларни амалиётга тайерлаш ўзига хослиги. Кекса ёшдаги ва қарияларни амалиётга тайерлаш ўзига хослиги. Бевосита амалиётга тайерлаш.

**7. Амалиётдан кейинги даврда беморлар парвариши.** Қорин бўшлиғи аъзолари амалиётдан кейинги беморлар парвариши. Кўкрак бўшлиғи аъзолари амалиётдан кейинги беморлар парвариши. Шикастланишдан кейин «Скелет тортиш»да ётган беморлар парвариши. Гастростомали беморлар парвариши. Илеостомали бемор парвариши. Калостомани парвариш қилиш. Ахлат қабул қилувчи мосламалар (калоприемник) турлари.

**8. Дори – дармонларни қўллаш усуллари.** Инъекциялар ўтказиш техникаси. Тери ичига инъекция. Тери ости инъекциялари. Мушак ичига инъекциялар. Венепункция. Вена ичига инъекциялар ва осмалар. Вена ичига томчилаб дори қуйиш системасининг тузилиши. Вена ичига дори қилишга системани тайерлаш. Вена ичига томчилаб дори қуйишда флаконни алмаштириш. Вена ичига инъекциялар асоратлари. Периферик ва марказий веноз катетерларни парваришлаш. Веноз катетерни олиб ташлаш алгоритми.

**9. Ковак аъзоларни дренажлаш.** Дренажлаш тўғрисида тушунча. Дренажлар қўллашга кўрсатмалар. Назогастрал, орогастрал зондлар. Меъдага зонд қўйиш техникаси. Меъдани зондлаш вақтида эҳтиёт чора тадбирлари. Назоинтестинал зонд. Трансанал дренажлаш.

**10. Хирургик беморлар овқатланиши.** Даволовчи озиклантириш. Даволовчи овқатлантириш асосий тамойиллари. Беморларни озиклантириш ва овқатлантиришни ташкил қилиш. Хирургик беморларни озиклантириш турлари. Табiiй овқатлантириш. Сунъий озиклантириш. Энтерал овқатлантириш. Энтерал овқатлантиришга кўрсатмалар. Энтерал овқатлантириш асослари. Беморларни зонд оркали овқатлантириш.

**11. Хирургик беморларни даволашда қўлланиладиган физиотерапевтик даволаш усуллари.** Физиотерапия ҳақида тушунча. Компресслар. Иситувчи компресс. Грелкалар. Музли халтачалар. Тиббиётда зулукни қўллаш (гирудотерапия). Сув билан даволаш. Ванналар. Ўтирган холатдаги ванналар. Даволовчи ванналар. Даволовчи физкультура.

**12. Терминал холатлар ва реанимация асослари.** Терминал холатлар турлари, симптоматикаси ва диагностикаси. Преагонал холат. Агония. Клиник ўлим. Биологик ўлим. Реанимацион муолажаларни ўтказишга кўрсатмалар. Реанимацион муолажаларни ўтказишга қарши кўрсатмалар. Нафас ва қон айланиши тўхтаганда биринчи ёрдам. Юрак – ўпка



реанимацияси техникаси. Сунъий нафас бериш. Юрак ёпик массажи. Тириклик белгилари мезонлари. Юрак – ўпка реанимациясини тўхтатишга кўрсатмалар. Хирургик бўлимда ўлган беморларга нисбатан бажариладиган хатти - ҳаракатлар қоидалари. Эвтаназия муаммолари.

#### **4. Хирургик бемор-болаларни парвариш қилиш**

1. Хирургик беморларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни қабул қилишда шифокорнинг тутган ўрни.
2. Биоэтика ва деонтология асосларини хирургик беморларни қабул қилишда қўллашнинг ахамияти.
3. Антисептика ва асептика асосларини ўрганиш, хирургик беморларни қабул қилишда санитар ишлов беришнинг ахамияти.
4. Хозирги замон тиббиётида ятрогения ва эвтонозия муаммолари
5. Маслаҳат беришнинг асосий принциплари, операция қабул қилишда, операция олди ва кейинги даврларда маслаҳат бериш. Ўзаро тушуниш ва ишонч, шифокорнинг ўзини тутиши.
6. Шифохона ички инфекцияси, «шахсий гигиена» ҳақида шифокорнинг – бемор билан мулоқот қилиши
7. Хирургик операция тушунчаси, турлари бўйича шифокорнинг – бемор билан мулоқоти.
8. Хирургик беморларни кузатиш в адаволашдаги муолажалари.
9. Наркоз тушунчаси, турлари, асоратлари бўйича шифокорнинг бемор билан мулоқот қилишининг ахамияти.
10. Беморни операция олди даврида шифокор томонидан олиб борилиши лозим бўлган муолажаларнинг ахамияти.
11. Беморнинг рухий ҳолати - тушкунлик, шок, қурқув, ғам - андух, хаяжон ҳолатларида шифокорнинг тутган ўрни.
12. Операциядан кейинги даврида шифокор томонидан олиб бориши лозим бўлган парвариш муолажаларининг ахамияти.
13. Овқатлантиришни ташкиллаштириш операциядан кейинги даври бўйича шифокорнинг бемор билан мулоқоти.
14. Терминал ҳолатдаги оғир беморларни олиб боришда–беморни аҳоли ҳақида хабар
15. Оғир хирургик беморларда кийим–кечак ва оқликларни алмаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ётоқ, яраларни олдини олишда шифокорнинг тутган ўрни.
16. Хирургик беморларда–амалиётдан кейинги даврда ОИТС (СПИД) масалалари бўйича маслаҳат беришнинг этик асослари.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади. Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

#### **Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Талабаларнинг “Клиник тиббиётга ва тиббиёт касбига кириш” фани бўйича клиник амалиёти касалхоналарнинг терапевтик, хирургик ва болалар бўлимларида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва 3 босқични ўз ичига олади:

1. Кириш қисми – машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, ўрганилаётган кўникмадан фойдаланишнинг мотивацион асоси, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Агар техник воситаларни қўллаш талаб этилса (пикфлоуметр, спироанализатор, тонометр, отоскоп, офтальмоскоп ваш.ў.), унда уларнинг таъсир механизми, қўллаш техникаси таништирилади.

2. Кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш – бунда кўникмани босқичларга тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилади. Тескари алоқани олгунга қадар, яъни ўрганаётган шахс мустақил, бироқ педагог назорати остида бажара олганда, кўникмани бажаришнинг барча босқичларини умумлаштириш ва муляжларда, ўзаро бири-бирида кўп марта машқ қилиш ва фақат кўникмага эга бўлгандан сўнг беморда қўллагунча, ҳар бир босқич намоиш қилинади ва ишлаб чиқилади.

3. Хулоса – ўрганаётган шахс билан ушбу кўникманинг аҳамиятини муҳокама қилиш ва уни турли вазиятларда қўллаш. Сўров асосида бирламчи бўғиннинг мақсади ва вазифаларига эришилганлигига ишонч ҳосил қилиш. Ўқитиш жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

Талабаларга бажарилаётган амаллар алгоритми мавжуд бўлиши лозим (кафедранинг услубий қўлланмасида касбий йўриқномалар батафсил ёритилган, ўқув хонаси деворига схема кўринишида осиб қўйилган бўлиши лозим). Ўқитувчи назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишга ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашга тайёр бўлишлари лозим.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлик даражасини баҳолайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

“Клиник тиббиётга ва тиббиёт касбига кириш” фани бўйича клиник амалиётни ўтиш даврида талабалар қуйидаги амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган:

### **1. Бемор болаларни парвариш қилиш**

1. Бемор бола ва ўспириннинг ота-онаси билан мулоқат қилиш;
2. Бемор болага қабулхонада санитар ишлов бериш, кийимини ва чойшабини алмаштириш;
3. Турли ёшдаги ва турли касалликлар билан касалланган беморларни парвариш қилиш ва транспортировкаси;
4. Боланинг тана ҳароратини ўлчаш;
5. Лаборатор текшириш учун биологик материалларни йиғишни билиш;
6. Бемор болаларни овқатлантириш билиш;
7. Чўнтак ингаляторларидан фойдаланиш кўникмаси.
8. Оғиз бўшлиғи, кўзлар ва сочлар парвариши.
9. Кўз, бурун ва қулоқ томчиларини томизиш.
10. Бемор бўйи ва вазнини ўлчаш.
11. Кўкрак қафаси айланасини аниқлаш.
12. Парвариш қилиш учун ишлатиладиган материаллар ва тиббий ускуналарни дезинфекция қилиш;
13. Суткали диурезни йиғиш;
14. Антропометрияни ўтказиш;
15. Термометрияни ўтказиш, нафас олиш сони, юрак уриш сонини аниқлаш, артериал қон босимини ўлчаш;
16. Тиббий муолажаларни ўтказиш (ингаляция, горчичник қўйиш ва бошқ);
17. Палата хамшираси, муолажа хонаси хамшираси хужжатларини юритиш;
18. Болада ҳаёт белгиларини аниқлаш;

19. Болада ўлим белгиларини аниқлашни билиш;
20. Турли хил қон кетишларда болага бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни билиш;
21. Қайт қилиш, қусиш, диарея, қорин оғриғида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш.
22. Тозаловчи хўкна ўтказиш

## **2. Терапевтик беморларни парвариш қилиш**

1. Беморлар парвариши ва унинг аҳамияти. Беморлар парваришида деонтологик жиҳатлар.
2. Даволаш-профилактик муассасаларнинг турлари, уларнинг фаолият тамоиллари.
3. Терапевтик бўлимлардаги тиббий-ҳимояловчи режим.
4. Қабул бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш.
5. Пост ҳамширасининг функционал вазифалари.
6. Муолажа хонаси ҳамширасининг функционал вазифалари.
7. Қабул бўлимида беморлар гигиенаси.
8. Тиббиёт ходимларининг қўлларини ювиш.
9. Муолажа хонаси жиҳозлари ва фаолияти.
10. Муолажа хонасини тозалаш ва кварц лампасини ишлатиш.
11. Хоналарнинг жорий ва ялпи кўтариб тозалаш.
12. Дори воситаларининг сақлаш ва тарқатиш қоидалари.
13. Дори воситаларини киритиш усуллари.
14. Дори воситаларини томир ичига томчилаб юбориш учун инфузион системани тайёрлаш.
15. Тери ости ва тери ораси инъекцияси методикаси.
16. Беморларнинг транспортировкаси.
17. Фаоллик тартиби. Турли касалликларда беморларнинг ётоқдаги вазияти.
18. Ўрин тўшакларни тайёрлаш. Беморларнинг кийими ва чойшабларни алмаштириш.
19. Бўйрак касалликлари билан касалланган беморларнинг парвариш хусусияти.
20. Сийдик тутилишида беморларнинг назорати ва парвариши.
21. Сийдик тутолмасликда беморларнинг назорати ва парвариши.
22. Бўйрак ва сийдик йўллари касалликлари билан касалланган беморларни инструментал текширувларга тайёрлаш.
23. Тери парвариши, ётоқ яралар профилактикаси ва даволаш.
24. Оғиз бўшлиғи, кўзлар ва сочлар парвариши.
25. Кўз, бурун ва қулоқ томчиларини томизиш.
26. Бемор бўйи ва вазнини ўлчаш.
27. Кўкрак қафаси айланасини аниқлаш.
28. Нафас ҳаракати сонини санаш.
29. Беморларнинг кресло-каталкада, замбилда ва қўлда транспортировкаси
30. Оғиз бўшлиғи, бурун, қулоқ парвариши.
31. Тана ҳароратини ўлчаш ва ҳарорат варақасига олинган маълумотларни қайд қилиш.
32. Лаборатор текширув учун балғам йиғиш.
33. Турли усулларда оксигенотерапия ўтказиш.
34. Чўнтак ингаляторларидан фойдаланиш кўникмаси.
35. Артериал қон босимини ўлчаш.
36. Бактериалогик текширув учун томоқ ва бурундан суртма олиш.
37. Лаборатор текширув учун пешоб йиғиш.
38. Зимницкий бўйича синама ўтказиш.

## **3. Хирургик беморларни парвариш қилиш**

1. Меъдага зонд қўйиш алгоритми
2. Ел (газ) чиқариш найчасини қўйиш техникаси.
3. Сифон хўкна ўтказиш, бажариш техникаси.
4. Ёғли хўкна ўтказиш, бажариш алгоритми.
5. Даволовчи (дорили) хўкна ўтказиш

6. Гипертоник хўкна ўтказиш
7. Тозаловчи хўкна утказиш. Бажариш алгоритми
8. Оғир ётган беморнинг чойшабини бўйламасига алмаштириш усули кетма- кетлиги
9. Оғир ётган беморнинг чойшабини кўндалангига алмаштириш усули кетма- кетлиги
10. Оғир ётган беморнинг кийимини ( куйлагини) алмаштириш техникаси
11. Оғир ётган бемор қулоқлари парвариши
12. Оғир ётган бемор бурни парвариши
13. Оғир ётган бемор сочлари парвариши
14. Оғир ётган бемор оғиз бўшлиғига ишлов бериш техникаси
15. Оғир ётган беморга тувак (судна) тутиш
16. Ётоқ яралар профилактикаси
17. Оғир пациентларни тахорат килиш ( оралиқ сохасини ювиш) техникаси
18. Тери ости инъекциясини бажариш алгоритми
19. Мушак орасига инъекция техникаси
20. Махаллий иситиш компрессини кўллаш техникаси
21. Гастростомани парвариш қилиш
22. Колостомани парвариш қилиш
23. Цистостомани парвариш қилиш
24. Беморни буйракларини рентгенографияга тайёрлаш
25. Беморни урографияга тайёрлаш
26. Беморни холецистографияга тайёрлаш
27. Беморни холеграфияга тайёрлаш
28. Беморни ирригоскопияга тайёрлаш
29. Беморни ректороманоскопияга тайёрлаш
30. Беморни колоноскопияга тайёрлаш

#### **4. Хирургик бемор-болаларни парвариш қилиш**

1. Қабул бўлимида беморларни тозалаш
2. Беморларни боғлов хонасига, операция хонасига ва палаталарга етказиш
3. Оғир беморларни ўрин кўрпа ва окликларини алмаштириш
4. Беморлар тумбочкалари санитария ҳолати ва тозалаш
5. Оғир беморларни ювинтириш
6. Оғир беморлар – тери, шиллик каватлари, сочлари ва тирноқлари парвариши
7. Беморларга судна, сийдикдон тутиш ва уларни тозалаш
8. Ичак ва сийдик окмалари булган беморлар парвариши
9. Оғир беморларни оғиз бушлиғи ва бурун бушликлари парвариши
10. Оғир беморларни кўз ва қулоқлари парвариши
11. Қўсаётган беморга ёрдам кўрсатиш
12. Беморлар тана ҳароратини пулсини ва артериал босимни улчаш
13. Хантал, компресс ва иситгичлар қўйиш
14. Махаллий муз халта қўйиш
15. Беморларга овқат тарқатиш ва овқатлантириш

#### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

#### **I. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

##### **1. Бемор болаларни парвариш қилиш**

1. Соғлом болаларни чиниқтириш усуллари
2. Тез-тез касалланувчи бола
3. Акселерация
4. Боланинг кун тартиби

5. Болалар орасидаги зарарли одатлар
6. Авитаминов ва гиповитаминозлар
7. Гиперактив бола

## **2. Терапевтик беморларни парвариш қилиш**

1. Хозирги замон тиббиётида ятрогения муаммолари. Ятрогениянинг аҳамияти, долзарблиги, хозирги замоннинг “агрессив” тиббиёт билан боғлиқлиги.
2. Эвтаназия муаммолари.
3. Пациент билан вербал мулоқот кўникмалари. Пациент билан новербал, вербал мулоқот, аҳамияти, турлари (вазоят, жест, овоз, интонация, ритм, мимика) кўникмалари.
4. Маслаҳат турлари, қоидалари, маслаҳат бериш кўникмалари, асосий принцип ва қоидалари. Коммуникацион тўсиқлар.
5. Беморларнинг руҳий ҳолати «Депрессия, шок, қўрқув, чўчиш, ипохондрия, ўзини айбдор хис қилиш», суйицидал фикрлаш ва х.к.
6. Кризис ҳолатда бўлган беморга маслаҳат бериш. Йўқотиш, бемор ҳолатини ўзига хослиги.
7. Оғир ва ўлаётган беморлар билан мулоқотнинг ўзига хослиги
8. Кекса бемор. Кекса организмнинг физиологик хусусиятлари

## **3. Хирургик беморларни парвариш қилиш**

1. Ётоқ яраларни даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари
2. Хирургик беморларни энтерал ва парентерал овқатлантириш учун замонавий дори-воситалар
3. Хирургик беморларни текшириш усуллари
4. Хирургик беморларни операциядан сўнгги даврда парвариш қилиш қоидалари ва усуллари
5. Замонавий зондлар, дренажлар, катетерлар
6. Хирургияда госпитал инфекцияни профилактикаси

## **4. Хирургик бемор-болаларни парвариш қилиш**

1. Болаларда ётоқ яраларни олдини олиш
2. Зонд орқали овқатлантириш
3. Хирургик беморларни текшириш усуллари
4. Хирургик беморларни операциядан сўнгги даврда парвариш қилиш қоидалари
5. Хирургик стомани парвариш қилиш
6. Болалар хирургияси бўлимида инфекциянинг олдини олиш
7. Операция қилинган болани овқатлантириш

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш
- Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;
- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

- Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- Вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- Кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- **Шунингдек талабанинг мустақил иши бўлиб:**
- График органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

## VI. Ўқув ва малакавий амалиётлар

Малакавий амалиёт даврида талабалар олий таълим ўқитиш босқичларида ўзлаштирган амалий кўникмаларини: бемор парвариши ва ёрдам кўрсатишни такомиллаштиради ва вилоят, шаҳар, туман миқёсидаги шифохона, амбулатория – поликлиника, туғруқ комплекси шифокорлари хизматининг ташкилий ишлари ва шароитлари билан танишишади.

Малакавий амалиёт дастури ўқув дастури, ўқув режа ва фан дастури асосида тузилади. Талаба малакавий амалиётни ўтганидан сўнг кундаликни тўлдириб, амалиёт даврида бажарилган ишлар бўйича хисобот тақдим этади ва амалиёт сўнгида имтиҳон жараёнида баҳоланади.

## VII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

### 1. Бемор болаларни парвариш қилиш

#### Асосий адабиётлар

1. Каримжонов И.А Педиатрия ва неонатологияда ҳамширалик иши –Т., 2012
2. Xalmatova V.T., Fayzieva O'R., Satiboldieva N.R. Neonatologiyada hamshiralik ishi – дарслик, -Т, 2014
3. Даминов .Т.О., Халматова .Б.Т.,Бобоева У.Р Болалар касалликлари, -Тошкент, 2013
4. Даминов .Т.О., Халматова .Б.Т.,Бобоева У.Р Детские болезни- Тошкент,, 2013

#### Қўшимча адабиётлар

1. Краснов А.Ф. Сестринское дело - таҳрири остида Олий ўқув юртларининг олий маълумотли хамшира факултети учун ўқув қўлланма- М., 2000 й, 1-2 том.
2. Синельников И.М. Неотложная помощь в педиатрии- Мостква, 2000
3. Болалар касалликларини интеграцион усулда олиб бориш. Ўқув қўлланма. УзРССВ/ЮНИСЕФ, 2003
4. Кўкрак сути билан боқиш. Ўқув қўлланма. ЎзРССВ/ЮНИСЕФ, 2013.
5. Болаларга стационар ёрдам курсатиш. Методик қўлланма.(УзССВ №225 буйруғи, 2013)
6. Manual of Pediatric Nursing. Janet M. Brucker., Kelly D. Wallin., USA, 1996
7. The five Minute child Health Advisor/ - M. William Schwartz, MD., - 1998, USA
8. A therapist's guide to pediatric assessment, - Linda King-Thomas, Bonnie J. Hacker, 1987, USA
9. Margaret C. Heagarty., William J. Moss Pediatrics, -, -1997, USA
10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O'zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. 2017 й, 488 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O'zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
12. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O'zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.tma.uz](http://www.tma.uz)
2. [www.zyonet.uz](http://www.zyonet.uz)
3. [www.info@minzdrav.uz](mailto:www.info@minzdrav.uz)
4. [www.info@tma.uz](mailto:www.info@tma.uz)

### **2. Терапевтик беморларни парвариш қилиш**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Зокирходжаев Ш.Я. Солихов М.У. Шифокор ва бемор – Тошкент, 2016 й.
2. Мухина С.А., Тарновская И.И. Практическое руководство к предмету "Основы сестринского дела". М., 2003. -351с.
3. Иномов К. Хамширалик иши асослари – Тошкент, 2009

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Морозова Г.И. Основы сестринского дела. Ситуационные задачи. Практикум для медицинских училищ и колледжей.- Москва, «ГЭОТАР-Медиа», 2009. – 235с.
2. Гребнев А.Л., Шептулин А.А. Основы общего ухода за больными. - М.: Медицина. 1991 г.
3. Маматқулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш – Тошкент, 2013
4. Зокирова К.О. Тўхтаматова Д.У. Хамширалик иши асослари – Тошкент, 2010 й
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. 2017 й, 488 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.Consilium-medicum.com](http://www.Consilium-medicum.com).
2. medline;
3. e-library;
4. каталог «Корбис»;
5. [www.Medpsy.ru](http://www.Medpsy.ru);

### **3. Хирургик беморларни парвариш қилиш**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Бабаджанов Б.Д., Охунов А.О. Хирургия нима? - Методик кулланма. Т, 2012
2. Бабаджанов Б.Д., Охунов А.О. Антисептика. - Методик кулланма. Т.-2012.
3. Бабаджанов Б.Д., Охунов А.О. Беморларни текшириш усуллари - Методик қўлланма. Т.-2012.
4. Бабаджанов Б.Д., Охунов А.О.//Общая хирургия в модулях – Электронный учебник на русском языке – 2013 год.
5. Охунов А.О., Тавашаров Б.Н. Основы общего ухода за хирургическими больными - Электронный учебник для студентов медицинских ВУЗов.Т., 2015
6. Охунов А.О. Сценарии и сборник заданий для практических занятий по общей хирургии с использованием современных педагогических технологий. Учебно-педагогическое пособие для преподавателей по дисциплине «Общая хирургия». Т.-2012
7. Охунов А.О. Умумий хирургия.- Электрон дарслик – 2014 йил.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Кузнецова В.М. Сестринское дело в хирургии. Ростов-на-Дону, 2000.
2. Чернов В.Н. Уход за хирургическими больными. М., 2004.
3. F. Charles Brunicaudi. Schwartz's principles of surgery.10th edition.2015-488 p.
4. S.Das. A manual clinical surgery.Special investigations and differential diagnosis.11th edition.2014-216 p.
5. Norman Williams. Bailey Loves. Short practice of surgery.26th edition.2012-451 p.
6. Peter F. Lawrence. Essentials of general surgery.15th edition.2013-379 p.
7. John Lumley et all. Demonstrations of physical signs in clinical surgery. 19th edition.2013-185 p.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. 2017 й, 488 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.

### **Интернет сайтлари**

1. <http://www.labirint.ru/books/570674/>
2. <http://www.labirint.ru/books/570674/>
3. <http://www.labirint.ru/books/569902/>
4. <http://www.labirint.ru/books/569744/>
5. <http://www.labirint.ru/books/561702/>
6. <http://www.labirint.ru/books/558529/>
7. <http://www.labirint.ru/books/553394/>
8. <http://www.labirint.ru/books/534343/>
9. <http://www.labirint.ru/books/532940/>
10. <http://www.labirint.ru/books/507508/>

## **4. Хирургик бемор-болаларни парвариш қилиш**

### **Асосий адабиётлар**

1. Зокирходжаев Ш.Е. Шифокор ва бемор фанидан ўқув дастури, Тошкент 2009.
2. Золикина Л.С. Беморларни умумий парвариши, 1995.
3. Турсунов Б.С. Хирургик беморлар парвариши, Ибн Сино номидаги матбуот бирлашмаси, 1995.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Фаулер М. Этика и сестринское дело, М.1994.
2. Д.Мерта. Справочник ВОП. М.1998.
3. Островская И.М. Вербальный способ общения. Ж.Медсестра, 2001, 7.
4. Островская И.В. Медсестра и пациент: общения для обмена полезной информации. Ж.Медсестра, 2000.
